

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ

ҲАЁТИЙ ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ
йўналиши

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИНинг
ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ
АСОСЛАРИ

ТОШКЕНТ-2021

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ТДТУ, катта ўқитувчи Хамидуллаев Ф.Ф.

Такризчи: ТДТУ, т.ф.д. профессор С.С.Сулейманов

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат техника университети Кенгашининг 2020 йил 18 декабрдаги 4-сонли қарори билан фойдаланишга тавсия этилди.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----|
| I.ИШЧИ ДАСТУР..... | 4 |
| II.МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ..... | 16 |
| III.НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР..... | 19 |
| IV.АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ..... | 111 |
| V.КЕЙСЛАР БАНКИ..... | 218 |
| VI.ГЛОССАРИЙ..... | 220 |
| VII.АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... | 226 |

I. ИШЧИ ДАСТУР КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини муентазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Ушбу ишчи ўкув дастур меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш, меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш, ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган заарни тўлаш, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишни амалга ошириш, ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш, иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш ва бошқа меҳнат муҳофазаси бўйича масалалари баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулнинг мақсади – тингловчиларни ишлаб чиқаришда хавфсиз ва соғлом иш шароитларини яратишнинг назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлаш, ишлаб чиқариш мухитида ишчи ва хизматчиларни тўғри ҳаракат қилиш ва ҳимояланиш бўйича билим, кўникма ва малакасини шакллантиришdir.

“Мехнат муҳофазасининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари” модулининг вазифалари:

- ишлаб чиқаришдаги иш жойлари ва зоналарида мавжуд ва юзага келиши эҳтимоли бўлган заарли ва шикастловчи салбий омиллар, уларни синфлари, асосий манбалари бўйича тасавурларини кенгайтириш;
- мазкур соҳага тегишли қонунлар, меъёрий-техник ҳужжатлар, педагогик касбий фаолиятда, ишлаб чиқариш жараёнларида амалга ошириладиган технологияларнинг, фойдаланиладиган техник воситаларнинг ҳамда жиҳозларнинг мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган заарли ва шикастловчи салбий омилларини идентификациялаш ҳамда баҳолашни ўргатиш ва касбий маҳоратини ошириш;
- заарли ва шикастловчи ишлаб чиқариш омилларини инсон соғлиги ва ҳаётига, уни авлодлари соғлиги ва ҳаётига салбий таъсирини бартараф этиш ёки оқибатларини камайтиришга оид ташкилий, техник, иқтисодий, экологик ва ижтимоий чора-тадбирларни муқобилини танлаш, ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва татбиқ этиш бўйича илм (билим ва малака) бериш ва касбий маҳоратини ошириш;
- меҳнат муҳофазасини ташкилий масалаларини замонавий талаблар даражасида ҳал этиш, бошқариш усулларини, ҳимоя воситаларини амалиётга жорий этиш орқали меҳнат хавфсизлигини, соҳадаги илфор ҳалқаро тажрибалардан оқилона фойдаланишга ўргатиш, кўникмасини шакллантириш ва касбий маҳоратини ошириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Мехнат муҳофазасининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатларини;;
- Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиларини;
- ходимнинг ҳамда иш берувчининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуqlари ва мажбуриятларини;
- кириш йўл-йўригини ўтказиш бўйича намунавий дастурни;
- иш жойидаги йўл-йўриқни ўтказиш бўйича намунавий дастурни;
- меҳнат муҳофазаси ҳолати назоратининг биринчи босқичини;
- меҳнат муҳофазаси ҳолати назоратининг иккинчи босқичини;
- меҳнат муҳофазаси ҳолати назоратининг учинчи босқичини;
- иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларини;
- ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини яратиш ва фаолиятини ташкил этиш тартибини;
- ишлаб чиқаришдаги иш жойлари ва зоналарида мавжуд ва юзага келиши эҳтимоли бўлган заарли ва шикастловчи салбий омилларни;
- Ўзбекистон Республикаси, хамдўстлик мустақил давлатлари, бошқа етакчи давлатлардаги меҳнат муҳофазасининг ҳозирги вақтдаги масалаларини;
- билимларнинг бир бутун тизими билан ўзаро боғлиқликда ушбу модулнинг асосий муаммоларини;
- меҳнат қилиш ва дам олишнинг мақбул шароитларининг инсон физиологиясига таъсирини;
- ишлаб чиқаришдаги иш жойлари ва зоналарида мавжуд ва юзага келиши эҳтимоли бўлган заарли ва шикастловчи салбий омилларни синфлари, асосий манбаларини;

- меҳнат муҳофазасига тегишли қонунлар, миллий, давлатларапо ва халқаро стандартлар, техник, ташкилий, санитар-гигиеник меъёрларн и **билиши керак**.

Тингловчи:

- зарарли ва шикастловчи ишлаб чиқариш омилларини инсон соғлиғи ва ҳаётига, уни авлодлари соғлиғига ва ҳаётига салбий таъсирини бартараф этиш;
- ёки оқибатларини камайтиришга оид ташкилий, техник, иқтисодий, экологик ва ижтимоий чора-тадбирларни муқобилини танлаш;
- меҳнат муҳофазасининг ташкилий масалаларини ва булардан келиб чиқаётган муаммоларни ечиш;
- зарарли ва шикастловчи ишлаб чиқариш омилларини инсон ҳаёти ва соғлиғига салбий таъсирини бартараф этишга оид замонавий техник ечимлар ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш **қўни́кма** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

-меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишлиарни ташкил қилиш ва билимларни синаш;

-меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш;

-ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш;

-иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартибини амалга ошириш;

меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ турфа масалаларни замонавий талаблар даражасида ҳал этиш;

- меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш;

- меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш **малакаларга** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

-зарарли ва шикастловчи ишлаб чиқариш омилларини инсон ҳаёти ва соғлиғига салбий таъсирини бартараф этишга оид замонавий техник ечимларни амалга тадбиқ этиш;

- ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш;

- соҳадаги илғор ҳалқаро тажрибалардан оқилона фойдаланишга ўргатиш малакасини шакллантириш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари” модулинни ўрганиш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

-ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари” модули мазмуни ўқув режадаги “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги”, “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси” ва “Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш асослари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг мазкур фан бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини ҳамда таълим хизмати сифатини оширишга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий маълумотли кадрларда “Меҳнат муҳофазасининг хуқуқий ва ташкилий асослари” билан боғлиқ турфа масалаларни замонавий талаблар даражасида ҳал этиш усулларини, меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишиларни ташкил қилиш ва билимларни синаш, меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш, меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш, соҳадаги илғор халқаро тажрибалардан оқилона фойдаланишга ўргатиш малакасини шакллантиришга, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Мавзулар | Ўқув юкламаси, соат | | | | | |
|-----------------|--|---------------------|-------------------------|-----------|-----------|-----------------|-------|
| | | Ҳаммаси | Аудитория ўқув юкламаси | | | | |
| | | | Жами | Назарӣ | Амалий | Тажриба алмашин | Кўчма |
| 1. | Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири). | 2 | 2 | 2 | | | |
| 2. | Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишиларни ташкил қилиш ва билимларни синаш.. | 4 | 4 | 2 | 2 | | |
| 3. | Меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тартиби. | 2 | 2 | | 2 | | |
| 4. | Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш ва етказилган заарни тўлаш. | 4 | 4 | 2 | 2 | | |
| 5. | Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби. | 6 | 6 | 4 | 2 | | |
| 6. | Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари.. | 2 | 2 | | 2 | | |
| Ҳаммаси: | | 20 | 20 | 10 | 10 | | |

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири).

Қонуннинг мақсади, амал қилиш соҳаси. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари. Ходимнинг ҳамда иш берувчининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хуқуqlари ва мажбуриятлари.

2-мавзу: Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишиларни ташкил қилиш ва билимларни синаш. Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш. Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини назорат ва таҳлил қилиш.

Ишчиларни ўқитиш ва билимларини синаш. Ишчиларга йўл-йўриқ ўтказиш. Ишчиларнинг билимларини синаш. Раҳбар ва мутахассисларни ўқитиш ва билимларини синаш. Кириш йўл-йўриғини ўтказиш бўйича намунавий дастур. Иш жойидаги йўл-йўриқни ўтказиш бўйича намунавий дастур.

Ходимларнинг меҳнат шароитлари ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича вазифалар. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил қилиш. Корхонада меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш. Иш берувчининг вазифаси. Корхона бош муҳандиснинг вазифаси. Корхона бош механигининг вазифаси. Корхона бош энергетигининг вазифаси. Цех бошлиғининг вазифаси. Корхона ходимининг вазифаси.

Меҳнат муҳофазаси ҳолатининг таҳлили ва назорати. Маъмурий – жамоат назорати. Маъмурий назорат. Жамоат назорати. Меҳнат муҳофазаси ҳолати назоратининг биринчи босқичи. Меҳнат муҳофазаси ҳолати назоратининг иккинчи босқичи. Меҳнат муҳофазаси ҳолати назоратининг учинчи босқичи.

3-мавзу: Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш ва етказилган зарарни тўлаш.

Умумий қоидалар. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисани ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишларини текшириш ва ҳисобга олиш тартиби. Н-1 шаклидаги далолатномани тузиш тартиблари.

Баҳтсиз ҳодисаларни маҳсус текшириш. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар натижасида шикастланишларининг оғирлик даражасини белгилаш схемаси. Соғлиғига шикаст етказилганлиги билан боғлиқ ҳолда заарнинг жабрланувчига тўланадиган миқдори. Меҳнат жароҳатлари туфайли қилинган қўшимча харажатларни жабрланувчига тўлаш. Боқувчининг вафоти сабабли зарарни тўлаш.

4-мавзу: Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбобускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби.

Умумий қоидалар. Аттестацияни ўтказиш. Аттестацияни ўтказишга тайёргарлик қўриш тартиби. Меҳнат шароитларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига мувофиқлигини баҳолаш тартиби.

Иш ўринларининг айрим турларини аттестациядан ўтказиш хусусиятлари. Иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш натижаларини расмийлаштириш тартиби. Режадан ташқари аттестация ўтказиш тартиби. Иш жойининг меҳнат шароитлари харитаси. Иш жойларининг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолаш. Ходимларнинг шахсий ҳимоя воситалари (ШҲВ) билан таъминланганлигини баҳолаш. Кафолат ва преференциялар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Мехнат муҳофазаси бўйича йўл-йўриқ ўтказиш журнали ва билимларни синаш баённомаларини расмийлаштириш тартиблари. Мехнатни муҳофаза қилиш ҳолати бўйича маъмурий – жамоат назорати (уч босқичли назорат).

Кириш йўл-йўригини ўтказиш бўйича намунавий дастур тузиш. Ишчиларга йўл-йўриқ ўтказилишини қайд қилиш журналларини расмийлаштириш тартиби. Ишчиларни ўқитиш бўйича дастур ишлаб чиқиш ва билимларини синаш баённомаларини расмийлаштириш тартиби билан танишиш.

Мехнат муҳофазаси ҳолатининг таҳлили ва назорати. Мехнат муҳофазаси ҳолати назоратининг биринчи ва иккинчи босқичини ўтказиш тартиби. Мехнат муҳофазаси ҳолати назоратининг учинчи босқичини ўтказиш тартибини таҳлил қилиш.

2-мавзу: Мехнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тартиби.

Мехнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни тузилиши ва мазмuni. Мехнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби. Йўриқномаларни расмийлаштириш тартиби. Мехнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни текшириш ва қайтадан кўриб чиқиш тартиби ўрганиш.

3-мавзу: Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишларини текшириш ва ҳисобга олиш тартиби. Н-1 шаклидаги далолатномани тузиш тартиблари.

Бахтсиз ҳодисаларни махсус текшириш далолатномасини тузиш талаблари. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар натижасида шикастланишларнинг оғирлик даражасини белгилаш схемасидан фойдаланиш .

4-мавзу: Иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш натижаларини расмийлаштириш тартиби.

Меҳнат шароитларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича нормалар, қоидалар ва йўриқномалар талабларига мувофиқлигини баҳолаш тартиби.

Иш ўринларининг айрим турларини аттестациядан ўтказиш хусусиятларини ўрганиш. Иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш натижаларини расмийлаштириш тартиби. Режадан ташқари аттестация ўтказиш тартиби. Иш жойининг меҳнат шароитлари харитасини тўлдириш. Иш жойларининг жароҳатлаш хавфлилигини баҳолаш тартиби. Ходимларнинг шахсий ҳимоя воситалари (ШҲВ) таъминланганлигини баҳолаш. Кафолат ва преференцияларни белгиланиш талабларини ўрганиш.

5-мавзу: Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш Қоидалари. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини яратиш ва фаолиятини ташкил этиш тартиби.

Мажбурий сұғурта қилиш шартномасини тузиш, ўзgartериш ва унинг амал қилишини муддатидан олдин тўхтатиш тартиби. Сұғурта суммаси, сұғурта мукофоти ва мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта мукофотини тўлаш тартиби.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини яратиш ва фаолиятини ташкил этиш тартиби. Хизматнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўрганиш. Ташкилот раҳбарининг ва Хизмат ходимларининг фаолиятни ташкил этиш бўйича мажбуриятлари. Хизмат раҳбарига ва мутахассисларига қўйиладиган талабларни таҳлил қилиш.

ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ

Таълимни ташкил этиш шакллари аниқ ўқув материали мазмуни устида ишлаётганда ўқитувчини тингловчилар билан ўзаро ҳаракатини тартиблаштиришни, йўлга қўйишни, тизимга келтиришни назарда тутади.

Модулни ўқитиши жараёнида қўйидаги таълимнинг ташкил этиш шаклларидан фойдаланилади:

- 1) маъруза;
- 2) амалий машғулот.

Ўқув ишини ташкил этиш усулига кўра:

- 1) жамоавий;
- 2) гуруҳли (кичик гуруҳларда, жуфтликда);
- 3) якка тартибда.

Жамоавий ишлаш – бунда ўқитувчи гуруҳларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўқув мақсадига эришиш учун ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади.

Гуруҳларда ишлаш – бу ўқув топширигини ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гуруҳларда ишлашда (3 тадан – 7 тагача иштирокчи) фаол рол ўйнайдиган иштирокчиларга қаратилган таълимни ташкил этиш шаклидир. Ўқитиш методига кўра гуруҳни кичик гуруҳларга, жуфтликларга ва гуруҳларора шаклга бўлиш мумкин.

Бир турдаги гуруҳли иш ўқув гуруҳлари учун бир турдаги топширик бажаришни назарда тутади.

Табақалашган гуруҳли иш гуруҳларда турли топширикларни бажаришни назарда тутади.

Якка тартибдаги шаклда - ҳар бир таълим олувчига алоҳида- алоҳида мустақил вазифалар берилади, вазифанинг бажарилиши назорат қилинади.



II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Ақлий хужум” методи

Ақлий хужум, ғояларни ишлаб чиқиши усули иштирокчилар бирлашган ҳолда қийин муаммони ечишга ҳаракат қиласидилар уни ечиш учун шахсий ғояларини илгари сурадилар.

Ақлий хужум, олдиндан уларнинг танқидисиз, мавзуга нисбатан эркин фикрларни ишлаб чиқищдаги ҳаракатидир Ақлий хужум усули серкирра кўлланиш хусусиятига эга "Ақлий хужум"нинг вазифаси кичик гурухлар ёрдамида янги-янги ғояларни яратишдир (кичик гурухнинг биргаликдаги кучи - унинг алоҳида аъзоларининг кучлари йиғиндисидан кўп бўлади). Ақлий хужумнинг муаммони ҳал қилаётган кишиларнинг кўпроқ ақлбовар қилмайдиган ва ҳатто фантастик ғояларни яратишга ундейди. Ғоялар қанча кўп бўлса, уларнинг ҳеч бўлмагандаги биттаси айни муддао бўлиши мумкин. Бу ақлий хужум негизидаги тамойилдир. Ақлий хужум то`хтатилгандан со`нг барча айтилган ғоялар муҳокама қилиниб, энг мақбули танланади. Якка тартибда ёки жуфтликда, амалий машғулотларда эса 4-7 кишидан иборат кичик гурухларда шунингдек, гурух бо`йича ҳам ўтказиш мумкин. Ақлий хужум машғулотларда талабалар фаоллигини оширишга, чарчоқни ё`қотишга, ғояни излашга шароит яратади

Самарали ақлий хужум учун босқичлар:

1. Иштирокчиларни мажбурий бўлмаган тарзда ўтказинг.
2. Фикрларни баён қилиш учун қофоз ва доскани тайёрланг.
3. Ақлий хужумнинг иштирокчиларига муаммони етказиш керак.
4. Иш тартибини аниқланг:
 - а) фикрлар ташланганда ҳеч қандай баҳолашлар.
 - б) доимий фикрлаш озодлиги.
 - в) қанча ақлли фикр кўп бўлса, шунча яхши.
 - г) “ушланг”, “тутинг”, бошқаларнинг фикрларини ривожлантиринг.
5. Фикрлар тўғрисида суриштиринг ва тезда уларни келиши билан ёзинг.

6. қоғоз варағи түлдирилганда, уни мұхокама учун қўйинг.
7. Ўз ғояларингизни қўшиб янги ғояни рағбатлантиринг.
8. Бошқаларнинг фикрини танқид қилиш ёки устидан кулиш керак эмас, кулгига йўл қўйманг.
9. Ўзингизнинг фикрларингизни бошқа томонга тарқаб кетмасидан бир жойга жамланг.

Ақлий ҳужумнинг асосий кўринишларидан бири жуфтликдаги ақлий ҳужумдир. Агар иш далилий ахборотга боғлиқ бўлса, унда талабаларга далиллар рўйҳатини тузишга таклиф берилади. Икки дақиқадан сўнг индивидуал ишдан кейин улар бир-бирлари билан мулоқотда бўлиб мұхокама қиласидар ва ўзларининг рўйхатларини бирлаштирадилар.

Методнинг мавзуга тадбиғи: тингловчиларнинг бирламчи билимларини аниқлашда кўйидаги саволлар берилади:

Саволлар:

1. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисани текшириш қайси ҳужжат асосида қандай амалга оширилади?
2. Баҳтсиз ҳодисалар ва қасб қасалликлардан ходимларни мажбурий давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказиш қайси ҳужжат асосида қандай амалга оширилади?
3. Ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган заарнинг ўрнини юридик шахс қайта ташкил этилган ёки тутатилган тақдирда қандай қопланди?
4. Қандай баҳтсиз ҳодисалар ишлаб чиқаришга оид деб текширилади ва ҳисобга олинади?
5. Иш куни давомида жабрланувчи ҳақида ҳабар берилмаган ҳолларда баҳтсиз ҳодисалар қандай текширилади ва ҳисобга олинади?
6. Ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ўқувчи ва талабаларга оид содир бўладиган баҳтсиз ҳодисалар ким томонидан текширилади ва ҳисобга олинади?

7. Ўриндошлиқ асосида ишлайдиган шахслар билан содир бўладиган баҳтсиз ходисалар ким томонидан текширилади ва ҳисобга олинади?
8. Бир худудда бир неча ташкилотлар томонидан қурилиш ишлари олиб борилаётган ҳолларда содир бўладиган баҳтсиз ходисалар ким томонидан текширилади ва ҳисобга олинади?
9. Ташкилот ҳудудида автотранспорт хайдовчиси айби билан содир этиладиган баҳтсиз ходисалар ким томонидан текширилади ва ҳисобга олинади?
10. Қандай баҳтсиз ходисалар маҳсус текширувдан ўтказилади ва ҳисобга олинади?

«Ассесмент» методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнилмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнилмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

«Ассесмент» лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Мавзуга тадбиғи:

Тест саволлар:

Амалий топшириқ:

Мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш, ўзгартириш ва унинг амал қилишини муддатидан олдин тўхтатиш тартибини ёзиб беринг.

Назорат савол:

Тўқимачилик саноатида учрайдиган жароҳатлар, касбий касалликлар ва заҳарланишларнинг сабабларинимада ва улар нечта гурухга бўлинади?

| | | | | |
|---|------------------------|-----------------------|--------------------|----------------------|
| 16-18 ёшдаги ишчиларнинг ҳафталик иш давомийлиги канчани ташкил қилиши керак? | 36 соат | 15 соат | 18 соат | 24 соат |
| Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси» қачон қабул қилинган? | 21 декабрь 1995 йил | 18 январь 1992 йил | 2 июнь 1994 йил | 5 апрель 1998 йил |

НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири)

Режа:

1. Умумий қоидалар;
2. Меҳнатнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш;
3. Ишловчиларнинг меҳнатни муҳофаза қилишга доир ҳуқуқларини рўёбга чиқаришдаги кафолатлар;
4. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларга риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назорати;
5. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларни бузганлик учун жавобгарлик.

Таянч сўзлар: меҳнат муҳофазаси, заарли ишлаб чиқариш омили, ишлаб чиқариш фаолияти ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса, меҳнат шароитлари, меҳнатда майиб бўлиш, нокулай ишлаб чиқариш омиллари, хавфли ишлаб чиқариш омили, шахсий химоя воситалари.

1. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Ушбу Қонуннинг амал қилиш соҳаси

Ушбу Қонун:

корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) билан, шунингдек алоҳида ёлловчилар билан меҳнат муносабатларида бўлган ходимларга;

ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган олий таълим муассасалари талабаларига, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларига, бошқа таълим муассасалари тингловчиларига;

ташкилотларда ишлаш учун жалб этиладиган ҳарбий хизматчиларга;

муқобил хизматни ўтаётган фуқароларга;

суд ҳукмига кўра жазони ўтаётган шахсларга улар жазони ижро этиш муассасалари томонидан белгиланадиган ташкилотларда ишлаши даврида, шунингдек маъмурий қамоқقا олиш тарзидаги маъмурий жазо қўлланилган шахсларга, бошқа турдаги ишларни бажаришга, шу жумладан жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб ташкил этиладиган ишларни бажаришга жалб этиладиган шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Қонун иш берувчиларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу модданинг **биринчи қисмида** кўрсатилган шахслар бундан буён матнда ходимлар деб аталади.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

жамоавий ҳимоя воситалари — тузилиши ёки вазифаси жихатидан ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган,

ходимларга заарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник воситалар ва бошқа воситалар;

зарарли ишлаб чиқариш омили — таъсири ходимнинг касб касаллигига чалинишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

иш ўрни — меҳнат фаолияти жараёнида ходимнинг доимий ёки вақтинчалик бўлиш жойи;

ишлаб чиқариш фаолияти — маҳсулот ишлаб чиқариш, хом ашёни қайта ишлаш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш чоғида амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси;

ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса — ходимнинг иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда, шу жумладан иш берувчи томонидан берилган транспортда иш жойига келаётган ёки ишдан қайтаётган вақтда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруратига, у касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

касб касаллиги — ходимнинг унга заарли ишлаб чиқариш омили ёки хавфли ишлаб чиқариш омили таъсири натижасида юзага келган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги;

меҳнат шароитлари — меҳнатни амалга ошириш чоғидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омиллари йиғиндиси;

меҳнатни муҳофаза қилиш — меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлифи, иш қобилияти сақланишини таъминлашга доир ҳукуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техниковий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизими;

мехнатда майиб бўлиш — ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса оқибатида ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотиши;

ноқулай ишлаб чиқариш омиллари — заарли ишлаб чиқариш омилиниң ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилиниң мавжудлиги;

хавфли ишлаб чиқариш омили — таъсири ходимнинг шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

шахсий ҳимоя воситалари — ходимга заарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсириниң олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимояланиш учун фойдаланиладиган техник воситалар ва бошқа воситалар.

5-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлигини таъминлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

барча ташкилотлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларни белгилаш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга ошириш;

ходимларни ҳимоя қилувчи хавфсиз техника, технология ва воситаларнинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини рағбатлантириш;

фан, техника ютуқларидан ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича илғор миллий ва хорижий тажрибадан фойдаланиш;

ишлиб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалардан жабрланган ёки касб касаллигига чалинган ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш; халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

6-модда. Мехнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш

Мехнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатларига мувофиқ айрим ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

2.Меҳнатнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлайди;

меҳнат шароитларининг давлат экспертизасини ўтказиш тартибини белгилайди;

ишлиб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текшириш ҳамда ҳисобга олиш тартибини белгилайди;

ташкilotларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш тартибини белгилайди;

меҳнатни муҳофаза қилиш учун иш берувчи томонидан маблағлар ажратиш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармаларини тузиш ва уларнинг маблағларидан фойдаланиш тартибини белгилайди;

мехнатни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Мехнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органининг ваколатлари

Олдинги таҳрирга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органидир.

(8-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январдаги ЎРҚ-456-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

(8-модданинг иккинчи қисми биринчи хатбоишиси Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январдаги ЎРҚ-456-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон)

мехнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

мехнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

мехнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва норматив-хуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади, келишиб олади ҳамда тасдиқлайди;

мехнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши, шу жумладан нокулай ва алоҳида меҳнат шароитларида ишлаганлик учун ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар берилиши юзасидан давлат назорати ҳамда текширувини амалга оширади;

мехнат шароитларининг давлат экспертизаси ўтказилишини таъминлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик қиласди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозори профессионал иштирокчиларининг ягона реестрини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда юритади;

меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати мониторингини ўтказади;

ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишларнинг сабабларини таҳлил қиласди ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, юридик ва жисмоний шахсларга бундай жароҳатланишларнинг олдини олиш бўйича таклифлар киритади;

ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларнинг маҳсус текшируви ўтказилишини ва ҳисобга олинишини таъминлайди.

Олдинги таҳрирга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

(8-модданинг учинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январдаги ЎРҚ-456-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон)

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

ходимларнинг дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (мехнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий қўрикларини ўтказиш тартибини белгилайди;

ишлаб чиқариш муҳити омилларининг зааралилиги ва хавфлилиги, меҳнат жараёнининг оғирлиги ва тифизлиги қўрсаткичлари бўйича санитария қоидаларини, нормаларини ва гигиена нормативларини белгилайди;

мехнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўлган ходимларга бериладиган сутни (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини), даволаш-профилактика озиқ-овқатини, газланган тузли сувни (иссиқ цехларда ишловчилар учун) бериш нормативларини белгилайди;

ходимни енгилроқ ишга ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсирини истисно этадиган ишга ўтказиш учун тиббий ва бошқа қўрсаткичлар рўйхатини тасдиқлади;

ходим қасб касаллигига чалинган деб гумон қилинганда унинг меҳнат шароитларининг санитария-гигиена тавсифини тузишга доир талабларни белгилайди;

қасб касалликларини аниқлаш ва ходимларнинг қасбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлиги даражасини аниқлаш учун йўлланма бериш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

мехнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

мехнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади;

мехнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги тармоқ мақсадли ва маҳсус дастурларни тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

тизимидағи ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

тизимидағи ташкилотларда ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларнинг ва ходимлар соғлиғига бошқача шикаст етказилишининг текширувдан ўтказилиши ҳамда ҳисобга олинишини ташкил этади ва таъминлайди;

тизимидағи ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассисларининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича тайёрланиши, қайта тайёрланиши, малакаси оширилиши ва билимлари текширилишини ташкил этади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги худудий дастурларни тасдиқлайди ва амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тегишли худудий бўлинмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12-модда. Ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари

Ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга

бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ташкилотнинг мустақил таркибий бўлинмалари бўлиб, улар бевосита ташкилот раҳбарига бўйсунади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати мутахассислари меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормаларига барча ходимлар томонидан риоя этилишини назорат қилиш, таркибий бўлинмаларнинг раҳбарларига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларини бузаётган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида ташкилот раҳбарига тақдимномалар киритиш хуқуқига эга.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифалари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

13-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида шартнома асосида хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилариdir.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари:

ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини амалга ошириши;

иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациясини ўтказиши; меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаши ва уларнинг малакасини ошириши;

ташкилотда меҳнатнинг муҳофаза қилинишини бошқариш тизими аудитини ўтказиши мумкин.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиларига ва улар томонидан хизматлар бажарилишига доир талаблар, шунингдек уларнинг ягона реестрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 апрелдаги 246-сон қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари фаолиятини таикил этиши ва уларнинг ягона реестрини юритиши тартиби тўғрисида низом».

14-модда. Иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестацияси

Иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестацияси меҳнат шароитларининг, иш ўринларидағи меҳнат жараёни оғирлиги ва тифизлигининг ҳамда уларнинг жароҳатланиш жиҳатидан хавфлилигининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳукуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш, заарли ишлаб чиқариш омилини ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилини аниқлаш мақсадида ўтказиладиган тадбирлар мажмуидир.

Иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациясидан қўйидагилар ўтказилиши керак:

меҳнат шароитлари бўйича ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзлар ва компенсациялар назарда тутилган иш ўринлари;

ногиронлар банд бўлган иш ўринлари;

имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларида кўрсатилган иш ўринлари;

хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги иш ўринлари.

Қонун ҳужжатларида, шунингдек жамоа шартномалари ва келишувларида бошқа иш ўринларининг ҳам меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилиши назарда тутилиши мумкин.

Иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестацияси белгиланган тартибда иш берувчининг ўзи томонидан ўтказилади. Иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациясини ўтказиш даврийлиги қонун ҳужжатларида белгиланади, бироқ беш йилда камида бир марта ўтказилади.

15-модда. Ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг аудити

Ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг аудити меҳнатни муҳофаза қилиш тизимининг ҳолатини баҳолаш бўлиб, ушбу аудит иш берувчининг қарорига биноан ўтказилади ва қуидагиларни ўз ичига олади:

ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг ишлаши сифатини, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ва касб касалликларининг олдини олишга, даражасини камайтиришга қаратилган тадбирлар самарадорлигини баҳолаш;

аниқланган камчиликларни бартараф этишга, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ва касб касалликларининг олдини олишга қаратилган таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ташкилотда мөхнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг аудити мөхнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчилари томонидан шартнома асосида амалга оширилади.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 апрелдаги 246-сон қарори билан тасдиқланган «Ташкилотлардаги мөхнатни муҳофаза қилиши тизимида аудит ўтказиш тартиби тўзгисида низом».

16-модда. Мөхнатни муҳофаза қилишни молиялаштириш

Мөхнатни муҳофаза қилишни молиялаштириш қуидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағлари;

иш берувчининг ўз маблағлари;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган мөхнатни муҳофаза қилиш жамғармаларининг маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Мөхнатни муҳофаза қилиш учун бюджет маблағлари тегишли (республика ва маҳаллий) бюджетларда алоҳида қайд билан ажратилади, бу маблағлардан бошқарув органларининг, назорат қилувчи ва текширувчи органларнинг таъминоти, илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш, мөхнатни муҳофаза қилишга оид давлат дастурларини ва бошқа дастурларни бажариш учун фойдаланилади.

Хар бир иш берувчи мөхнатни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган маблағларни қонун ҳужжатларида, жамоа шартномасида, шунингдек жамоа келишувларида ёки бошқа ички норматив ҳужжатларда белгиланадиган миқдорда ажратади. Ходимлар ана шу мақсадлар учун бирор-бир чиқим қилмайдилар.

Ташкилотлар мөхнатни муҳофаза қилиш бўйича жамғармани ўзининг тижорат фаолияти ва бошқа фаолиятидан олинадиган фойда (даромадлар),

шунингдек қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ташкил этишга ҳақлидир.

Мехнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланиши мумкин эмас.

Мехнатни муҳофаза қилиш учун иш берувчи томонидан маблағлар ажратиш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамғармаларни ташкил этиш ва уларнинг маблағларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси иштирокида белгиланади.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сон қарори билан тасдиқланган «Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиши жамғармасини ташкил этиши ва унинг маблағларидан фойдаланиши тартиби тўғрисида»ги низом.

17-модда. Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахassislarни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахassislarning тайёрланиши белгиланган тартибда таъминланади.

Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари иқтисодиётнинг турли тармоқларидағи ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий соҳа хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда талабалар ва ўқувчилар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш курси мажбурий ўрганилишини ташкил этиши керак.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда иш берувчилар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахassislar қайта тайёрланишини ва уларнинг малакаси оширилишини таъминлайди.

Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахassislarни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 апрелдаги 246-сон қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилиши соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириши тартиби тўғрисида низом».

3. Ишловчиларнинг меҳнатни муҳофаза қилишга доир ҳуқуқларини рўёбга чиқаришдаги кафолатлар

18-модда. Ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш

Меҳнат шароитлари нокулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бўлган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув (иссиқ цехларда ишловчилар учун), маҳсус кийим-бош, маҳсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланади. Бундай ишларнинг рўйхати, уларни бериш нормалари, улар билан таъминлаш тартиби ва шартлари жамоа шартномалари ҳамда келишувларида белгиланади, агар улар тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишувга кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ белгиланади.

Ходимларнинг шахсий ҳимоя воситаларини олиш, сақлаш, ювиш, тозалаш, таъмирлаш, дезинфекция қилиш ва заарсизлантириш иш берувчининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

19-модда. Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва улардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ва таъмирлаш чоғида меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни таъминлаш

Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва улардан фойдаланишга, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ва таъмирлашга, технологияларни жорий этишга, шу жумладан хориждан олинганларини жорий этишга йўл қўйилмайди.

Йўл қўйиладиган энг юқори нормативлари (концентрациялари) белгиланган тартибда ишлаб чиқилмаган ва тегишли экспертизалардан ўтказилмаган заарли моддаларнинг ишлаб чиқаришда кўлланилиши тақиқланади.

20-модда. Ташкилотларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш ва ишлаб чиқариш борасидаги фаолиятини рағбатлантириш

Ташкилотлар фойдасининг меҳнатни муҳофаза этишга оид адабиётларни, плакатларни, бошқа тарғибот воситаларини нашр этиш ҳисобидан ҳосил бўлган қисмига, шунингдек илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари фойдасининг жамоавий ҳимоя воситалари ва шахсий ҳимоя воситаларининг, ишлаб чиқариш муҳитини назорат қилиш асбоблари ва дозиметрия воситаларининг янгиларини яратиш, мавжуд воситаларни ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш ҳисобидан олинган қисмига қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзли солиқ солиши белгиланиши мумкин.

21-модда. Ишга қабул қилишда ва бошқа ишга ўтказишда меҳнатни муҳофаза қилишга бўлган хуқуқнинг кафолатлари

Меҳнат шартномасининг шартлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа шартномалари, шунингдек жамоа келишувлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги бошқа ички норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Фуқароларни соғлигининг ҳолатига кўра ўзига тўғри келмайдиган ишга қабул қилиш ва ходимларни бошқа шундай ишга ўтказиш тақиқланади.

Фуқароларни соғлиғи ва ҳаётига юқори даражада хавф тугдириши мумкинлиги олдиндан аён бўлган ишга қабул қилиш ҳамда ходимларни бошқа шундай ишга ўтказиш чоғида иш берувчи уларни бу ҳақда огоҳлантириши шарт.

Соғлигининг ҳолатига кўра енгилроқ ишга ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсирини истисно этадиган ишга ўтказишга мухтоҷ ходимларни иш берувчи ана шундай ишга уларнинг розилиги билан, тиббий хулосага мувофиқ вақтинча ёки муддатини чекламай ўтказиши шарт.

Соғлигининг ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсирини истисно этадиган кам ҳақ тўланадиган ишга ўтказишида ходимларнинг аввалги ўртacha ойлик иш ҳақи Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексида белгиланган тартибда ва муддатларда сақланиб қолади.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 218-моддаси.

22-модда. Ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуклари ва мажбуриятлари

Ходим қуидаги ҳуқукларга эга:

меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мос бўлган иш ўрнига эга бўлиш;

иш берувчидан меҳнат шароитлари тўғрисида, шу жумладан касб касалликлари ва бошқа касалликларга чалиниш эҳтимоли мавжудлиги, шу муносабат билан ўзига берилиши лозим бўлган имтиёзлар ва компенсациялар, шунингдек шахсий ҳимоя воситалари ва жамоавий ҳимоя воситалари ҳақида ахборот олиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид белгиланган нормалар ва талабларга мувофиқ иш берувчининг маблағлари ҳисобидан шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиш;

ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат томонидан мажбурий ижтимоий суғурта қилиниш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талаблар бузилганлиги оқибатида ўз ҳаёти ва соғлиғи учун хавф юзага келган тақдирда, агар шундай ҳолатлар меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ҳамда текширувини амалга оширувчи органлар томонидан тасдиқланса, ишларни бажаришни бундай хавф бартараф этилгунига қадар рад этиш;

ўз иш ўрнидаги мәхнат шароитлари ҳамда мухофазаси мәхнатни мухофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи орган томонидан текширишдан ўтказилиши учун сўровнома бериш;

иш берувчининг маблағлари ҳисобидан мәхнатнинг хавфсиз услублари ва усууллари бўйича ўқиши;

қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва компенсацияларни олиш;

ўз мәхнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда мәхнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигига бошқача тарзда шикаст этиши муносабати билан ҳаётига ёки соғлигига етказилган заарнинг ўрнини иш берувчидан ундириш;

ўз иш ўрнида мәхнат қилиш учун хавфсиз шароитлар таъминланиши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилаётганда ва ўзи билан содир бўлган баҳтсиз ҳодиса ёки унинг касб касаллиги текширилаётганда шахсан ўзи иштирок этиш ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиш;

тиббий тавсияларга мувофиқ навбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтиш, ушбу тиббий кўрикдан ўтиш вақтида унинг иш жойи (лавозими) ва иш ҳақи сақланиши;

мәхнатни мухофаза қилишга оид талаблар бузилганлиги оқибатида иш ўрни тутатилган тақдирда иш берувчининг маблағлари ҳисобидан қайта тайёргарликдан ўтиш.

Ходим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукуqlарга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ходим:

мәхнатни мухофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиши;

шахсий ҳимоя воситаларини тўғри қўллаши;

мәхнатни мухофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар олиши, мәхнатни мухофаза қилиш масалалари бўйича ўкувдан ва малака оширишдан ўтиши;

одамларнинг ҳаёти ва соғлигига бевосита хавф туғдирувчи ҳар қандай вазият тўғрисида, шунингдек иш жараёнида ёки у билан боғлиқ ҳолда содир бўлган ҳар қандай баҳтсиз ҳодиса ҳақида иш берувчини дарҳол хабардор қилиши шарт.

Ходимнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

23-модда. Иш берувчининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Иш берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ходимлардан меҳнатни муҳофаза қилишга ҳамда ишларни хавфсиз олиб боришга доир нормалар, қоидалар ва йўриқномаларга риоя этишни талаб қилиш;

ходимларнинг алкоголли ичимлиқдан, гиёхвандлик моддаси ёки токсик модда таъсиридан маст ҳолатда эканлигини аниқлаш учун уларни текширувдан ўтказиш;

ходимлар ишлаб чиқаришда олган жароҳатланишларнинг оғирлик даражаси, ходимларда уларнинг жароҳатланишига олиб келиши мумкин бўлган касаллик мавжудлиги тўғрисида, шунингдек уларнинг алкоголли ичимлиқдан, гиёхвандлик моддаси ёки токсик модда таъсиридан маст ҳолатда эканлиги ҳақида маълумотлар олиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этганлик учун ходимларни тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини кўриш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни бузганликда айбордor ходимларни интизомий жавобгарликка тортиш.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Иш берувчи:

ҳар бир иш ўрнида меҳнат шароитларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаши;

бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналардан фойдаланиш, технологик жараёнларни амалга ошириш чоғида, шунингдек ишлаб чиқаришда хом ашё ва материалларни қўллаш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш чоғида ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаши;

иш ўринларида меҳнат шароитларининг ҳолати, айниқса заарли ишлаб чиқариш омиллари ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари юзасидан назоратни амалга ошириши;

меҳнат шароитлари тўғрисида, шу жумладан касб касалликлари ва бошқа касалликлар хавфи мавжудлиги, муайян иш ўринларида ва ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолати ҳақида, шунингдек шу муносабат билан ходимларга берилиши лозим бўлган имтиёзлар ва компенсациялар, шахсий ҳимоя воситалари тўғрисида ходимларни ўз вақтида хабардор қилиши;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматини ташкил этиши;

ходимларни белгиланган нормалар бўйича сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув, шахсий ҳимоя ҳамда гигиена воситалари билан таъминлаши, шунингдек жамоавий ҳимоя воситалари қўлланилишини таъминлаши;

ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар олишини, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан, қайта тайёргарликдан ўтишини, малака оширишини ва билимлари текширилишини таъминлаши;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқувдан ўтмаган, йўл-йўриқлар олмаган ва билимлари текширилмаган шахсларни ишга қўймаслиги;

ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар белгиланадиган, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш хуқуки бериладиган, ногиронлар банд бўлган заарли, хавфли ва бошқача меҳнат шароитларига эга иш ўринларида қонун

хужжатларида белгиланган тартибда иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациясини ўтказиши;

дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклар белгиланган тартибда ўтказилишини ташкил этиши;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органларга, шунингдек касаба уюшмаларига ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига уларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати, баҳтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текшириши юзасидан назоратни, текширишни ва мониторингни амалга ошириши учун зарур бўлган ахборот ва материалларни тақдим этиши;

авария вазиятларининг олдини олиш, бундай вазиятлар юзага келганда ходимларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш, шу жумладан жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар кўриши;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширувчи органларнинг кўрсатмаларини бажариши ҳамда касаба уюшмаларининг ва ходимлар бошқа вакиллик органларининг тақдимномаларини кўриб чиқиши;

ишлиб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий суғурта қилинишини, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилинишини таъминлаши;

ишлиб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини белгиланган тартибда текширувдан ўтказиши, шунингдек уларнинг хисобини юритиши шарт.

Иш берувчининг зиммасида қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

24-модда. Мажбурий тиббий кўриклар

Иш берувчи ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг ва умумий белгиланган пенсия ёшига етган шахсларнинг, ногиронларнинг, шунингдек бир

қатор касблар ва ишлаб чиқаришлар ходимларининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (мехнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклардан ўтказилишини ташкил этиши шарт.

LexUZ шарҳи

Қаранг: «Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиши тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат раками 2387, 29.08.2012 й.).

Тиббий кўриклар ташкилотларга тиббий хизматлар кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари томонидан, бундай муассасалар мавжуд бўлмаган тақдирда эса ташкилот жойлашган ердаги ҳудудий даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилади.

Конун хужжатларига мувофиқ мажбурий тиббий кўриклардан ўтиши лозим бўлган шахслар бошқа ишга ўтказилган тақдирда ҳам тиббий кўрикларни ўтказиш мажбурияти иш берувчининг зиммасига юклатилади.

Тиббий кўриклардан ўтилиши муносабати билан ходимлар чиқимдор бўлмайдилар.

Ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас.

Ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлаган ёки улар ўтказилган текширувлар натижаларига кўра тиббий комиссиялар томонидан берилган тавсияларни бажармаган тақдирда иш берувчи уларни ишга кўймасликка ҳақли.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 4 февралдаги 38-сонли буйргуи билан тасдиқланган «Мажбурий тиббий кўрикдан ўтмаган ёхуд атрофдагиларга сил касаллигини юқтириши хавфи мавжуд бўлган шахсларнинг бажариши рухсат этилмайдиган ишлар рўйхати».

Агар ходим ўз соғлигининг ҳолати меҳнат шароитлари билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўрик ўтказилишини талаб қилиш хукуқига эга.

Тиббий кўрикларни ўтказиш вақтида ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

25-модда. Ходимларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар бериш ва уларни ўқитиш

Иш берувчи барча янги ишга кираётган, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар бериши, ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усувларини ҳамда баҳтсиз ҳодисалардан жабрланганларга ёрдам қўрсатишга ўқитишни ташкил этиши шарт.

Хавфлилиги юқори бўлган ишлаб чиқаришга ишга кираётган ёки касбий танлов талаб этиладиган ишга кираётган ходимлар учун ишларни бажаришнинг хавфсиз услублари ва усувларига дастлабки тарзда тайёрлаш, касб бўйича имтиҳонлар топширган ҳолда бир ой мобайнида стажировка ва сўнгра меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича даврий аттестация ўтказилади.

Ташкилотларнинг ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари учун меҳнатни муҳофаза қилишининг давлат бошқарувини амалга оширувчи давлат органлари томонидан белгиланган тартибда ҳамда муддатларда меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан ўтиши, йўл-йўриқлар олиши, билимлари текширилиши ва аттестациядан ўтиши керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тартибда ўқувдан ўтмаган, йўл-йўриқлар олмаган ва билимлари текширилмаган шахсларни ишга қўйиш тақиқланади.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитишни ва билимларни текширишини ташкил этиши тўғрисидаги намунавий низом (рўйхат рақами 272, 14.08.1996 й.).

26-модда. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текшириш ҳамда ҳисобга олиш

Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва ходимларнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда

шикастланиши, шунингдек касб касалликлари белгиланган тартибда текширилиши ҳамда ҳисобга олиниши шарт.

Фуқаролик-хуқуқий шартномалар бўйича ишлар бажарувчи (хизматлар кўрсатувчи) шахсларга нисбатан ҳам ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ҳамда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши, касб касалликлари белгиланган тартибда текширилиши ва ҳисобга олиниши шарт.

27-модда. Ходимларнинг айрим тоифалари учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Меҳнат шароити оғир, заарли ва хавфли ишларда банд бўлган ходимлар, шунингдек ходимларнинг айрим тоифалари (аёллар, ўн саккиз ёшдан кичик бўлган шахслар, меҳнат қобилияти чекланган шахслар) учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари қонун хужжатларида белгиланади.

4. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатларга риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назорати

28-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текшируви

Олдинги таҳрирга қаранг.

Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текшируви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари томонидан амалга оширилади.

(28-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январдаги ЎРҚ-456-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон)

Меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

назорат ва текширув вазифаларини бажариш учун зарур бўлган ҳужжатларни, тушунтиришларни, ахборотни ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан сўраш ва олиш;

ишлиб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни маҳсус текширишлардан ўтказиш ёки текширишда иштирок этиш;

ташкилотларнинг раҳбарларига ва бошқа мансабдор шахсларига меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф қилиш ҳақида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни тақдим этиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор мансабдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар қўриш ҳақида тақдимномалар киритиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга мувофиқ бўлмаган шахсий ҳимоя воситаларидан ва жамоавий ҳимоя воситаларидан фойдаланишини тақиқлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларини бузганликда айбдор шахсларни белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш;

меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ҳамда ходимларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирадиган ташкилотларнинг фаолиятини ёки асбоб-ускуналардан фойдаланишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатиб қўйиш;

қурилиши, реконструкцияси тугалланган обьектларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссия ишида иштирок этиш ва улар меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаган тақдирда тегишли хulosалар бериш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳамда ишилаб чиқаришда ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган заарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги даъволар юзасидан судда эксперт сифатида иш юритиш.

Меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текшируви қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари томонидан ҳам амалга оширилади.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1066-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси тўзрисида низом».

29-модда. Меҳнат шароитларининг давлат экспертизаси

Олдинги таҳрирга қаранг.

Меҳнат шароитларининг давлат экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг меҳнат шароитлари бўйича давлат эксперталари томонидан амалга оширилади.

(29-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январдаги ЎРҚ-456-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон)

Меҳнат шароитларининг давлат экспертизаси:

иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациясини ўтказиш сифатини;

ходимларга зарарли ва (ёки) хавфли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун кафолатлар ҳамда компенсациялар берилишининг тўғрилигини;

ходимларнинг ҳақиқий меҳнат шароитларини баҳолаш мақсадида амалга оширилади.

Меҳнат шароитлари бўйича давлат эксперталари қўйидаги ҳуқуқларга эга: назорат ва текширув вазифаларини бажариш учун зарур бўлган ҳужжатларни, тушунтиришларни, ахборотни ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан сўраш ва олиш;

ташкилотларнинг раҳбарларига ва бошқа мансабдор шахсларига меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф қилиш ҳақида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни тақдим этиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор мансабдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар қўриш ҳақида тақдимномалар киритиш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга мувофиқ бўлмаган шахсий ҳимоя воситаларидан ва жамоавий ҳимоя воситаларидан фойдаланишини тақиқлаш;

меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни ва шартларни бузганликда айбдор шахсларни белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш;

меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва ходимларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирадиган ташкилотларнинг фаолиятини ёки асбобускуналардан фойдаланишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатиб қўйиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳамда ишлаб чиқаришда ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган заарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги даъволар юзасидан судда экспер特 сифатида иштирок этиш.

Меҳнат шароитлари бўйича давлат эксперталари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Меҳнат шароитларининг давлат экспертизасини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 апрелдаги 246-сон қарори билан тасдиқланган «Меҳнат шароитларини давлат экспертизасидан ўтказилиши тартиби тўғрисида низом».

30-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашдаги иштироки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этиши, меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашда иштирок этувчи давлат органларига ва бошқа органларга кўмаклашиши, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда иштирок этиши мумкин.

31-модда. Касаба уюшмаларининг, ходимлар бошқа вакиллик органларининг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги хуқуқлари

Касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида вакилликни, шунингдек ходимларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни амалга оширади.

Касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари, шунингдек ходимларнинг ўзи меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этган шахслар қўйидаги хуқуқларга эга:

ташкилотларнинг раҳбарларидан ва бошқа мансабдор шахсларидан меҳнат шароитлари ва муҳофазаси тўғрисида, шунингдек ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касалликлари ҳақида ахборот олиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва касб касалликларини текширишда иштирок этиш;

ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларнинг бузилишларини бартараф этиш тўғрисида иш берувчига таклифлар киритиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиш, иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш;

ишилаб чиқариш объектларини ва ишилаб чиқариш воситаларини синаш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишида мустақил эксперт сифатида иштирок этиш, тиббий-мехнат эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этиш;

мехнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича техник жиҳатдан тартиба солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишилаб чиқишида иштирок этиш;

мехнатни муҳофаза қилишга оид талабларни бузганликда, ишилаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар фактларини яширганликда айбор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги талаблар билан тегишли органларга мурожаат қилиш;

мехнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши туфайли етказилган заарнинг ўрни қопланиши учун ҳамда ходимларнинг соғлиғи ва меҳнати муҳофаза қилинишига бўлган хуқуқлари чекланган бошқа ҳолларда ходимнинг хуқуқларини ҳимоя қилиб судга мурожаат этиш;

мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа шартномаларида ва келишувларида назарда тутилган мажбуриятлар бузилганини, шунингдек меҳнат шароитларининг ўзгариши билан боғлиқ меҳнат низоларини кўриб чиқишида иштирок этиш.

Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этилган шахсга ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун ҳар ҳафтада камида икки соат иш вақти ажратилади ва бу вақт учун иш жойи (лавозими) бўйича ўртacha ойлик иш ҳақи сақланади.

Касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ижтимоий шерикликни амалга оширади, бош келишувлар, тармоқ ва худудий (минтақавий) жамоа келишувлари, жамоа шартномалари тузиши мумкин.

Касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари, шунингдек ходимларнинг ўзи меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этган

шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5. Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарлик

32-модда. Мехнатни муҳофаза қилишга оид талабларга жавоб бермайдиган, ишлаб чиқариш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқарганлик ва сотганлик учун жавобгарлик

Мехнатни муҳофаза қилишга оид талабларга жавоб бермайдиган, ишлаб чиқариш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқарганлик ва етказиб берганлик истеъмолчиларга етказилган заарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланишига сабаб бўлади.

LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1017 — 1020-моддалари.

Ўзбекистон Республикасида белгиланган меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга мувофиқ бўлмаган ишлаб чиқариш воситаларини, шахсий ҳимоя воситаларини ва жамоавий ҳимоя воситаларини, шу жумладан чет эллардан олинган шундай воситаларни сотиш, тарқатиш ва реклама қилиш тақиқланади ҳамда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

33-модда. Ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги

Иш берувчи ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши туфайли унинг ҳаёти ва соғлиғига ўзи етказган заарнинг ўрнини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда қоплаши шарт.

Ходимнинг соғлиғига етказилган заарнинг ўрнини қоплаш жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлишига қадар бўлган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан жабрланувчи томонидан касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотиш даражасига мувофиқ бўлган фоизлардаги ҳар ойлик тўловдан, шунингдек ходимнинг бир йиллик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла

бериладиган нафақа тўловидан ҳамда ходимнинг соғлиғи шикастланишидан келиб чиқсан қўшимча харажатларни (агар у даволаниш, протез қўйдириш ва тиббий ҳамда ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларига муҳтож деб топилган бўлса, ушбу тадбирлар билан боғлиқ харажатлар, шунингдек жабрланувчининг қайта тайёргарлиги ва тиббий хулосага мувофиқ ишга жойлашиши учун харажатлар ва бошқа харажатлар) компенсация қилишдан иборатdir.

Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида ходим вафот этган тақдирда, заарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эга бўлган шахсларга боқувчининг вафоти билан боғлиқ ҳолда етказилган заарнинг ўрнини қоплаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар ойлик тўловлар амалга оширилади, шунингдек вафот этган ходимнинг ўртacha йиллик иш ҳақининг олти бараваридан кам бўлмаган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўланади ва дафн этиш харажатларининг ўрни қопланади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

Вояга етмаган ходимнинг соғлиғига заар етказилган тақдирда заарнинг ўрнини қоплаш унинг аввалги иш ҳақидан келиб чиқсан ҳолда, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳисоблаб чиқарилади.

(33-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-586-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон)

LexUZ шарҳи

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 187 — 197-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажарии билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш Қоидалари».

34-модда. Ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини юридик шахс қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда қоплаш

Ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар деб топилган юридик шахс қайта ташкил этилган тақдирда зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича тегишли тўловларни тўлаш мажбурияти унинг ҳукуқий вориси зиммасида бўлади. Зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаблар ҳам унга тақдим этилади.

Ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлик ҳолда ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар бўлган, қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг маблағлари мавжуд бўлмаган ёки етарли бўлмаган тақдирда тегишли суммалар қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат томонидан тўланади. Мазкур суммалар қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам давлат томонидан тўланади.

Ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун белгиланган тартибда жавобгар деб топилган юридик шахс тугатилган тақдирда тегишли тўловлар уларни жабрланувчига тўлаш учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда капиталлаштирилиши керак.

Тугатилаётган юридик шахснинг мол-мулки мавжуд бўлмаганлиги ёки етарли бўлмаганлиги сабабли тўловларни капиталлаштириш мумкин бўлмаган ҳолларда тегишли суммалар жабрланувчига қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат томонидан тўланади.

35-модда. Низоларни ҳал этиш

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

36-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганликда айбор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 49-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 257-моддаси.

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 441-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон)

Назорат саволлари

1. Мехнатни муҳофаза қилиш тушунчасига таъриф беринг.
2. Мехнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини тушунтириб беринг.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатларига нималар киради?
4. Мехнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органининг ваколатларига нималар киради?
5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатларига нималар киради?
6. Мехнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиларнинг вазифалари.
7. Ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг аудитни ўтказиш тартиби.
8. Ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳукуқлари ва мажбуриятлари.
9. Иш берувчининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳукуқлари ва мажбуриятлари.

Фойдаланилган адабиётлар ва ахборот ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси -Т. Ўзбекистон. 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири) 2016 йил 22 сентябрь, ЎРҚ-410-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси.

4. X.Рахимова, А.Аъзамов, Т.Турсунов. Мехнатни муҳофаза қилиш.Т. – “Ўзбекистон” -2003.
5. F.Ёрматов ва бошқалар Мехнатни муҳофаза қилиш: Дарслик - Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2002 - 345 б.
6. Friend, Mark A.Fundamentals of occupational safety and health Mark A. Friend and James P.Kohn. Government Institutes. An imprint of.The Scarecrow Press, Inc. Lanham, Maryland • Toronto • Plymouth, UK-2007.—4th ed.
7. Веб сайтлар: www.lex.uz; www.ziyonet.uz; www.norma.uz; www.ziyo.edu.uz; www.mehnat.uz; www.minzdrav.uz; www.mchs.gov.uz; www.uznature.uz; www.standart.uz; www.sgktn.uz; www.bilim.uz; www.hsea.ru; www.ohranatruda.ru;

**2-мавзу: Мехнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш ва
билимларни синаш.**

Режа;

1. Умумий қоидалар.
2. Ишчиларнинг мехнат шароитлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича вазифалар.
3. Мехнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш.
4. Мехнат муҳофазаси ҳолатининг назорати.
5. Мехнат муҳофазаси бўйича ўқитишни ва билимларни текширишни ташкил қилиш.
6. Ходимларни ўқитиш ва билимларини текшириш.

Таянч сўзлар: мехнат муҳофазаси, мехнат хавфсизлиги талаблари, мехнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими, мехнат шароитлари, мехнатда майиб бўлиш, хавфсиз мехнат шароити, хавфнинг таҳлили, зарар, шахсий ҳимоя воситалари.

1. Умумий қоидалар.

Мехнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Низоми (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майдаги

“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 839 XII-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва амалдаги мавжуд норматив хужжатлари талаблари асосида ишлаб чиқилган.

Жамият бошқарув аппарати, филиаллари ва унинг тизимидағи почта алоқаси тармоқлари, почта алмашинув пунктлари, алоқа бўлинмаларида меҳнатни муҳофазаси ва техника хавфсизлиги масалаларига оид бўлган вазифаларни мазкур Низом асосида олиб боради.

Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларини олиб бориш ва ташкиллаштириш учун Жамият бошқарув аппарати ва филиалларда меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича муҳандислари лавозимлари жорий қилинади. Масъул мутахассислар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш бўйича назоратни ҳамда профилактик ишларни ушбу Низомда белгиланган функционал вазифаларни бажаради.

Раҳбар ходимлар, участка ва бўлимлар бошлиқлари, меҳнат муҳофазасига масъул бўлган ходимлар, жойларда хавфсиз меҳнат шароитларини яратиб бериш, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, иш жойларида меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича мазкур Низомда белгиланган вазифаларни бажаришлари шарт.

Жамият бошқарув аппарати, филиаллари ва тармоқлари, бўлимларига янги ишга кираётган мутаҳассислар, ходимлар ва ишчилар билан меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидалари бўйича дастлабки йўл-йўриқни меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича маъсул бўлган ходимлар томонидан бериб борилади.

Ишлаётган ишчи-ходимлар билан иш жойида хавфсизлик техникаси қоидалари бўйича даврий, жорий ва навбатдан ташқари йўл-йўриқларни Жамият бошқарув аппарати, участка, гурух, бўлим бошлиқлари, филиал ва тармоқлардаги участка, бўлимлар бошлиқлари ўтказадилар ва бу ҳақда журналларда қайд қилиб борадилар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидалари бўйича филиалларнинг масъул ҳодимлари филиал ҳодимлар бўлими, участка, тармоқлар

ва алоқа бўлимлари бошлиқлари билимини маҳсус тузилган доимий харакатдаги комиссияси томонидан синовдан ўтказилади. Ўтказилган синов натижалари баённомалар билан расмийлаштирилади ва меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича масъул ҳодимларда белгиланган тартибда сақланади.

Жамият унинг филиаллари ва туман-шаҳар почта алоқаси тармоқлари раҳбар ҳодимлари, бўлим, участка ва алоқа бўлимлари бошлиқлари ўзларига ушбу Низомда белгиланган функционал вазифаларни бажармаганликлари учун қонунчиликда белгиланган интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

2. Ишчиларнинг меҳнат шароитлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича вазифалар

1. Меҳнат муҳофазаси меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини таъминлаш, соғлиғи ва иш қобилиятини сақлашга йўналтирилган ижтимоий - иқтисодий, ташкилий, техник, санитар-гигиеник ва даволашиб-касалликни олдини олиш чора-тадбирлар ва воситалар, тегишли қонун ва бошқа норматив актлар асосида амал қилувчи тизимни ўзида ифодалайди.

2. Иш жараёнида меҳнатнинг хавфсиз усулларини, инсон соғлиғи ва иш қобилиятини сақлашни таъминлаш учун қуидаги ўзаро боғланган масалалар мажмuinи ҳал қилиши зарур:

а) Ишчиларни касб бўйича танлаш:

1) Касбий танлов ўтказиш зарур бўлган касб ва мутахассисликларни аниқлаш;

2) Психофизиологик текширув ўтказиш ва ишга янги кираётганларнинг касбий яроқлилигини баҳолаш;

3) Касбий танловдан ўтган шахсларни шароитга касбий мослашишининг назорати.

б) Ишлаётганларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ва билимларини текшириш:

1) Кириш йўл-йўриғидан ўтказиш;

- 2) Иш жойида бирламчи йўл-йўриқ ўтказиш;
- 3) Иш жойида такрорий йўл-йўриқ ўтказиш;
- 4) Режадан ташқари ва жорий йўл-йўриқ ўтказиш;
- 5) Ишчиларни ҳар йили ўқитиши, билимларини текшириш;
- 6) Юқори хавф билан боғлиқ бўлган ишларга қабул қилинувчи ишчиларни ўқитиши;
- 7) Бахтсиз ҳодисалардан жабрланганларга биринчи ёрдам қўрсатиш бўйича ўқитиши.

в) Мехнат муҳофазасининг тарғиботи масалаларини таъминлаш:

- 1) Ташкилотларда меҳнат муҳофазаси бўйича хонани жиҳозлаш;
- 2) Ишлаб чиқариш участкаларини хавфсизлик техникаси бўйича ахборот стендлар ёки бурчаклар билан безатиш;
- 3) Меҳнат муҳофазаси бўйича илғор тажрибани ўрганиш, тарғибот қилиш ва жорий этиш;
- 4) Меҳнат муҳофазаси бўйича кўргазмалар ташкил илиш;
- 5) Меҳнат муҳофазаси бўйича маъruzalар ўқиши, кинофильмлар намойиш қилиш.

г) Ишлаб чиқариш ускуналаридан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш:

- 1) Ускуналарнинг хавфсизлик стандартлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш;
- 2) Ускунанинг МХСТ ва ускуналарнинг техник ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминлаш;
- 3) Ускуналарга тўғри хизмат кўрсатилишини таъминлаш;
- 4) Даврий таъмирлаш амалларини ўтказилишини таъминлаш;
- 5) Режавий таъмирлашларнинг бажарилишини таъминлаш;
- 6) Даврий кўрикларни таъминлаш;
- 7) Меҳнат муҳофазаси қоидалари ва меъёрлари талабларига мувофиқ иш жойларини ташкил қилиш;

8) Ишлаб чиқаришнинг хавфли ва заарли омиллари манбаларини аниқлаш ва бартараф этиш;

9) Технологик жараёнларни оқилона ташкил қилиш, хавфли блоклар ва участкаларни герметизация ҳамда изоляция қилиш мақсадида ускуналарни такомиллаштириш;

10) Иссиқлик манбаларини ва иссиқликни сақлаш учун изоляциялаш экранлаш;

11) ЮЧ ва ЎЮЧ радиочастоталар диапазонида нурланишни экранлаш.

д) Ишлаб чиқариш жараёнлари ва амаллари хавфсизлигини таъминлаш:

1) Технологик жараёнларнинг МХСТ талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

2) Технологик жараёнлар тартибларига риоя қилишни таъминлаш;

3) Мехнат муҳофазаси ва ёнгин хавфсизлигининг меъёрлари талабларига мувофиқ портлайдиган ва ёнадиган моддаларни сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланишни таъминлаш;

4) Рухсат этилган меъёрлари чегарасида (концентрациялари) ишлаб чиқилмаган ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтмаган заарли моддаларни ишлаб чиқаришда қўлланилишини тақиқлаш;

5) Заарли, заҳарли, ионловчи ва бошқа хавфли моддалар қўлланиладиган технологик жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш.

е) Ишлаб чиқариш, ёрдамчи бино ва иншоотлардан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш;

1) Бино ва иншоотларнинг ҚМК, СНиП ва МХСТ талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

2) Бино ва иншоотларнинг потенциал хавфли элементларини аниқлаш ва бартараф этиш;

3) Бино ва иншоотларнинг жорий ва капитал таъмирини ўtkазиш.

ж) Мехнатнинг санитар – гигиена шароитларини меъёрлаштириш;

- 1) Цехларда ва ишлаб чиқариш хоналарида санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган, зарур ҳарорат-намлик тартибини яратиш;
- 2) Мазкур технологик жараёнга қўйиладиган талабларга мувофиқ келадиган вентиляция қурилмалари, кондиционерлар, иситиш тизимларини сақлаш ва фойдаланиш;
- 3) Сунъий ёритиш чироқларини соз ва тозаликда сақлаш;
- 4) Ишлаб чиқариш хоналарини тозалашни ўз вақтида ўтказиш;
- 5) Иш жойларини ва ишлаб чиқариш биноларини режалаштириш ва ранглар билан безатиш эстетика ва дизайн қоидаларига мос келиши керак.

и) Ишчиларни шахсий ҳимоя воситалари (ШҲВ) билан таъминлаш;

- 1) ШҲВга эҳтиёжни аниқлаш ва талабномаларни ўз вақтида тузиш;
- 2) ШҲВларни қабул қилиш, сақлаш ва бериш ташкил қилиш;
- 3) ШҲВларни таъмирлаш, кимёвий тозалаш ва ювишни ташкил қилиш;
- 4) ШМВларнинг синашни ва тўғри фойдаланилишини таъминлаш.

к) Мехнат ва дам олишнинг энг мақбул тартибини таъминлаш:

- 1) Мехнат ва дам олишнинг белгиланган тартибига риоя қилишни таъминлаш;
- 2) Мехнат ва дам олиш тартибини оқилона ташкил қилиш.

л) Ишлайдиганларга даволаш – соғломлаштириш хизмати кўрсатилишини таъминлаш;

- 1) Дастребаки ва даврий тиббий кўриклар ўтказиш;
- 2) Ишлаб чиқаришнинг заарли омиллар таъсирида бўлувчи ишчиларнинг соғлигини кузатиш;
- 3) Касбий касаллик белгилари бўлган шахсларни текшириш ва даволаш;
- 4) Даволаш-касалликни олдини олиш тадбирларини таъминлаш;
- 5) Ишчиларни касалликни олдини олиш ва маҳсус овқатланиш билан таъминлаш;
- 6) Ишчиларга шифокор келгунга қадар биринчи ёрдам кўрсатиш қоидаларини ўргатиш;

7) Барча ишлаб чиқариш хоналарини дори сақланадиган идиш ва бошқа биринчи ёрдам күрсатиш воситалари билан таъминлаш.

м) Ишчиларга санитар – майший хизмат күрсатишни меъёрлаштириш:

1) Ишчиларни ишлаб чиқариш меъёрлари ва хусусиятларига мувофиқ санитар-майший хоналар ва қурилмалар билан таъмин-ланганлиги;

2) Санитар-майший хоналар ва қурулмаларни гигиеник талабларга мос ҳолда сақланиши;

3) Ташкилотнинг таркибий бўлинмалари (ишлаб чиқариш участкалари) ишчиларини овқатланиш учун маҳсус жойлар билан таъминлаш;

4) Ишлаб чиқариш участкалари ва хоналарни сатуратор қурилмалар билан таъминланганлиги;

5) Ишчиларни таркибий ташкилотлар (ишлаб чиқариш участкалари) ни дам олиш жойлари билан таъминлаш.

3. Мехнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш.

1. Ташкилотларда ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароитлари меҳнат муҳофазаси бўйича стандартлар, қоидалар ва меъёрлар талабларига мос келиши керак.

2. Ташкилотлар жамоа шартномаси, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ўртасидаги келишув бўйича, ёки ишчиларнинг бошқа ваколатли органи томонидан белгиланган микдорда зарур маблағларни меҳнат муҳофазасига ажратишлари зарур.

3. Корхоналар хўжалик, тижорат, ташқи иқтисодий ва бошқа фаолият, шунингдек бошқа манбалардан фойда (даромад) ҳисобига меҳнат муҳофазаси бўйича марказлаштирилган жамғармаларни тузишлари мумкин.

4. Меҳнат муҳофазаси жамғармасига йўналтирилган фойда солиқка тортилмайди;

Меҳнат муҳофазаси маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

Меҳнат муҳофазаси бўйича талаблар таъминланмагани учун ташкилотлар меҳнат ҳолати, бажариладиган ишларнинг хавфлилигини, зааррлилиги ва

оғирлигига қараб, вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиладиган оширилган тарифлар бўйича ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисалар ва касб касаллигидан ижтимоий суғурта қилиш мақсадида маблағлар ажратилади.

5. Ташкилотлар ишчилари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда баҳтсиз ҳодисалар ва касбий касалликларидан мажбурий равишда суғурта қилинадилар.

6. Иш берувчининг функциялари:

- корхоналарда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш бўйича ишларда умумий раҳбарликни амалга оширади, бунинг учун у шахсан жавобгардир;

- ишлаб чиқаришнинг, алоҳида ишларнинг ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларининг, шунингдек ташкилотнинг омбор, транспорт ва бошқа ёрдамчи хўжаликларини тўғри ташкил қилинишини таъминлайди;

- қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ бино ва иншоотлардан фойдаланишни, уларнинг меъёрда ишлашини ҳамда санитар - майший хона ва қурилмалардан белгиланган мақсадларда фойдаланишни ташкил қиласди;

- янги ва қайта кўрилган таркибий бўлинмаларни фақат қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ, улар маҳсус комиссия томонидан қабул қилингандан кейин фойдаланишга киритишни таъминлайди;

- меҳнат тўғрисидаги қонун, хавфсизлик қоидалари ва меъёрларига риоя қилишни, шунингдек ҳукумат, касаба уюшмаси кўмиталари ёки ишчиларнинг бошқа вакиллик органлари, юқори турувчи ташкилотлар, давлат ва идоравий назорат органлари қарорларининг бажарилишини таъминлайди;

- намунавий ва соҳа қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилган ички меҳнат тартиби қоидаларини касаба уюшмаси кўмитаси билан келишувга кўра тасдиқлади;

- хавфсизлик қоидалари, ишлаб чиқариш санитарияси ва меҳнат интизоми меъёрларига риоя қилиш учун, меҳнат муҳофазаси бўйича белгиланган тадбирларни ҳамда давлат ва идоравий назорат органлари ва касаба уюшмаси

ташкилотларининг қўрсатмаларини (таклифларини) ўз вақтида бажариш учун ишчиларнинг жавобгарлигини ошириш чораларини кўради;

- ишчиларнинг шахсий муҳофаза воситаларини бериш, саклаш, фойдаланиш, тозалаш ва таъмирлашни таъминлайди ва назорат қиласди;

- меҳнат шароитлари заарли ва хавфли бўлган ишлаб чиқаришларда, шунингдек алоҳида температура шароитларида бажариладиган ишларда ювиш ва дезинфекцияловчи воситаларни, сут ёки бошқа тенглаштирилган озиқ - овқат даволаш-касалликни олдини олиш таомларининг белгиланган меъёрлар бўйича бепул берилишини таъминлайди ва назорат қиласди;

- меҳнат шароитларини яхшилаш ва соғломлаштириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиши ташкил қиласди, ушбу тадбирларни ўtkазиш режаларини тасдиқлайди, уларнинг бажарилишини ва белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан назоратни ташкил қиласди, тадбирларни ўtkазишнинг молиялаштирилишини ва ушбу мақсад учун ажратилган маблағларни тўғри сарфланишини таъминлайди. Меҳнат шароитларини яхшилаш ва соғломлаштириш комплекс режаси бажарилишининг боришини (йилнинг ҳар чорагида камида бир марта) кўриб чиқади.

- меҳнат муҳофазаси кабинетларини ташкил қиласди ва уларни зарур ўкув қуроллари, ўқитиш воситалари билан жиҳозлаш бўйича чораларни кўради.

- ташкилотнинг барча ишчилари, шу жумладан таркибий бўлинма раҳбарларини меҳнат муҳофазаси қоидалари бўйича ўқитиш, йўл-йўриқ ва уларнинг билимларини текширишни ташкил қиласди ва олиб боради;

- ишчиларни касбий-техник тайёргарлигини ташкил қилиш ва ходимларга ишнинг хавфсиз усулларини ўргатиш бўйича умумий раҳбарликни амалга оширади;

- соғлиқни сақлаш органлари томонидан белгиланган тартибга мувофиқ, бир қатор касб ишчиларини шартнома тузиш вақтида ва унинг амал қилиш давомида-даврий, тиббий кўриқдан ўtkазишни амалга оширишни ташкил қиласди.

- касб касаллигининг пайдо бўлиш даражаси юқори бўлган ишга ишчиларни қабул қилишда уларни бу ҳақда огохлантиради;

- баҳтсиз ҳодисаларни ҳамда ишлаб чиқаришда жароҳатланишининг олдини олиш бўйича тезкор ахборотни «Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ҳамда ишчи соғлиғининг у ёки бу даражадаги шикастланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом» талабларига мувофиқ ўз вақтида ва тўғри текширишни таъминлайди.

- гурӯҳли, ўлимга олиб келган ёки оғир баҳтсиз ҳодиса ҳақида:

Давлат техник меҳнат инспекторига, юқори турувчи ташкилотга, вилоят (Корақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазирлиги), меҳнат бўйича Тошкент шаҳар бошқармасига, прокуратурага, «Саноатконтехназорат»га (агар ташкилот унинг назоратида бўлса)-баҳтсиз ҳодиса содир бўлганда, азият чекканнинг асосий иш жойига хабар беради;

- тегишли муддатларда белгиланган шакл бўйича юқори ташкилотга тушунтириш хати билан баҳтсиз ҳодисаларда жабрланганлар тўғрисидаги ҳисботни ўз вақтида тақдим этишни таъминлайди;

- рационализатор ва ихтирочилар учун мавзуларни тасдиқлади, меҳнат муҳофазаси соҳасида илмий-текшириш ва лойиҳалаш-конструкторлик ишларини ўtkазиш бўйича таклифларни киритади.

7. Ташкилот бош муҳандисининг вазифалари:

- соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ва таъминлаш бўйича барча ташкилий-техник ишларга бошчилик қиласи;

- энг янги илмий-техник ютуқлар ва бошқа ташкилотларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган янги янада хавфсиз технологик жараёнларни ишлаб чиқаришга жорий қилишни ташкил қиласи. Таркибий бўлинмаларни нормативларга мувофиқ мослама ва қурилмалар билан таъминлаш чораларини кўради;

- янги технологик жараёнлар ва иш тартиблари, ташкилот ва унинг таркибий бўлинмаларининг капитал қурилиши ва қайта қурилиши, бинолар ва иншоотларни капитал таъмирлаш лойиҳаларини кўриб чиқища қатнашади.

Технологик ускуналарни режавий-олдини олиш таъмирлашнинг ўтказилиш жадвалларини кўриб чиқади ва тасдиқлади;

- меҳнат хавфсизлиги бўйича доимий равишда фаолият кўрсатувчи комиссияга бошчилик қила туриб, ҳар чоракда, камидан бир марта танлов асосида таркибий бўлинмалардаги меҳнат шароитлари ҳолатини, шунингдек ускуналар ва сақловчи мосламаларнинг ишга яроқлилигини, давлат ва идоравий назорат органлари кўрсатмалари ва топшириқларининг бажарилишини текширади ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тезкор чораларни қабул қиласди;

- таркибий бўлинмаларнинг барча раҳбарлари ва муҳандис-техник ходимлари томонидан хавфсизлик қоидалари ва ишлаб чиқариш санитарияси меъёрлари талабларига риоя қилиниши, буйруқ ва кўрсатмалар ҳамда давлат ва идоравий назорат органларининг ёзма кўрсатмалари ва касаба уюшмалари ташкилотларининг таклифларини бажарилишининг назоратини амалга оширади;

- муҳандис-техник ишчиларнинг мажлисларида (ҳар чоракда камидан бир марта) меҳнат муҳофазаси масалаларини, меҳнат шароитларини яхшилаш ва соғломлаштиришнинг комплекс режаларини кўриб чиқади.

Аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун чоралар кўради;

- ходимларнинг касбий-техник тайёргарлигини ташкил этади ва таъминлайди, ходимларни З бўлимга мувофиқ ишнинг хавфсиз усуллари ва услубларига ўз вақтида ва сифатли ўқитади. Ходимларни ўқитишни ташкил этилишининг текширувини амалга оширади;

- юз бериши мумкин бўлган аварияларни бартараф қилиш режалари бўйича ходимларни ўқитиш, шунингдек ишчиларни ишнинг хавфсиз услублари ва усулларига ўқитиш бўйича назоратни амалга оширади;

- меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича муҳандис-техник ходимларни ўқитишни ва малакасини оширишни ташкил қиласди.

Таркибий бўлинмалар раҳбарлари учун дастлабки йўл-йўриқ беришни ўтказади, йўл-йўриқлар бериш дастурларини, ходимларнинг билимларини текшириш учун савол варақаларини кўриб чиқади ва тасдиқлади;

- ишларни хавфсиз олиб бориш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқишида ва тузишида раҳбарлик қиласи ва касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда уларни тасдиқлайди;
- муҳандис-техник ходимларни ва ишчиларни норматив ҳужжатлар, қоидалар ва йўриқномалар билан таъминлаш бўйича чоралар кўради;
- меҳнат шароитларини яхшилаш ва соғломлаштириш бўйича тадбирларнинг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқишида раҳбарлик қиласи, ушбу режаларни кўриб чиқади ва тасдиқлашга киритади, уларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди;
- низомлар ва йўриқномалар талабларига мувофиқ ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса ва аварияларни ўз вақтида ва тўғри текшириш ҳамда ҳисобга олишни таъминлайди;
- гурӯхли, ўлимга олиб келган ёки оғир баҳтсиз ҳодисаларни текширишда, уларнинг олдини олиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишида қатнашади зарур ҳолларда, текширув материалларини тегишли органларга юборади;
- баҳтсиз ҳодисалар тўғрисидаги далолатномаларни (Н-1 шакл) кўриб чиқади ва далолатноманинг уч нусхасининг ҳаммасини тегишли ташкилотларга юбориш учун меҳнатни муҳофаза қилиш хизматига топширади;
- ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш бўйича тезкор ахборотни ташкил қиласи ва таъминлайди;
- баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича бажариладиган чора-тадбирларнинг назоратини амалга оширади ва ўтказилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қиласи;

8. Ташкилот бош механигининг функциялари:

- бош механик хизматига бириктирилган ускуналар ва иншоотларни олдини олиш кўрикларини, режавий олдини олиш таъмирлашларни тўғри ташкил қилиш ва ўз вақтида ўтказилишини таъминлайди;
- юк кўтарувчи маханизмларни, юк олувчи ва боғловчи мосламаларни, босим остида ишловчи аппарат ва идишларни, электрпайвандловчи аппаратура,

ацителен, кислород ва компрессор қурилмаларидан тұғри ва хавфсиз фойдаланишни таъминлайди;

- барча ишлаб чиқариш ускуналари ва саноат иншоотларининг техник холати улардан фойдаланиш ва үз вақтида таъмирлаш юзасидан назоратни амалга оширади; машиналар, қурилмалар, асбоблар ва иншоотларнинг хавфсизлик ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидалари талабларига мувофиқлигини таъминлайди. Техник ҳужжатларни юритиш бүйича назоратни амалга оширади;

- ускуналар, механизмлар ва асбобларнинг аниқланган конструктив камчиликларини бартараф этиш, маънавий эскирган машиналарни, механизмларни ва қурилмаларни үз вақтида алмаштириш бүйича тадбирларни қабул қиласы; Техниканинг янги намуналарини синашда қатнашади;

- вентиляцион қурилма ва тизимларнинг самарали ишлашини ва уларни үз вақтида таъмирлашни таъминлайди;

- бош механик хизмати ходимларининг, шунингдек юк күттарувчи кранларда, босим остида ишлайдиган идишларда ва бошқа мураккаб механизмларда ишлайдиган ходимларни ўқитиши, уларнинг билимларини текширишни ва шаҳодатлашни ташкил қиласы ва ўтказади;

- бош механик хизмати ходимлари учун ишларни хавфсиз олиб бориши бүйича йўриқномаларни үз вақтида ишлаб чиқишини ташкил қиласы, ишчиларга йўриқномалар тузишда цех ва хизмат ишчиларига ёрдам кўрсатади;

- ходимларнинг мураккаб механизмлар ва агрегатларга хизмат кўрсатишга йўл қўйиш хуқуқига риоя қилишини белгиланган тартибда таъминлайди;

- ускуна ва асбобларнинг масъул деталлари ва узелларининг нуқсонларини аниқлашни үз вақтида ўтказилишини таъминлайди;

- меҳнат муҳофазаси холатининг уч босқичли назоратини ўтказишида қатнашади;

- ер усти ускунаси билан юз берган, баҳтсиз ҳодисаларга олиб келмаган, тоифали бўлмаган аварияларни үз вақтида текшириш ва ҳисобга олишни таъминлайди;

- ташкилот таркибий бўлинмаларининг доимо ишлайдиган комиссия томонидан ўтказиладиган комплекс ва мақсадли текширишларда қатнашади;
- ташкилотнинг амалдаги таркибий бўлинмаларида ускуналардан фойдаланишда ва таъмирлаш, монтаж қилиш ва созлаш ишларини ўтказишда хавфсизлик қоидаларига риоя қилинишини таъминлайди;
- давлат ва идоравий назорат органларининг, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари кўрсатмаларининг, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича бўйруқ ва фармойишларининг бажарилишини ташкил қиласди ва таъминлайди.

9. Цех бошлиғининг функциялари:

- меҳнат қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилишни таъминлайди;
- ташкилотнинг бош муҳандиси (меҳнат муҳофазаси бўйича ташкилот раҳбарининг ўринбосари) томонидан тасдиқланган ўз участкасида хавфи юқори ишларнинг рўйхатига эга бўлади;
- ишлар бажарилишини, хавфсизлик қоидалари ва ишлаб чиқариш санитарияси меъёрлари талабларига мувофиқ технологик жараёнларни тўғри олиб борилишини ташкил қиласди;
- ускуналар, механизмлар, алоқа иншоотлари ва линиялари, мослама, ихоталовчи ва сақловчи қурилмалар, шунингдек ишлаб чиқариш ва ёрдамчи биноларнинг созлигини ва хавфсиз фойдаланилишини таъминлайди;
- Давлат назорат органларининг ва Агентлик ҳамда ташкилотларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ходимларининг бўйруқ ва кўрсатмалари, ёзма кўрсатма ва талаблари, ишчилар ва меҳнат муҳофазаси мутахассис (вакил)ларининг мулоҳаза ва таклифларини белгиланган муддатларда бажарилишини амалга оширади;
- барча муҳандис-техник ходимлар ва ишларни бевосита бажарувчиларни меҳнатнинг хавфсиз шароитларини яратиш ва таъминлаш бўйича ишларга жалб этади;
- эҳтиёжни аниқлайди ва ишчиларни меъёр ва қоидаларига мувофиқ маҳсус кийим, маҳсус пойафзал ва бошқа шахсий муҳофаза воситалари, совун, сут билан

таъминлайди, шунингдек маҳсус кийим ва маҳсус пойафзални ўз вақтида ювилиши ва таъмирланишни таъминлайди;

- меҳнат шароитлари ҳолатини (ҳар ҳафтада) обьектларда, алоқа иншоотлари ва линияларида (ҳар чоракда) ва фойдаланишнинг тўғрилигини текширади;

-объектларда ускуналар, механизмлар, мослама ва асбоблар, вентиляция ускуналари, иситиш ва ёритиш тизимлари, иҳоталовчи ва сақловчи қурилмалар, автоматик назорат ва сигнализация қурилмаларидан обьектларидан тўғри фойдаланишини, ҳимоявий ерга уланувчи ва ҳимоявий ўчириш қурилмаларининг мавжудлиги ва созлигини текширади (ҳар куни);

Ташкилотнинг касаба қўмитаси ёки ишчиларнинг бошқа вакиллик органлари билан келишувга кўра, ўтказилган тадбирлар натижасида тежалган пул маблағлари ва моддий ресурслар меҳнат муҳофазаси бўйича қўшимча тадбирларни ўтказишга сарфланиши мумкин.

- меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассис (вакил)лар бригадир ва алоҳида ишчилар иштирокида МТХ билан тезкор мажлис (ҳар ойда) ўтказади, бу мажлисда текширувлар натижаси, бўлимлар, хизматлар, сменалар, участкалар бошлиқларининг обьектлардаги ишларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларини кўриб чиқади, хавфсизлик қоидаларининг айрим бузилишларини синчиклаб текширади. Хавфсизлик қоидаларининг қўпол ва такорорий бузилиш далилларини тегишли смена, бригада ишчилари иштирокида кўриб чиқади.

-объектлар ва участкаларда меҳнат шароитларнинг ҳолати тўғрисида корхона раҳбариятига ахборот беради (ҳар ойда);

-бўлим, смена, участка раҳбарлари томонидан ишчиларни йўл-йўриқ беришни ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши назоратини амалга оширади, - ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинмаси учун ишларни хавфсиз юритиш бўйича зарур йўл-йўриқ беришнинг рўйхатини ишлаб чиқади.

Зарурий йўриқномаларни кўриб чиқади ва қайта кўриб чиқади;

- хизмат, бўлим, смена, участка бошликлари дастлабки йўл-йўриқ бериш (агар ишчиларнинг ишга қабул қилиш бевосита цехда ўтказилса) ва бирламчи йўл-йўриқ беришни ўтказади. Янги ишчиларни тажриба орттириши учун малакали ишчиларга ёзма буйруқ билан бириктиради. Давомийликни кўрсатади ва тажриба орттириш учун жавобгарни тайинлайди;

- ишчиларга йўл-йўриқ бериш дастурларини ишлаб чиқади, бош муҳандис (техник директор), меҳнат муҳофазаси бўйича бош муҳандис ўринбосари (техник директор) томонидан тасдиқлангандан сўнг улар билан участка, смена, бўлим ва хизмат бошликлари таъминлайди, ишчилар билимини текшириш учун савол варағини ишлаб чиқади;

-ишчилар билимларини текшириш жадвалини тасдиқлайди, комиссияни бошқаради, ишчилар билимларининг текширувини амалга оширади, натижаларни расмийлаштиради ва ишчиларга билимлари текширилгани ҳақида гувоҳнома беради ёки уларга тегишли ёзувлар ёзади;

-меҳнат шароитларини соғломлаштириш, ҳаво муҳити, ёритиш, ҳарорат ва сув билан таъминлаш тартибини нормал ҳолатини таъминлаш, шовқин, электрмагнит оқимининг ва электрнинг статик тебранишини камайтириш бўйича чораларни қабул қиласи;

- ишлаб чиқариш объектларининг шаҳодатланишини ўтказади, (жадвалга асосан) хизматлар, бўлим, смена, участка раҳбарлари, меҳнат муҳофазаси бўйича ишчилар (вакиллар)нинг мулоҳаза ва таклифларини тўплайди, умумлаштиради ва ўрганади;

- меҳнат шароитларини соғломлаштириш ва яхшилаш бўйича муайян тадбирларни ишлаб чиқади ва жамоа шартномаси (меҳнат муҳофазаси бўйича Битим)га киритиш учун ташкилот раҳбариятига уларни тақдим этади. Режалаштирилган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини ташкил қиласи ва амалга оширади;

- содир бўлган баҳтсиз ҳодиса тўғрисида ташкилот раҳбарларидан бирига, меҳнат муҳофазаси хизмати ва касаба уюшма қўмитасига зудлик билан хабар беради;

- меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассис, меҳнат муҳофазаси бўйича бош муҳандис (техник директор) ўринбосари билан биргаликда:
 - а) баҳтсиз ҳодиса сабабини аниқлайди;
 - б) шунга ўхшаш ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни белгилайди;
- содир бўлган баҳтсиз ҳодиса (шароитлари ва сабаблари аниқлангандан кейин, текширувлар тугагач, уч кеча-кундуздан кечиктиrmай) ҳақида барча раҳбарлар ва мутахassisларни хабардор қиласди;
- далолатномада (Н-1 шакл) кўзда тутилган тадбирларни белгиланган муддатда бажарилишини таъминлайди ва уларнинг бажарилиши ҳақида меҳнат муҳофазаси хизматига хабар беради;
- ташкилотнинг бошқа цехлари, бўлимлари, участкаларида ёки бошқа ташкилотларда юз берган баҳтсиз ҳодиса ҳақида раҳбарлар ва мутахassisларни хабардор қиласди. Шунга ўхшаш сабаблар бўйича баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида белгиланган муддатларда объектлар ва иш жойларининг текширувини ташкил қиласди.

10. Корхона ходимининг функциялари:

- тегишли қонуний ва норматив ҳужжатлар, жамоа шартномалари билан белгиланган меҳнат муҳофазаси бўйича қоида ва меъёрларнинг талабларига риоя қилиши шарт;
- меҳнат муҳофазаси бўйича стандартлар, қоидалар, нормалар ва йўриқномалар талабларига мувофиқ иш жойларини ташкил қиласди;
- меҳнат қонун ҳужжатлари, ички меҳнат тартиби қоидалари, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми талабларига риоя қиласди;
- шахсий тартибда ва жамоа муҳофаза воситаларини билиши ва улардан фойдаланишни билиши керак;
- шахсий гигиена талабларига риоя қиласди;
- унинг касби ва иш турлари учун белгиланган муддатда билимлар текшируви, ўқитиши, йўл-йўриқ беришдан ўтиши шарт;

- бахтсиз ҳодисаларда дастлабки ёрдам кўрсатиш қоидаларини билиши ва у бўйича амалий малакага эга бўлиши керак;
- иш берувчидан иш жойларида тегишли меҳнат шароитларини, меҳнат муҳофазаси бўйича стандарт, қоида ва меъёрлар талабларига риоя қилинишини талаб қилиши керак;
- иш жойлардаги меҳнат шароитлари ва меҳнат муҳофазасининг ҳолати тўғрисидаги ташкилот маъмурияти, ёлловчи, ахборот мулқоридан талаб қилиш ҳукуқига эга;
- ходим соғлиғининг ёмонлашуви меҳнат шароитлари билан боғлиқ деб ҳисобласа, навбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтишни талаб қилиш ҳукуқига эга;
- инсон ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф тугдирадиган ҳар қандай вазиятлар, шунингдек ишни бажарилишида ёки у билан боғлиқ ҳолда содир бўлган ҳар қандай бахтсиз ҳодисалар ҳақида ўзининг бевосита раҳбарига зудлик билан хабар қилиши шарт;
- ўз иш жойига тегишли имтиёzlар ва компенсациялар ҳақида хабардор бўлиш ҳукуқига эга;
- бахтсиз ҳодиса ва касбий касалликдан мажбурий суғурталаниши керак;
- йўриқнома талабларини бажариш мажбурийдир ва ишчи томонидан уларни бажармаслик ишлаб чиқариш интизомини бузиш деб ҳисобланади.

4. Меҳнат муҳофаза ҳолатининг назорати

1. Ташкилотларда меҳнат муҳофаза ҳолатини ташкил қилишнинг асосий йўналишлари қўйидагилар ҳисобланади:
 - давлат текшируви ва назорати;
 - идоравий текширув ва назорат;
 - уч босқичли (маъмурий - ижтимоий) назорат;
 - жамоа назорати.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конунига асосан меҳнат муҳофазаси ҳолатининг Давлат текшируви ва назорати ушбу органлар тўғрисида белгиланган тартибда тасдиқланган қоидаларга

мувофиқ амал қилувчи давлат органларининг махсус вакиллар томонидан амалга оширилади.

3. Идоравий текширув ва назорат идоранинг текширув идоралари, ташкилотнинг меҳнат муҳофазаси хизматлари томонидан амалга оширилади.

4. Уч босқичли назорат касаба уюшмаси ташкилоти иштирокида ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассислари томонидан уч кетма-кет даражада амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конунига мувофиқ Агентлик тизимида фаолият кўрсатувчи акциядорлик компаниялар ва корхоналарда меҳнат муҳофазаси соҳасида қонуний ҳукуқ ва ходимларнинг манфаатларига риоя қилинишининг жамоа назорати меҳнат жамоаси ва алоқа ходимларининг касаба уюшмаси томонидан амалга оширилади.

6. Ташкилотларда меҳнат муҳофазасининг ҳолати ёмонлашганда касаба уюшмаси ташкилотининг тегишли идораси билан келишувига кўра, меҳнат муҳофазасини назорати бўйича қўшимча чораларни кўзда тутувчи назоратнинг алоҳида шартлари киритилиши мумкин.

7. Айрим ташкилотлар учун меҳнат муҳофазаси ҳолати устидан назоратнинг юқорида қайд этиб ўтилган асосий кўринишларидан ташқари, зарур бўлганда, тегишли раҳбарлар томонидан иш жойларда ишчилар меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя қилишлари бўйича назоратнинг бошқа шакллари ҳам белгиланиши мумкин.

8. Идоравий текширув ва назорат:

Ташкилотларда меҳнат муҳофазаси ҳолати бўйича идоравий текширув ва назорат:

- комплекс ва мақсадли текширувлар ўтказилганда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати, Агентликнинг назорат қилувчи бўлимлари, раҳбарлари ва мутахассислари, акциядорлик компаниялари, ташкилотларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари томонидан;

- тезкор назоратда, барча даражадаги раҳбарлар ва мутахассислар томонидан амалга оширилади.

9. Комплекс ва мақсадли текширувлар:

- ташкилотларда меҳнат муҳофаза ҳолаттининг комплекс ва мақсадли текшириш йиллик статистик ҳисоботлар, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва меҳнат муҳофазаси ҳолатининг таҳлили натижаларига асосан ўтказилади;

- мажмуавий текширувлар ташкилотларда меҳнат муҳофазаси ва шароитлар ҳолатини ҳар томонлама назорат қилиш мақсадида ўтказилади;

- мақсадли текширувлар меҳнат муҳофазасининг баъзи масалалари ҳолатини, юқори турувчи органларининг бўйруқлари, кўрсатмалари, фармойишлари ва меҳнат муҳофазаси соҳасида жамоа шартномаларнинг бажарилишини бориши, шунингдек комплекс текширувларнинг натижалари бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш учун ўтказилади.

10. Тезкор назорат:

- меҳнат муҳофазасини ҳолати бўйича тезкор назорат меҳнат муҳофазаси хизмати ва Агентликнинг назорат қилувчи бўлимлари, акциядорлик компаниялар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассислари томонидан - ўзига бўйсунадиган корхонага чиқилганда, ташкилот раҳбарлари томонидан эсануга бўйсунадиган бўлинмаларга борилганда ўтказилади;

- тезкор назоратнинг асосий вазифалари меҳнат муҳофазаси бўйича раҳбар ва мутахассис томонидан уларнинг лавозим мажбуриятларининг, шунингдек ходимларнинг меҳнат шароитлари ва иш жойларида хавфсизлик талабларига риоя қилишнинг бузилишларини аниқлаш ҳисобланади;

- тезкор текширув натижалари далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштирилган бўлиши керак, бир нусхаси аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун текширилаётган ташкилот раҳбарига тақдим этилади. 2-нусхаси тегишли чораларни қабул қилиш учун текширувни ташкил қилган раҳбарга тақдим қилинади;

11. Уч босқичли назорат:

Уч босқичли назорат ташкилот, корхона раҳбари учун иш жойларда меҳнат муҳофазаси ҳолатини ташкил қилинишининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни, меҳнат хавфсизлиги стандартлар тизими, меҳнат муҳофазаси бўйича меъёр, қоида, йўриқнома ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларни барча мансабдор шахслар ва ходимлар томонидан риоя қилинишининг асосий назорат шакли ҳисобланади.

Уч босқичли назоратнинг асосий вазифаси муҳофаза бўйича барча мажмуавий тадбирларнинг бажарилишини ташкил қилиш, меҳнат муҳофазаси ҳолатини ўз вақтида текшириш ва уч кетма-кет даражада аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун масъулларни белгилашдан иборат.

Уч босқичли назорат натижалари биринчи ва иккинчи босқич қайд этиш дафтарларида, учинчи босқич баённомасида акс эттирилади.

Ташкилот таркибига қараб мувофиқ уч босқичли назоратни ташкил қилиш ва ўтказиш учун масъул бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

- биринчи босқичда-ишлиарнинг бевосита раҳбари;
- иккинчи босқичда-ташкилотнинг таркибий бўлинмасининг раҳбари (цех бошлиғи, уста ва бошқалар);
- учинчи босқичда – ташкилот, корхона раҳбари.

Назоратнинг биринчи босқичи ишнинг бевосита раҳбари томонидан (уста, бригадир ва б.) иш куни (смена) бошланганда ҳам ва бутун иш куни давомида ҳам ҳар куни ўтказилади.

Назоратнинг иккинчи босқичи ташкилот таркибий бўлинмасининг раҳбари (цех бошлиғи, уста) бошчилик қилувчи комиссия томонидан ойда икки марта ўтказилади.

Назоратнинг учинчи босқичи ташкилот раҳбари ёки бош муҳандиси (меҳнат муҳофазаси бўйича масъул раҳбар ўринбосари) томонидан ойда бир марта ўтказилади.

4. Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиши ва билимларни текшириши ташкил қилиш

1. Ташкилотнинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари лавозим мажбуриятлари ва бажариладиган ишларнинг тусидан келиб чиқиб малакавий талаблари ҳажмида ўқитиш, йўл-йўриқолиш, билимларини текширувдан ўтказиши зарур.

2. Ташкилотга ишга кирган ходимлар фақат ишларни хавфсиз олиб бориш бўйича йўл-йўриқдан ўтгандан, тегишли тажриба ортириш ва билимлари текширилгандан кейин мустақил ишлашга йўл қўйилиши мумкин.

3. Ўта хавфли ишларга ва буғ ҳамда сув иситиш қозонларга, юк қўтариш механизmlар, катта босим остида ишловчи идишлар, электр қурилма, маҳсус машина ва механизmlарга хизмат кўрсатиш бўйича ишларга тегишли маълумотга эгалиги ҳақидаги хужжати бўлган шахслар олиниши мумкин.

4. Агентлик тизимида фаолият кўрсатувчи умуман акциядорлик компаниялар ва ташкилотлар бўйича меҳнат муҳофазаси талабарини ўз вақтида ва сифатли ўқитиш ҳамда билимларни текширишни ташкил қилиш учун жавобгарлик Агентлик, акциядорлик компаниялар, ташкилотларнинг раҳбарларига, таркибий бўлинмаларда (филиаллар, цех, участка, бўлим, лаборатория, устахона ва бошқалар) - таркибий бўлинма раҳбарига юклатилади.

5. Ташкилот ишчиларининг меҳнат муҳофазаси бўйича ўз вақтида ўқитишни меҳнат муҳофаза хизмати ёки ташкилот раҳбарининг буйруғи билан ушбу мажбурият юклатилган шахс (меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассис) назорат қиласи. Меҳнат муҳофаза хизмати ёки мутахассис мавжуд бўлмаган ҳолларда назорат ходимлар бўлимига юклатилади.

6. Меҳнат муҳофазаси бўйича ходимларни, жумладан ташкилот раҳбарларини ишдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўқитиш ва уларнинг меҳнат муҳофазаси талаблари бўйича билимларини текширишни маблағ билан таъминлаш иш берувчининг хисобидан амалга оширади.

7. Агентлик, акциядорлик компаниялар, ташкилотларнинг раҳбарлари қўйидагиларни таъминлайди:

- муҳофаза хизматини мутахassisлар билан тўлдиришни;

- камида уч йилда бир марта, меҳнат муҳофазаси талаблари билимларини текшириш бўйича ташкилотлар комиссиялари аъзолари сифатида Агентликнинг мунтазам фаолият кўрсатувчи имтиҳон комиссияси томонидан меҳнат муҳофазаси талаблари бўйича билимлар текширувини ўтказишни;
- беш йилда бир мартадан кам бўлмаган ҳолда меҳнат муҳофазаси бўйича уларнинг малакасини ошириш.

8. Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ва йўл-йўриқ бериш иш вақтида ўтказилади.

9. Меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича ходимларни, шу жумладан ташкилот раҳбарларини ўқитиш намунавий дастурларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва ташкилотнинг касаба уюшмаси, меҳнат муҳофазаси хизмати (меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассис) билан келишилган ва корхона раҳбари (бош муҳандиси, меҳнат муҳофазаси бўйича раҳбар ўринбосари) томонидан тасдиқланган дастурлар бўйича ўтказилади.

Ходимларнинг, шу жумладан корхона раҳбарларининг меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича ўқитишнинг намунавий дастурлари Агентлик ёки меҳнат муҳофазаси талаблари бўйича ўқитиш ва билимларини текширишга рухсати бор ўкув марказлари, институтлари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

6. Ходимларни ўқитиш ва билимларини текшириш

1. Ходимларга йўл – йўриқ бериш. Ходимларга йўл-йўриқ бериш кириш ва иш жойида йўл-йўриқ беришларга бўлинади. Иш жойида йўл-йўриқ бериш ўз навбатида бирламчи, даврий ва навбатдан ташқариларга бўлинади.

2. Кириш йўл – йўригини бериш.

Ташкилотга ишга кирувчи барча ходимлар ва ушбу корхонага ишлаш учун хизмат сафарига жўнатилган бошқа ташкилотлар ходимлари (малакаси, иш тажрибаси ва стажидан қатъи назар), шунингдек амалий ишни ўрганувчи ва ўкувчилар кириш йўл-йўриғидан ўтадилар.

Ходимларга кириш йўл-йўригини бериш меҳнат муҳофазаси хизматининг мутахассиси ёки ушбу мажбурият юклатилган бошқа ходим ўтказиши керак. Агар ходимни ишга қабул қилиш бевосита таркибий бўлинмалар ўзида

ўтказилса, унда кириш йўл-йўригини таркибий бўлинмаларнинг раҳбарларидан бири ўтказиши керак.

Шикастланганларга биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш тўғрисидаги, ёнгин хавфсизлиги ва бошқа маҳсус масалалар бўйича йўл-йўриқ бериш тегишли мутахассислар томонидан ўтказилади.

Кириш йўл-йўригини ўқув материалларининг муайян мазмuni ва ишлаб чиқариш шароитларига тегишли замонавий ўқитишининг техник воситаларидан, кўргазмали қўлланмалар ва адабиётлардан фойдаланиб меҳнат муҳофазаси хонасида ўтказилиши керак.

Кириш йўл-йўригини бир гурӯҳ ходимлар билан, ҳамда алоҳида ходимлар билан ҳам ўтказилиши мумкин. Гурӯҳ таркибининг сони қоидага кўра 10 кишидан ошмаслиги керак.

Кириш йўл-йўригини ташкилотнинг касаба уюшмаси билан келишувга кўра, раҳбар (бош муҳандис, меҳнат муҳофазаси бўйича раҳбар ўринбосари) томонидан тасдиқланган, меҳнатни муҳофaza қилиш тизими, меҳнат муҳофазаси бўйича қоида, меъёр ва йўриқномаларнинг талабларини, шунингдек ишлаб чиқаришнинг барча хусусиятларини ҳисобга олиб, меҳнат муҳофазаси хизмати (меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассис) томонидан ишлаб чиқилган дастур бўйича ўтказилади.

Кириш йўл-йўригини ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот Кириш йўл-йўригини ўтказиши журналида қайд қилиниши ва ходимнинг қабул қилиш тўғрисидаги ёзувлари ёки йўл-йўриқ оловчи ва йўл-йўриқдан ўтувчиларнинг имзоси бўлган назорат варағида тегишли белги қўйилган бўлиши керак.

Назорат варағи ишчининг шахсий варақчаси билан ходимлар бўлимида берилади ва сақланади, раҳбар ва мутахассисларнинг назорат варағи эса шахсий жилдда сақланади.

Ходимлар бўлимининг ходими назорат варақларининг тўғри расмийлаштирилиши, ходимларнинг билими текширилгандан сўнг ва улар мустақил ишлашга рухсат олганларидан кейин, уни ўз вақтида ходимлар бўлимига қайтарилишини назорат қилиши керак.

3. Иш жойида йўл – йўриқ ўтказиш. Барча ишчилар, кириш йўл-йўриғидан ташқари иш жойида йўл-йўриқдан ўтишлари керак.

Иш жойида йўл-йўриқ ўтказишдан мақсад ҳар бир ходимга тўғри ва хавфсиз ишлаш усул ва услубларини ўргатиш, йўл-йўриқ ўтказиш жараёнида ускуналар, механизмлар, мосламалар, уларнинг тузилиш хусусиятлари ва тавсифлари, мумкин бўлган хавфлар ва хавфсиз ишлаш усуллари ҳамда иш жойларини тайёрлаш тартиби билан ишчиларни таништириш ҳисобланади.

Иш жойида йўл-йўриқ ўтказишни ишчининг таркибий бўлинма бўйича бевосита раҳбарига юклатилади. Зарур ҳолларда, йўл-йўриқ ўтказиш тегишли мутахассислар (механиклар, энергетиклар, технологлар, йўл-йўриқ берувчи вахталар ва бошқалар) қатнашуви билан ўтказилади.

Йўл-йўриқ ўтказиш меҳнат муҳофазаси учун маъсул мансабдор шахслар ёки ташкилотнинг бош муҳандиси томонидан тасдиқланган ишларни хавфсиз олиб бориш бўйича йўриқнома ва қоидалар асосида таркибий бўлинмалар раҳбарлари томонидан ишлаб чиқилган дастурлар бўйича бевосита иш жойларида ўтказилади. Бундай йўриқномалар ва уларнинг рўйхати ташкилотнинг бош муҳандиси ёки меҳнат муҳофазаси учун жавобгар бўлган мансабдор шахс томонидан касаба уюшмаси билан биргаликда тасдиқланади.

Ишларни хавфсиз олиб бориш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш ва улар билан ишчиларни ҳамда иш жойларни таъминлаш, таркибий бўлинмалар раҳбарларига юклатилади.

4. Бирламчи йўл-йўриқни ўтказиш бевосита иш жойларида амалий ўргатиш (тажриба ортириш) билан ходимлар мустақил ишга тушишдан аввал, бошқа ишга ёки ишни бошқа тусдаги ишлаб чиқариш бўлинмаларига ўтказиш вақтида ўтказилиши керак.

Ташкилотга ишга кирувчи амалий ўргатиш (тажриба ортириш)ни тажрибали малакали ишчида ўтиши керак. Ходимнинг тажриба ортириш учун бириктириш, ўргатиш давомийлиги ва ўргатишни мунтазам назорат қилишга мажбур жавобгар шахс кўрсатилган таркибий бўлинма раҳбарининг ёзма фармойиши билан расмийлаштиради.

Бирламчи йўл-йўриқни ўтказиш иш жойида йўл-йўриқни қайд қилиш журналида ва назорат варағида расмийлаштиради.

5. Даврий йўл-йўриқ ўтказишнинг мақсади маълум вақтдан кейин ишчиларнинг асосий ва бошқа улар томонидан энг кўп бажариладиган ишларни хавфсиз бажариш бўйича билимларини янгилаш ва тўлдиришдан иборат.

Даврий йўл-йўриқни ўтказиш алоҳида ёки гурухли (бир турдаги касблар ва алоҳида турдаги ишлар) бўйича бўлиши мумкин ва дастур бўйича цех ёки ташкилотнинг амалий ишидан олинган муайян мисолларни батафсил қўриб чиқиши билан сухбат шаклида ўтказилиши керак.

Белгиланган вақтда турли хил сабаблар бўйича (таътил, касаллик, хизмат сафари ва б.) йўл-йўриқ олишдан ўтмаган ходимлар ишга чиқсан кунда йўл-йўриқ олишдан ўтиши керак.

Даврий йўл-йўриқни ўтказиш тўғрисида иш жойида йўл-йўриқ ўтказишни қайд қилиш журналига ёзилган бўлиши керак.

6. Ходимларга навбатдан ташқари ишини хавфсиз олиб бориш бўйича йўл-йўриқ бериш қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

- ишлаб чиқариш жараёнлари ўзгарганда, бир турдаги ускуналарни бошқасига алмаштириш натижасида меҳнат шароитлари ўзгарганда;
- таркибий бўлинмада бахтсиз ходиса ёки авария содир бўлган вақтда ишни хавфсиз олиб бориш бўйича янги қоида ва йўриқномалар киритилиши билан боғлиқ қўшимча талабларни ходимларга етказиш зарурати бўлганда;
- кўрилган таъсир этиш чораларидан қатъи назар, қоида ва йўриқномалар, ишлаб чиқариш интизомининг бузилиши аниqlanganда.

Ходимларга навбатдан ташқари йўл-йўриқ бериш бирламчи ва даврий йўл-йўриқ бериш каби ишнинг бевосита раҳбарлари томонидан ўтказилиши керак.

Навбатдан ташқари йўл-йўриқ беришни ўтказиш бирламчи ва даврий йўл-йўриқ бериш каби йўл-йўриқ ўтказишни қайд қилиш журналида сабаби кўрсатилиб расмийлаштирилади.

7. Ходимларнинг билимини текшириш:

1. Бирламчи йўл-йўриқ ўтказиши ва тажриба орттиришдан кейин (мустақил ишга рухсат этишдан олдин ёки бир ишдан бошқасига ўтказилганда) ходимлар ишни хавфсиз олиб бориш бўйича қоида ва йўриқномаларни билишини текширишни ўтказиши керак.

2. Билимларни текшириш бирламчи, даврий ва навбатдан ташқариларга бўлинади.

Билимларни текшириш таркибий бўлинма раҳбарларидан бирининг раислигига ташкилот раҳбари томонидан тайинланган комиссия амалга оширади. Муайян шароитлардан келиб чиқкан ҳолда, зарур бўлганда комиссия таркибига механик, энергетик ва бошқа мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

Асосий иши бўйича қоида ва йўриқномаларни билишини текшириш билан бир қаторда, зарур ҳолларда ходимлардан бошқа қоидаларни (масалан, юк кўтариш кранлари, электркарлар ва ш.к.) билишлар текширилиши керак.

Билимлар бирламчи текширилгандан кейин, ходимларга тегишли расмийлаштириш билан ягона шаклдаги билимлари текширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

Билимларни текшириш иш жойларида йўл-йўриқ ўтказиши дастури асосида меҳнат муҳофазаси бўйича таркибий бўлинма раҳбари, мутахассиси томонидан ишлаб чиқилган савол варақчаси бўйича ўтказилади.

3. Барча ходимлар жадвалга мувофиқ билимларини даврий текширувдан ўтказиши керак. Жадваллар таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари томонидан ҳар йили тузилади.

4. Билимларни навбатдан ташқари текшириш:

- ишлаб чиқариш жараёнлари ўзгарганда, ускуна ва механизмларнинг янги турлари жорий қилинганда, шунингдек янги қоида ва йўриқномалар амалга киритилганда;

- қоида вайўриқномалар бузилган ҳолларда;

- қоида ва йўриқномаларни билиш етарли бўлмаганлиги аниқланганда, ташкилот, давлат ва идоравий назорат органлари раҳбарларининг талаби ёки фармойиши бўйича ўтказилади.

5. Билимларни текшириш натижалари ходимлар билимларини текширишни қайд қилиш журналида расмийлаштирилади ва бир вақтнинг ўзида гувоҳномада ёзилади. Текширилувчининг билимларини баҳолашдан (яхши, қониқарли, қониқарсиз) ташқари ишчини мустақил ишга йўл қўйиш мумкинлиги тўғрисида хулоса берилади.

6. Агар ходим текширув вақтида қониқарсиз билимларни кўрсатса, унда уни мустақил ишлашига йўл қўйилмайди ва икки ҳафта муддатдан кечиктирмай қайта текширувдан ўтказилади.

7. Мехнат муҳофазаси бўйича билимларини вақт-вақти билан текширувдан ўтказилиши мажбурий бўлган ходимларнинг рўйхати келтирилади. Ходимларнинг рўйхати касаба уюшмаси қўмитаси билан келишувга кўра кенгайтирилиши мумкин.

Такорий билимларнинг текширувига келмаслик ёки сабабсиз текширувга тайёр бўлмаслик, меҳнат интизоми бузилган деб кўрилади.

Ушбу бузишларга йўл қўйган ходимларга нисбатан ички меҳнат тартиби қоидаларида кўзда тутилган маъмурий жазо чоралари қўлланиши мумкин.

Назорат саволлари

10. Энг юқори йўл қўйиладиган концентрацияга таъриф беринг.
11. Ишлаб чиқариш объектларига қўйиладиган умумий талаблар нималардан иборат?
12. Хавфли ишлаб чиқариш омилига таъриф беринг.
13. Ёрдамчи бинолар ва хоналар учун санитария талаблари нималардан иборат?
5. Иш жойини ташкил қилишда қандай талабларга риоя қилиши зарур?
6. Санитар майший хоналарга қайси норматив ҳужжатга асосан талаб қўйилади?
7. Тик турган ҳолдаги иш жойлари, одатда қачон тавсия этилади?

Зараарли ишлаб чиқари.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Йўлдошев О.Р., Рахимов О.Р., Хўжақулов Р.Т., Ҳасанова О.Т., “Мехнатни муҳофаза қилиш”, Тошкент-2005.
2. X.Рахимова, А.Аъзамов, Т.Турсунов. Мехнатни муҳофаза қилиш.Т. – “Ўзбекистон” -2003.
3. Friend, Mark A.Fundamentals of occupational safety and health / Mark A. Friend and James P.Kohn. Government Institutes. An imprint of.The Scarecrow Press, Inc. Lanham, Maryland • Toronto • Plymouth, UK-2007.—4th ed.
5. Руководство по охране труда на предприятиях / Юнусов Б.Х., Парсегова Л.Т. и др. - Издательство «Фаргона», 2004 – 332 с.

**3-мавзу: Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва
етказилган зарарни тўлаш.**

Режа;

1. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиблари.
2. Н-1 шаклдаги далолатномани тўлдириш тартиби.
3. Бахтсиз ҳодисаларни маҳсус текшириш.

**1.Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга
олиш тартиблари.**

Жароҳат деб ташки мухит таъсирида киши танасининг беҳосдан шикастланишига айтилади.

Жароҳатлар – ишлаб чиқариш ва майший жароҳатларга бўлинади.

Корхонада ишчи томонидан хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинмагандан олинган жароҳатларга ишлаб чиқариш жароҳатлари дейилади.

Ишлаб чиқариш жароҳатлари таъсир турига қараб, механик (масалан, уриб олиш, кесиб олиш, майиб бўлиш ва бошқалар), иссиқлик (куйиш ва музлаш), кимёвий (кимёвий куйишлар), электр (электр зарбалари), мураккаб (икки ва ундан ортиқ жароҳат турларининг бирга келиши) хилларига бўлинади.

Ишлаб чиқаришда содир бўладиган жароҳатлар икки турга - - ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ва иш билан боғлиқ жароҳатларга бўлинади.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган жароҳатларга ишчи ёки ходимларни корхонада ёки ундан ташқарида ҳизмат вазифаларини бажариш пайтида рўй берган жароҳатлар киради. Бу гурухга яна корхона транспортида ишга кетаётганида, қайтаётганида ёки шу транспортни бошқараётганда олинган жароҳатлар киради.

Иш билан боғлиқ бўлган жароҳатларга – ишга кетаётганда ёки қайтаётганда ва корхона ҳудудида ўз иш вазифасидан бошқа ишларни бажараётганда олинган жароҳатлар киради.

Маиший жароҳатларга иш билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳодисаларда олинган жароҳатлар киради.

Булардан ташқари, тўқимачилик корхоналарида касбий касалликлар ва заарланишлар бўлиши мумкин.

Касбий касалликлар ишчиларга заарли иш шароитларининг таъсири натижасида ҳосил бўладиган касалликлардир. Заарли иш шароитларига ёмон (нобоп) иқлим шароитлари, иш жойларида заарли чангларнинг мавжудлиги, меъёрдан ортиқ шовқин ва титраш, атмосфера босимининг меъёридан ошиши, ёритилганликнинг етарли бўлмаслиги ва бошқалар киради.

Юқорида айтилган заарли иш шароити ишчиларнинг шу шароитга мослашувини талаб қилиб, бу эса уларнинг тез чарчашига, меҳнат унумдорлигини пасайишига олиб келади.

Жароҳатлар, касбий касалликлар ва заарланишнинг асосий сабаблари

Тўқимачилик саноатида учрайдиган жароҳатлар, касбий касалликлар ва заҳарланишларнинг сабаблари жуда хилма-хилдир. Уларни асосан 4 гурухга: ташкилий сабаблар, гигиеник сабаблар, техник ва руҳий-физиологик сабабларга бўлиш мумкин. Руҳий-физиологик сабаблар 1-бобда етарлича ўрганиб чиқилди.

Ташкилий сабаблар:

- хавфсизлик техникаси, саноат санитарияси ва ёнғин хавфи бўйича, йўриқноманинг умуман ўтказилмаганлиги ёки сифатсиз ўтказилганлиги;

- иш жойларининг нотўғри ташкил этилганлиги, коржомаларнинг ва шахсий ҳимоя воситаларининг шу иш жараёнига мос келмаслиги;
- иш жойлари, йўлак ва транспорт йўлларининг тўсилиб қолиши;
- цехларни ва конструктив элементларни чангдан сифатсиз тозалаш;
- дастгоҳ ва машиналарни созлаш жадвалларининг бузилиши;
- мос келмайдиган асбоб ва ускуналарни қўллаш;
- меҳнат муҳофазаси ҳақидаги қонун ва йўриқномаларнинг бузилиши;
- иш вақтидан ташқари ишлаш;
- меҳнат муҳофазаси тадбирларини тарғибот ва ташвиқот қилиш ишларининг сустлиги;

Гигиеник сабаблар:

- оқава сувлардаги ва ҳаводаги зарарли моддаларнинг юқори концентрацияси мавжудлиги;
- нобоп иқлим шароитлари;
- ёритилганликнинг етарли эмаслиги ёки ёритгичларнинг нокулай ўрнатилганлиги;
- цехларда шовқиннинг меъёрдан ортиқ бўлиши;
- санитария-маиший хоналарнинг етишмаслиги ёки уларни ёмон ҳолатда сақланиши;
- ҳар бир ишчига тўғри келиши керак бўлган майдон ва ҳажм бўйича қурилиш меъёрларининг бузилиши;
- ишчи ва ҳизматчиларни тиббий қўриклардан ўтказиш жадвалларининг бузилиши ва бошқалар;

Техник сабаблар:

- машина ва ускуналарнинг конструктив камчиликлари, яъни ускуналар конструкциясининг мукаммал эмаслиги, уларнинг цехда номаъқул жойлаштирилиши;
- ускуна, механизмларнинг носозлиги;
- оғир ва сермехнат ишларнинг етарли механизациялаштирилмаганлиги;

- машина ва дастгоҳларнинг хавфли жойлари тўсилемаганлиги ёки тўсиқларнинг нотўғри конструкция қилинганлиги, хавфсизлик тўсиқлари қилинмаганлиги;
- машина ва ускуналарнинг цехларда жойлаштириш меъёрларининг бузилиши;
- асобоб ва ускуналарнинг мукаммал эмаслиги ёки уларнинг носозлиги ва бошқалар.

3. Бахтсиз ҳодисаларни маҳсус текшириш

Бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча бахтсиз ҳодисалар амалда “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш ҳақида низом”да кўрсатилгани бўйича текширилади ва ҳисобга олинади.

Корхонада бирор бахтсиз ҳодиса рўй берса, жабрланувчи ёки биринчи кўрган гувоҳ бу ҳақда устага ёки цех бошлиғига хабар беради. Уста воқеадан воқиф бўлгач, зудлик билан воқеа содир бўлган жойга бориб, жабраланувчига дастлабки ёрдам кўрсатиш чораларини кўради, тиббий ҳизмат пунктига ва цех бошлиғига хабар беради. Ўзи иложи борича воқеа содир бўлган жой шароитини ўзгартирмаслик чораларини кўради. Цех бошлиғи бўлган воқеа ҳақида корхона раҳбари ва фабрика касаба уюшмаси қўмитасига хабар беради.

Хар бир бахтсиз ҳодиса цех бошлиғи, хавфсизлик техникаси муҳандиси ва меҳнат муҳофазаси вакили қатнашувида текширилиб бир сутка давомида тўрт нусҳада далолатнома (Н-1 формасида) тузилиши шарт. Бу далолатномани тасдиқлаш учун корхона бош муҳандисига топширилади. У уч сутка давомида уни текшириб, тасдиқлайди.

Далолатнома корхонада 45 йил давомида сақланади. Жароҳат сабабини аниқ билиш учун бахтсиз ҳодиса сабаблари пухта ўрганилиши керак, чунки бу бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш имконини беради. Ўрганиш давомида ҳар бир бахтсиз ҳодисанинг моддий оқибати белгиланади. Текшириш натижалари кенг ёритилиши ва барча ишчиларнинг дикқатини жалб қилиши керак, чунки бу ахборотлар ўхшаш бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш имконини беради.

Бахтсиз ҳодисалар ҳақида корхона махсус (9-Т шаклида) ярим йиллик ҳисобот тайёрлаб, юқори ташкилотларга, касаба уюшмаси кенгашига, статистика бошқармасига юборади. Низомга биноан тўрт меҳнат кунидан ортиқ кун йўқотилишига сабаб бўлган бахтсиз ҳодисалар ҳисобга киритилади.

Оғир бахтсиз ҳодисалар, яъни ишчининг ўлими ёки бир неча одамларнинг баравар шикастланиши билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисалар алоҳида ҳисобга олинади. Булар ҳақида уста ёки цех бошлиғи дарҳол корхона бош муҳандисига ва фабрика касаба уюшмаси қўмитасига, улар эса касаба уюшмаларининг техник нозирларига, юқори ташкилотга, туман ёки шаҳар прокурорига хабар беради. Бу ҳодисани текширишда юқори ташкилот ҳодими ва касаба уюшмасининг техник нозири қатнашади.

Текшириш иши тугаганидан сўнг Н-1 формасида 8 нусҳада далолатнома тузилади. Айни пайтда бир неча киши бахтсиз ҳодисага дучор бўлса, ҳар бир жабрланувчига алоҳида далолатнома тузилади ва уларнинг талаби билан уч кундан кечиктирмасдан бир нусҳаси қўлларига берилади.

Ҳар бир далолатномада бахтсиз ҳодисанинг ҳолати, сабаби ва уни бартараф қилиш йўллари ва албатта ишлаб чиқариш билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслиги кўрсатилиши керак.

Жароҳатларни ўрганиш усуллари

Ишлаб чиқариш жароҳатлари – касбий касалликлар сабабларини аниқлашда ва уларнинг олдини олишда жароҳатларни ўрганишнинг статистик, топографик, монографик ва иқтисодий усулларидан фойдаланилади.

Статистик усул ҳисобот даврида рўй берган бахтсиз ҳодисаларнинг сабабларини аниқлашга асосланган. Бунда асос қилиб Н-1 формасида тузилган далолатнома ва ишга лаёқатсизлик варқаси олинади. Бу усул жароҳатланишнинг умумий ҳолатини, унинг ўзгариб бориш жараёнини тадқиқ этишда, уларнинг келиб чиқиш сабаб ва ҳолатларининг қонуниятларини ва улар орасидаги алоқаларни аниқлашда қўл келади.

Жароҳатланиш даражасини аниқлашда нисбий статистик кўрсаткичлар – частота коэффициенти ва оғирлик коэффициентидан фойдаланилади.

Жароҳатланишнинг частота коэффициенти K_q маълум календар вақт оралиғида (ой, квартал, йил) рўй берган ва 1000 кишига тўғри келган баҳтсиз ҳодисалар сонининг шу цехда ишловчиларнинг рўйхатдаги сонига нисбати билан ўлчанадиган катталик бўлади.

$$K_q = \frac{a \cdot 1000}{b}, \quad (2.1)$$

Бу ерда, K_q – частота коэффициенти,

a – баҳтсиз ҳодисалар сони,

b – ишловчиларнинг ўрта ҳисобдаги рўйхатдаги сони.

Оғирлик коэффициенти K_o ҳар бир баҳтсиз ҳодисага ўрта ҳисобда қанча ишга яроқсизлик кунлари тўғри келишини кўрсатади:

$$K_o = \frac{C}{a}, \quad (2.2)$$

Бу ерда C – маълум давр ичида бўлиб ўтган ҳамма баҳтсиз ҳодисаларнинг ишга яроқсизлик кунларининг йиғиндиси.

Ишлаб чиқариш жароҳатланишининг сабаблари динамикасидан ташқари бунда баҳтсиз ҳодисаларнинг турлари, хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг организмга таъсири характеристи ўрганилади. Шу билан бирга жабраланувчи ҳақида маълумот (касби, стажи, ёши ва бошқалар) ва баҳтсиз ҳодисанинг қачон ва қаерда бўлганлиги ҳақида маълумотлар берилади.

Топографик усул баҳтсиз ҳодисалар юз берган жойга нисбатан ўрганилишидир.

Содир бўлган баҳтсиз ҳодисалар цех тархига маълум белгилар билан мунтазам равишда қайд қилиниб борилади ва муайян муддат оралиғида (йил охирида, ҳар чоракда ёки ой охирида) қайси иш жойида энг қўп белгилар тўпланилганлигига қараб хавфли жой аниқланади. Шунга асосан бу жой хавфли ҳисобланиб, у ердаги иш шароити синчиклаб ўрганилиб профилактик тадбирлар қўлланилади.

Монографик усул баҳтсиз ҳодиса рўй берган иш жойини (машина, дастгоҳ, усқуна ва х.к.) ҳар томонлама батафсил тадқиқ қилишни тақозо қиласди. Масалан: бирор бир машинанинг технологиясини, кинематикасини, ҳом ашё таъминоти, тайёр маҳсулотни олиш, электр таъминоти, машинани бошқариш ва бошқаларни тадқиқ қиласди.

Бу усулнинг афзаллиги шундаки, фақатгина бўлиб ўтган баҳтсиз ҳодисаларнинг сабаблари аниқланиб қолмасдан, айни пайтда содир бўлиши мумкин бўлган баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш чоралари ҳам кўрилади.

Иқтисодий усул ишлаб чиқариш жароҳатидан кўрилган зарарни аниқлашдан ҳамда баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича бажарилган тадбирларнинг ижтимоий – иқтисодий самарасини баҳолашдан иборатdir.

Юқорида кўрсатилган усуллар жароҳатланиш ҳақида тўлиқ маълумот беради ва уларнинг олдини олиш чораларини оқилона ҳал қилишга ёрдам беради.

Баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш тадбирларини режалаштиришнинг илмий асоси меҳнат хавфсизлигини олдиндан айтиб беришdir.

Корхона худудида ва унинг ташқарисида меҳнат вазифаларини бажараётганда (шунигдек хизмат сафарларида) юз берган жароҳатланиш, заҳарланиш, иссиқлик таъсири, портлаш, фалокатлар, иморатлар, иншоотлар ва конструкциялар бузилиши, куйиш, музлаш, қизиш, электр токи ва яшин уриши, ҳайвонлар, ҳашаротлар ва судралиб юрувчилар томонидан, террористик ҳаракатлар натижасида шикастланишлар, шунигдек табиий оғатлар (зилзилалар, ўпирилишлар, сув тошқинлари, тўфонлар ва бошқалар) туфайли саломатликнинг бошқа хил шикастланишлари;

ўз функционал вазифаларини бажариш юзасидан, шунигдек аварияларнинг, одамлар ҳалок бўлишининг олдини олиш ва корхонанинг мулкини сақлаш мақсадида, иш берувчи топшириқ бермаган бўлса ҳам, корхона манфаатларини кўзлаб қандайдир хатти-ҳаракатларни амалга ошираётгандаги;

ходим хизмат сафарида бўлган ёки ўз функционал вазифаларини бажариш вақтида — йўл-транспорт ҳодисасидаги, темир йўл, ҳаво йўлларидаги, дengiz ва дарё транспортидаги, электр транспортидаги ҳодиса натижасидаги;

иш берувчи томонидан буйруқ билан махсус ажратилган уйдан ишга ва/ёки ишдан уйга ходимларни ташиш учун мўлжалланган транспортда, шунингдек ушбу мақсадлар учун шартнома (буюртма)га мувофиқ ўзга ташкилот транспортида ишга кетаётган ёки ишдан қайтаётгандаги;

иш вақтида шахсий транспортда, уни хизматга оид сафарлар учун ишлатишига рухсат берилганлик ҳақида иш берувчининг ёзма буйруғи мавжуд бўлгандаги;

иш берувчининг топширигини бажариш учун транспортда ёки пиёда ҳаракатланаётганда, шунингдек меҳнат фаолияти хизмат кўрсатиш обьектлари орасида юриш билан боғлиқ ходимлар билан иш вақтида транспортда ёки пиёда кетаётгандаги;

тадбирларнинг ўтказилиши ёки ишлар бажарилиши жойидан қатъи назар, шанбалик (якшанбалик), фуқаро мудофааси бўйича ўқув машғулотлари, кўнгилли ёнгин муҳофазаси мусобақалари ўтказилаётгандаги, қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилгандаги, иш берувчининг ёзма фармойиши бўйича корхона томонидан оталиқ ёрдами қўрсатилаётгандаги;

ички ишлар органларининг маълумотлари асосида — иш вақтида меҳнат вазифаларини бажараётганда бошқа шахс томонидан тан жароҳати етказилгандаги;

сменали дам олишда бўлган ходим билан транспорт воситасидаги вахта шаҳарчаси ҳудудидаги ёки ижарага олинган хонадаги (кузатиб борувчи, рефрижератор бригадаси ходими, сменали ҳайдовчи, дengiz ва дарё кемалари ходимлари, шунингдек, вахта-экспедиция усулида ишлаётганлар ва бошқалар) баҳтсиз ҳодисалар текширилади ва ҳисобга олинади.

Табиий ўлим, ўзини ўзи ўлдириш, жабрланувчининг ўз саломатлигига қасдан шикаст етказиши, шунингдек, жабрланувчининг жиноят содир қилиш

чоғида шикастланиши ҳолатлари (суд-тиббий экспертиза хulosаси ёки тергов органларининг маълумотларига кўра) текширилмайди ва ҳисобга олинмайди.

2.Н-1 шаклдаги далолатномани тўлдириш тартиби.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса натижасида ходимнинг меҳнат қобилияти камида бир кунга йўқотилса ёки тиббий хulosага мувофиқ енгилроқ бошқа ишга ўтиши зарур бўлса, Н-1 шаклидаги далолатнома билан расмийлаштирилади

Иш берувчи текшириш тугаганидан сўнг 3 суткадан кечиктирмай жабрланувчига ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсга давлат тилида ёки бошқа мақбул тилда расмийлаштирилган бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги Н-1 шаклидаги далолатномани бериши керак.

Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни тўғри ва ўз вақтида текшириш ҳамда ҳисобга олиш, Н-1 шаклидаги далолатномани тузиш, бахтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун жавобгардир.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни тўғри ва ўз вақтида текшириш ва ҳисобга олишни, шунингдек, бахтсиз ҳодиса келиб чиқиши сабабларини бартараф этишга оид чора-тадбирларнинг бажарилишини корхонанинг юқори турувчи хўжалик органи, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи, давлат меҳнат техника назоратчиси, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ва «Ўзэнергоназорат» агентликлари органлари назоратдаги тегишли обьектларда назорат қиласи.

Иш берувчи Н-1 шаклидаги далолатномани тузишдан бош тортса, жабрланувчи ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс Н-1 шаклидаги далолатнома мазмунидан норози бўлса, жабрланувчи ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс корхона касаба уюшмаси қўмитасига ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органига мурожаат қиласи.

Касаба уюшмаси қўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органи 10 кун муддат ичida бахтсиз ҳодисанинг келиб чиқиши сабабларини ўрганиб чиқади, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари, меҳнат

хавфсизлиги андозалари бузилишини аниқлайди, зарур деб ҳисобласа, иш берувчидан Н-1 шаклидаги далолатномани тузишни ёки қайта тузишни талаб қиласи. Иш берувчи бу талабларни бажармаса, корхона касаба уюшмаси күмитаси ёки бошқа вакиллик органи, шунингдек жабрланувчи ёки бошқа манфаатдор шахс давлат меҳнат техника назоратчисига мурожаат қиласи.

Н-1 шаклидаги далолатнома тузилмаганлиги ёки нотўғри тузилганлиги аниқланган ҳолларда давлат меҳнат техника назоратчиси иш берувчидан Н-1 шаклидаги далолатномани тузишни ёки бошқатдан тузишни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Иш берувчи давлат меҳнат техника назоратчиси хулосасини бажаришга мажбурдир.

Иш берувчи билан давлат меҳнат техника назоратчиси ўртасидаги англашилмовчиликни бош давлат меҳнат техника назоратчиси ҳал қиласи.

Ишлаб чиқаришдаги ҳар бир баҳтсиз ҳодиса ҳақида жабрланувчи ёки гувоҳ дарҳол бўлинма (цех) раҳбарига хабар бериши керак, у эса:

жабрланувчига зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатиши ва уни тиббий-санитария қисмига ёки бошқа даволаш муассасасига етказишни ташкил этиши;

текшириш комиссияси иш бошланишига қадар иш жойидаги вазиятни ва жиҳозлар ҳолатини ҳодиса юз берган дақиқада қандай бўлса, шундайлигича (агар бу атрофдаги ходимлар ҳаёти, саломатлигига таҳлика солмаётган бўлса ва ҳалокатга олиб келмаса) сақлаб қолиши;

дарҳол ҳодиса тўғрисида иш берувчига ва касаба уюшмасига ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органига хабар қилиш.

Корхона тиббий-санитария қисми (шифохона, поликлиника) бир сутка ичида ёрдам сўраб мурожаат қилган ходимлар, шу жумладан, хизмат сафаридаги ва корхона ишлаб чиқариш обьектларида иш бажараётган хорижий ташкилот ходимлари билан юз берган ҳар бир баҳтсиз ҳодиса ҳақида иш берувчига ва касаба уюшмасига ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига хабар беради.

Иш берувчининг буйруғига кўра иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси вакиллари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи таркибида комиссия тузилади.

Ишлаб чиқаришдаги меҳнат хавфсизлигига бевосита жавоб берувчи раҳбар баҳтсиз ҳодисани текширишда иштирок этмайди.

Комиссия:

уч сутка ичида баҳтсиз ҳодисани текшириб чиқиши, гувоҳлар ва меҳнат муҳофазаси қоидалари, меҳнат хавфсизлиги андозаларини бузишга йўл қўйган шахсларни аниқлаб сўроқ қилиши, имкони бўлса, жабрланувчидан тушунтириш хати олиши;

баҳтсиз ҳодиса сабабларини йўқотиш чора-тадбирлари кўрсатилган Н-1 шаклидаги далолатномани уч нусхада тузиши ва имзо чекиб, уларни тасдиқлаш учун иш берувчига бериши керак.

Иш берувчи ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисани келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш чораларини кўради ва текшириш тамом бўлгандан сўнг уч сутка давомида тасдиқланган Н-1 шаклидаги далолатномаларни:

жабрланувчига ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсга, текшириш материаллари билан бирга корхона меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари (муҳандиси, мутахассиси)га, давлат меҳнат техника назоратчисига юборади.

Н-1 шаклидаги далолатнома билан расмийлаштирилган баҳтсиз ҳодисалар корхона томонидан ҳисобга олинади ва дафтарда қайд қилинади ([2-илюва](#)).

Иш берувчи Н-1 шаклидаги далолатнома нусхаларини, касаба уюшмаси қўмитасига ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органларига, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ёки «Ўзэнергоназорат» агентликлари органи вакилига, агар баҳтсиз ҳодиса назоратдаги тегишли корхоналар (объектлар)да юз берган бўлса, юқори турувчи хўжалик органига, тегишли вазирлик (хўжалик бошқаруви органлари)га ҳам уларнинг талабларига мувофиқ юбориши шарт.

Агар корхона қайта ташкил этилса Н-1 шаклидаги далолатнома ҳукуқий ворисга корхонанинг бошқа қимматли қоғозларини топшириш тартибида берилади. Агар корхона тугатилса Н-1 шаклидаги далолатнома корхонанинг

юқори турувчи хўжалик органига берилади. Агар корхонада юқори турувчи хўжалик органи бўлмаса, унда Н-1 шаклидаги далолатнома, туман (шаҳар) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига берилади.

Жабрланувчи ёки гувоҳлар иш вақти давомида иш берувчига хабар бермаганлиги ёки иш қобилияти дарҳол йўқолмаганлиги тўғрисидаги баҳтсиз ҳодисалар жабрланувчининг ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахснинг аризасига, шунингдек, (бош) давлат меҳнат техника назоратчисининг талабига биноан ариза берилган ёки кўрсатма олинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида текширилади. Н-1 шаклидаги далолатномани тузиш масаласи баҳтсиз ҳодиса тўғрисидаги ариза ҳар томонлама, барча шарт-шароитлар, гувоҳларнинг кўрсатмалари ва бошқа далиллар ҳисобга олинган ҳолда текширилганидан сўнг ҳал этилади.

Бошқа ташкилот томонидан ўша ташкилот топширигини бажариш учун ёки хизмат вазифасини адo этиш учун мазкур корхонага жўнатилган ходим билан юз берган баҳтсиз ҳодиса шу баҳтсиз ҳодиса юз берган корхона иш берувчиси томонидан тузилган комиссия томонидан жабрланувчи ишлайдиган ташкилот вакили иштироқида текширилади.

Н-1 шаклидаги далолатноманинг 3-бандида ходимни йўллаган ташкилот номи кўрсатилади. Баҳтсиз ҳодиса жабрланувчи қайси ташкилот ходими бўлса ўша ташкилот томонидан ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси органи тизимида бошқа корхона ходими билан юз берган баҳтсиз ҳодиса, баҳтсиз ҳодиса юз берган корхона (объект) қайси орган назорати остида бўлса, шу орган томонидан ҳисобга олинади.

Баҳтсиз ҳодиса юз берган корхона Н-1 шаклидаги далолатноманинг бир нусхасини баҳтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш учун ўзида олиб қолади, қолган 3 та тасдиқланган нусхасини жабрланувчи ходими бўлган ташкилотга, ҳисобга олиш, сақлаш ва **4-бандда** кўрсатиб ўтилган манзилларга жўнатиш учун юборади.

Иш берувчининг ёзма фармойиши билан вақтинча бошқа ташкилотга ишга ўтказилган ёхуд ўриндошлиқ бўйича ишлаётган ходим билан баҳтсиз ҳодиса юз берса баҳтсиз ҳодиса содир бўлган ташкилот томонидан текширилади ва ҳисобга олинади.

Бошқа корхонанинг ажратилган участкасида иш олиб бораётган корхона ходими билан баҳтсиз ҳодиса юз берса, у иш олиб бораётган корхона томонидан текширилади ва ҳисобга олинади.

Ҳарбий қисм билан корхона ўртасидаги шартнома, битим бўйича ҳалқ хўжалиги объектларига ишга жалб қилинган ва унинг маъмурий-техник ходими бошчилигига иш олиб бораётган ҳарбий қурилиш отряди (қисми) шахсий состави билан юз берган баҳтсиз ҳодиса иш берувчи томонидан ҳарбий қурилиш отряди (қисми) қўмондонлиги иштирокида текширилади. Баҳтсиз ҳодиса корхона томонидан ҳисобга олинади.

Ҳарбийлаштирилган кон ва газ қутқарувчилари қисмлари шахсий состави билан юз берган баҳтсиз ҳодиса иш берувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ёки «Ўзэнергоназорат» агентликлари органи вакили иштирокида текширилади.

Корхонадаги меҳнатга жалб қилиниб, ишни унинг маъмурий-техник ходими бошчилигига бажараётган ахлоқ тузатиш-меҳнат муассаси (АТММ)да, даволаш-меҳнат ва тарбия-меҳнат профилакториялари (ДМП ва ТМП)да сақланаётган шахслар билан баҳтсиз ҳодиса юз берса, у АТММ, ДМП ва ТМП вакили иштирокида иш берувчи томонидан текширилади. Баҳтсиз ҳодиса корхона томонидан ҳисобга олинади.

АТММ, ДМП ва ТМПларда хўжалик ишларини бажараётган шахс билан, шунингдек, ўзининг ишлаб чиқаришида баҳтсиз ҳодиса юз берса, у Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган тартибда текширилади ва ҳисобга олинади.

Автокорхона ёки бошқа корхона томонидан тузилган йиғма автоколонна таркибида қишлоқ хўжалиги ишларига юборилган автомобиль ҳайдовчиси билан

юз берган бахтсиз ҳодиса шу корхона томонидан текширилади ва ҳисобга олинади. Текширишда ходимни юборган корхона вакили қатнашади.

Корхона ходими раҳбарлигида ишлаб чиқариш амалиёти ўтаётган ёки иш бажараётган ўқувчилар, талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодиса корхона томонидан таълим муассасаси вакили билан биргалиқда текширилади ва корхона томонидан ҳисобга олинади.

Корхона томонидан ишлаб чиқариш амалиёти учун ажратилган участкада ўқитувчилари раҳбарлигида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ёки иш бажараётган ўқувчилар, талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодисалар таълим муассасалари томонидан корхона вакили билан биргалиқда текширилади ва таълим муассасаси томонидан ҳисобга олинади.

Мазкур бўлимнинг **10, 11, 12** ва **13-бандларида** кўрсатилган ҳолларда, тасдиқланган Н-1 шаклидаги далолатноманинг бир нусхаси жабрланувчининг доимий иш, хизмат ёки ўқиши жойига юборилади.

1. Қуйидаги бахтсиз ҳодисалар махсус текширилади:

бир вақтнинг ўзида икки ва ундан зиёд ходимлар билан саломатликка етказилган заарнинг оғирлиги даражасидан қатъи назар, юз берган гурухий бахтсиз ҳодисалар;

ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар;

оқибати оғир бахтсиз ҳодисалар.

2. Гурухий ўлим билан тугаган ва оқибати оғир бахтсиз ҳодиса тўғрисида иш берувчи дарҳол схемага биноан (**3-илова**) қуйидагиларга хабар бериши керак:

давлат меҳнат техника назоратчисига;

юқори турувчи хўжалик органига;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, вилоят (Тошкент шаҳар) меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига;

бахтсиз ҳодиса юз берган жойдаги худудий ички ишлар органига;

бахтсиз ҳодисага учраган ходимни юборган ташкилотга;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига;

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг маҳаллий органига ва «Ўзэнергоназорат» агентлигининг ҳудудий органига, агар баҳтсиз ҳодиса назорати остидаги корхона (объект)да юз берган бўлса;

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчига.

3. Гурухли, ўлим билан тугаган ва оқибати оғир баҳтсиз ҳодисани Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоят (Тошкент шаҳар) бандлик бош бошқармаси буйруғига асосан қўйидаги таркибдаги комиссия маҳсус текширади;

раис — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят (Тошкент шаҳар) (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси ёки Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси вакили ёхуд «Ўзэнергоназорат» агентлиги вакили назорати остидаги корхона (объект);

аъзолар — юқори турувчи хўжалик органи вакили, иш берувчи, II бўлимнинг **7, 10, 11, 12** ва **13-кичик бандларида** кўзда тутилган ҳолларда жабрланувчининг асосий иш жойи касаба уюшмаси қўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органи раиси ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчининг вакили.

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ёки «Ўзэнергоназорат» агентликлари органи назорати остидаги корхона (объект)ларда юз берган гуруҳий ўлим билан тугаган ва оқибати оғир баҳтсиз ҳодисани тегишли Давлат меҳнат инспекцияси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ёки «Ўзэнергоназорат» агентликлари республика ёки маҳаллий органлари буйруғи асосида тузилган комиссия, юқори турувчи хўжалик органи вакили иштирокида текширади. Комиссия раиси қилиб шу орган вакили тайинланади. Комиссия таркибига (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси киради.

Гурухий, ўлим билан тугаган ва оқибати оғир бахтсиз ҳодисалар юз берганида иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи вакиллари таркибида иш берувчининг буйруғи билан ташкил этилган комиссия томонидан Н-1 шаклидаги далолатнома комиссия томонидан маҳсус текшириш далолатномаси тузилгандан сўнг бир сутка ичидаги комиссия хулосаларига мувофиқ расмийлаштирилади.

Икки — тўрт кишининг ўлими билан тугаган бахтсиз ҳодисаларни маҳсус текшириш Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги буйруғига асосан қўйидаги таркибдаги комиссия томонидан олиб борилади:

раис — Ўзбекистон Республикаси (бош) давлат меҳнат техника назоратчisi;

аъзолар — юқори турувчи хўжалик органи раҳбарларидан бири, иш берувчи, касаба уюшмаси қўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органи раиси.

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ёки «Ўзэнергоназорат» агентликлари органи назорати остида бўлган корхона (объект)даги шунга ўхшаш бахтсиз ҳодиса Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат инспекцияси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ёки «Ўзэнергоназорат» агентликлари органининг буйруғи асосида тузилган комиссия томонидан юқори турувчи хўжалик органи раҳбари иштирокида текширилади. Комиссия раиси қилиб, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ёки «Ўзэнергоназорат» агентликлари органининг раҳбарларидан бири тайинланади. Ўзбекистон Республикаси (бош) давлат меҳнат техника назоратчisi комиссия таркибига киради.

Беш ва ундан зиёд киши ўлган бахтсиз ҳодисалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори асосида тузилган комиссия томонидан текширилади.

4. Махсус текшириш комиссияси 15 кун мобайнида бахтсиз ҳодисани текшириб чиқади, корхона (бўлинма, цех)даги меҳнатни муҳофаза қилиш ахволини, агар зарур бўлса, тармоқнинг бошқа корхоналарида ҳам текширишни ташкил этади, махсус текшириш далолатномасини тузади ([4-илова](#)) ҳамда III бўлимнинг [7-бандида](#) кўзда тутилган бошқа ҳужжатларни расмийлаштиради.

Комиссия аъзолари жабрланувчилар ёки уларнинг оила аъзолари билан учрашувлар ташкил этадилар, зарур бўлса тегишли органларга таклифлар киритадилар ёки ижтимоий тусдаги ёрдам масалаларини жойида ҳал қиласидилар, жабрланувчига ёки ўлганинг оила аъзоларига уларнинг хуқуқларини тушунтирадилар.

5. (Бош) давлат меҳнат техника назоратчиси махсус текшириш комиссияси чиқарган хulosалардан норози бўлса, шунингдек, у зарур деб ҳисоблаган бошқа ҳолларда ўз хulosасини чиқаради

Комиссия аъзоси махсус текшириш ўтказаётган комиссия хulosасидан норози бўлганда ўзининг алоҳида фикрини билдириши мумкин.

6. Махсус текшириш комиссияси талабига кўра иш берувчи:

бахтсиз ҳодисани текширишда иштирок этиш учун ўзларининг ораларидан эксперт гуруҳи тузиш мумкин бўлган эксперт-мутахассисларни таклиф қилиши;

техник ҳисоблашлар, лаборатория тадқиқотлари, синовдан ўтказиш ва бошқа ишларни амалга ошириши;

бахтсиз ҳодиса юз берган жойни суратга олиши ва бошқа зарур ҳужжатларни тақдим этиши;

текшириш учун зарур бўлган транспорт ва алоқа воситалари, махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаши;

комиссия аъзолари ишлаши учун уларга жиҳозланган алоҳида хона ажратиб бериши;

бахтсиз ҳодисани махсус текшириш материалларини машинкада ёзишни ва етарли миқдорда кўпайтиришни таъминлаши шартdir.

Техник ҳисоблашлар, лаборатория тадқиқотлари синовдан ўтказиш ва таклиф қилинган мутахассислар амалга ошираётган бошқа ишлар, шунингдек, транспорт ва алоқа воситалари харажатларини баҳтсиз ҳодиса юз берган корхона тўлайди.

Комиссия аъзолари текшириш давомида иш берувчидан, корхона ва унинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари, гувоҳлар ва бошқа шахслардан ёзма ва оғзаки тушунтиришлар олишга ҳақлидирлар.

Изоҳ: Эксперт гуруҳи текшириш комиссияси раисининг фармойишига мувофиқ тузилади. Эксперт хulosасини талаб қилувчи масалалар ва эксперт гуруҳи хulosаси бўлган материаллар ёзма равишда расмийлаштирилади.

7. Maxsus текшириш материалларига қуйидагилар киради:

maxsus текшириш далолатномаси;

ҳар бир жабрланувчига алоҳида тузилган Н-1 шаклидаги далолатнома;

режалар, схемалар, текшириш протоколи ва баҳтсиз ҳодиса юз берган жойнинг фотосуратлари;

йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жой схемаси;

сўроқлар протоколи, жабрланувчининг ва баҳтсиз ҳодисани қўрган гувоҳлар ва бошқа алоқадор шахсларнинг, шунингдек, ГОСТ, ССБТ стандартлари, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрларига риоя қилинишига масъул бўлган мансабдор шахсларнинг тушунтиришлари, эксперт гуруҳи тузиш тўғрисидаги фармойиш ва бошқалар;

жабрланувчиларнинг хавфсизлик техникиси бўйича ўқитилганлиги ва йўриқномалар олганлиги ҳақидаги қайд дафтарларидан кўчирмалар;

жабрланувчига етказилган жароҳатнинг хусусияти ва оғирлиги, ўлимни сабаблари тўғрисидаги тиббий хulosasi;

эксперт гурухининг (зарур бўлганда) баҳтсиз ҳодиса сабаблари ҳақидаги хulosаси, лаборатория ва бошқа тадқиқотлар, тажрибалар, таҳлиллар ва ҳоказоларнинг натижалари;

авария туфайли кўрилган моддий зарап ҳақидаги маълумотнома;

maxsus текшириш комиссияси тузиш ҳақидаги буйруқ ёки қарор;

йўриқномалар, низомлар, буйруқлардан ва меҳнат хавфсизлиги меъёрларини ва унга масъул бўлган шахсларни белгиловчи бошқа далолатномалардан кўчирмалар;

корхона (бўлинма, цех)да меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини текшириш тўғрисидаги маҳсус текшириш комиссиясининг далолатномаси;

зарур бўлган ҳолларда (бош) давлат меҳнат техника назоратчисининг хуносаси.

ўртача ойлик иш ҳақи тўғрисида маълумотнома — етказилган зарарни қоплаш суммасини ҳисоблаб чиқиш учун;

боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги буйруқ нусхаси — ўлим билан тугаган баҳтсиз ҳодиса юз берганда.

8. Маҳсус текшириш тугаганидан сўнг 15 кун мобайнида (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси органи ёки «Ўзэнергоназорат» органи назоратчиси) текшириш материалларини:

гурухий, ўлим билан тугаган ва оқибати оғир баҳтсиз ҳодиса юз берган жойдаги ҳудудий ички ишлар органига юборади;

маҳсус текширишнинг барча материаллари нусхаларини вилоят (Тошкент шаҳар) бандлик бош бошқармасига, Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига, шунингдек, тегишли вазирликка (хўжалик бошқаруви органи), корхонага ва унинг юқори турувчи хўжалик органига, жабрланган ходимни юборган ташкилотга юборади;

Маҳсус текшириш материаллари нусхалари Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси органига ёки «Ўзэнергоназорат» органига, агар баҳтсиз ҳодиса назорати остидаги корхона (объект)да юз берган бўлса юборилади.

9. Баҳтсиз ҳодиса юз берган корхона иш берувчиси (юқори турувчи хўжалик органи раҳбари) маҳсус текшириш материалларини зудлик билан кўриб чиқишига, баҳтсиз ҳодиса келиб чиқиши сабабларини бартараф этиш тўғрисида

комиссия таклиф қилган чора-тадбирларни бажариш ҳақида, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўйича лавозими ва касбига оид вазифаларнинг бажарилмаслиги (бузилиши)га йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақида буйруқ чиқаришга мажбурдир.

Иш берувчи маҳсус текшириш комиссияси таклиф қилган чора-тадбирларнинг бажарилганини ҳақида маҳсус текшириш ўтказишни бошқарган (бош) давлат меҳнат техника назоратчисига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ёки «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси давлат инспекциясининг обьектлар назорати остида бўлган маҳаллий органларига ёзма равишда ахборот беради.

10. Агар жабрланувчи баҳтсиз ҳодиса оқибатида вақтинча иш қобилиятини йўқотган даврда шу баҳтсиз ҳодиса сабабли ўлиб қолса, иш берувчи бу ҳақда дарҳол давлат меҳнат техника назоратчисига ва ушбу Низомнинг III бўлими **2-бандида** кўрсатилган ташкилотларга хабар беришга мажбурдир.

Ушбу баҳтсиз ҳодиса ўлим содир бўлган вақтдан бошлаб ўлим билан тугаган баҳтсиз ҳодиса сифатида ҳисобга олиниши керак.

Баҳтсиз ҳодисалар тўғрисида ҳисбот ва уларнинг келиб чиқиши сабаблари таҳлили

1. Н-1 шаклидаги далолатнома бўйича расмийлаштирилган барча баҳтсиз ҳодисалар ҳисбототга киритилади.

2. Н-1 шаклидаги далолатномалар асосида иш берувчи ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар чоғида жабрланувчилар тўғрисида статистика органи тасдиқлаган шаклларда ҳисбот тайёрлайди ва уни тегишли ташкилотларга белгиланган тартибда тақдим этади.

3. Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар сабабларини таҳлил қилиши, уларнинг меҳнат жамоасида кўриб чиқилишини таъминлаши ва ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг олдини олишга оид чора-тадбирларни амалга ошириши шартdir.

4. Вазирлик, корпорация, уюшма, концерн барча баҳтсиз ҳодисаларнинг ҳисобини ва таҳлилини олиб боради, уни ўзига қарашли корхоналар ва ташкилотларга маълумот учун юборади. Тегишли касаба уюшмаси ёки бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга оид чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилишини назорат қиласди.

5. Ўлим билан тугаган баҳтсиз ҳодиса юқори турувчи касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан биргаликда юқори турувчи хўжалик органларида ва Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ва «Ўзэнергоназорат» агентлиги ҳайъатида (агар баҳтсиз ҳодиса шу орган назорати остидаги обьектда юз берган бўлса) (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси иштирокида муҳокама қилинади.

6. Икки ва ундан зиёд киши ҳалок бўлган баҳтсиз ҳодиса Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳайъатида, вилоят (Тошкент шаҳар) бандлик бош бошқармаси кенгашида, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ёки «Ўздавэнергоназорат» давлат инспекцияси ҳайъатида, баҳтсиз ҳодиса шу орган назорати остидаги корхона (объект)да юз берган бўлса, бош давлат меҳнат техник инспектори иштирокида кўриб чиқиласди. Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳайъати, вилоят (Тошкент шаҳар) бандлик бош бошқармаси кенгаши чиқарган қарор бажарилиши шартдир.

7. Баҳтсиз ҳодиса юзасидан маҳсус текшириш олиб бораётган (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси талабига биноан худудий ички ишлар органлари, соғлиқни сақлаш органлари (суд-тиббий экспертиза), йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати, ёнғин хавфсизлиги давлат хизмати З суткадан кечиктирмай, баҳтсиз ҳодисага тааллуқли хужжатлар ва материаллар нусхаларини тақдим этишлари шартдир.

8. Худудий ички ишлар органлари Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекциясига, Ўзбекистон Республикаси

Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ва «Ўзэнергоназорат» агентлиги органига ишнинг бориши тўғрисида ахборот бериб турадилар.

9. Ушбу Низомни бузишда айбланувчилар мавжуд қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Н-1 шакли

Иш берувчи

(имзо, имзо ёйилмаси)

19 ____ йил _____

корхона мухри

Бир нусхадан юборилади:

- жабрланувчига (ўлган бўлса оиласига);
- меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари (муҳандиси, мутахассиси)га;
- бош давлат меҳнат техника назоратчисига

ДАЛОЛАТНОМА№

Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса ва саломатликка бошқа хил зарар етказилиши тўғрисида

1. Корхонанинг

номи _____

1.1. Корхонанинг манзили

(вилоят, шаҳар, туман, кўча, уй)

1.2. Мулкчилик шакли

(давлат, акциядорлик, хусусий ва ҳоказо)

1.3. Баҳтсиз ҳодиса юз берган жой

(бўлинма, цех)

2. Вазирлик, хўжалик бошқаруви органи

3. Ходимни йўллаган корхона

(номи, манзили, вазирлик

хўжалик бошқаруви органи)

4. Жабрланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми

5. Жинси: эркак, аёл (тагига чизилсін)
6. Ёши (түлиқ үйлар сони күрсатылсın)

7. Касби, лавозими

7.1. Разряди, класси

8. Бахтсиз ҳодиса юз берганда бажарылаётган иш бўйича иш стажи _

9. Мехнат хавфсизлиги бўйича йўриқнома, ўқитиш:

9.1. Кириш йўриқномаси (сана)

9.2. Мехнат хавфсизлиги бўйича ўқитиш (сана)

9.3. Дастлабки (даврий) йўриқнома (сана)

9.4. Ўта хавфли ишлар учун билимларни текшириш (сана)

9.5. Ишга кираётганида ва даврий тиббий кўриқдан ўтганлиги

10. Бахтсиз ҳодиса юз берган сана ва
вакт _____

(йил, кун, ой)

(иши бошлишдан тўлиқ соатлар сони)

11. Бахтсиз ҳодиса ҳолати

11.1. Бахтсиз ҳодиса сабаблари

11.2. Жароҳат етказилишга сабаб бўлган асбоб-ускуна

11.3. Жабрланувчининг ҳушёрги (алкоголь ёки наркотиклар таъсиридалиги)

(тиббий хулосага биноан)

11.4. Ташхис

(дастлабки, охирги)

12. Бахтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш тадбирлари:

13. Мехнат тўғрисидаги қонунчилик, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари бузилишига йўл қўйган шахслар

(Ф.И.Ш., лавозими, корхона номи)

(улар томонидан бузилган қонунлар, қоидалар ва

меъёрий ҳужжатларнинг моддалари, бандлари)

14. Бахтсиз ҳодиса гувоҳлари

Далолатнома

тузилди _____

(йил, кун, ой)

Комиссия раиси _____

(Ф.И.Ш., имзо)

Комиссия аъзолари

(Ф.И.Ш., имзо)

Н-1 шаклдаги далолатномани тўлдириш

7-банд. Агар жабрланувчи бир неча касб эгаси бўлса, унда бахтсиз ҳодиса юз берганда бажараётган касби кўрсатилади.

8-банд. Иш стажининг тўлиқ йиллар сони кўрсатилади, агар иш стажи бир йилдан кам бўлса, унда ой ва кунлар сон кўрсатилади.

11.1-банд. Бахтсиз ҳодисанинг асосий техник ва ташкилий сабаблари — асосийси биринчи бўлиб, қолганлари аҳамиятига яраша тартибда кўрсатилади.

11.2-банд. Жароҳатга сабаб бўлган асбоб-ускунанинг номи, тури, русуми, чиқарилган йили, тайёrlанган корхона номи.

11.3-банд. Суд-тиббий муассаса маълумотномаси (хуносаси)га асосан жабрланувчининг хушёрглиги (алкоголь ёки наркотиклар таъсиридалиги) кўрсатилади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни қайд қилиш ДАФТАРИ

(корхона, муассаса, ташкилот номи)

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса тўғрисида хабар бериш СХЕМАСИ

Олдинги таҳрирга қаранг.

1. Корхона, юқори турувчи хўжалик органи, вазирлик, хўжалик бошқаруви органи номи.

(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 июлдаги 134-сон қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 26-27-сон, 213-модда)

2. Ҳодиса юз берган сана, вақт, жой, бажарилаётган иш ва бахтсиз ҳодиса юз бергандаги ҳолатнинг қисқача тавсифи.

3. Жабрланувчилар, шу жумладан, ҳалок бўлганлар сони.

4. Жабрланувчи (ҳалок бўлган)нинг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши, касби, лавозими.

5. Хабар юборилган сана, вақт, хабарни имзолаган шахснинг фамилияси, лавозими.

Бахтсиз ҳодиса (ҳалокат)ни маҳсус текшириш ДАЛОЛАТНОМАСИ

Олдинги таҳрирга қаранг.

19 ____ йил «_____» соат _____
минутда

(жабрланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми)
билин юз берган

(гурухий, ўлим билан тугаган, оқибати оғир)

(касби, лавозими, иши жойи,
корхона, юқори турувчи хўжалик органи, вазирлик,
хўжалик бошқаруви органи номи)

(буйруқ)
асосан қуидаги таркибда тузилган комиссия:
раис _____

(Ф.И.Ш., лавозими, иши жойи)

комиссия аъзолари:

(Ф.И.Ш., лавозими, иши жойи)

таклиф этилган мутахассислар иштирокида

• (Ф.И.Ш., лавозими, иши жойи)

19 ____ й. «_____» дан 19 ____ й. «_____» гача мазкур
бахтсиз ҳодисани маҳсус текширди ва ушбу далолатномани тузди.

Жабрланувчи (жабрланувчилар) ҳақида маълумотлар

Фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, касби, лавозими, умумий ва касб бўйича (шу жумладан, ушбу корхонадаги) иш стажи, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш, йўриқномалар бериш, билимларни текшириш вақти, жабрланувчининг оиласи аҳволи, қарамоғидаги оила аъзолари ҳақидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми) туғилган йили, жабрланувчи билан қариндошлик муносабатлари).

Корхона, бўлинма, цех, иш жойининг тавсифи

Бахтсиз ҳодиса юз берган жойни қисқача тавсифлаб, жабрланувчига қайси хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омиллари таъсир қилган бўлиши мумкинлигини кўрсатиш керак.

Агар бахтсиз ҳодиса объектдаги ҳалокат натижасида юз берган бўлса, далолатномага қуидагилар қўшимча қилиб киритилади:

объект тавсифи (қозонлар ва қўтарма иншоотлар объектлари учун объект номи ва хили, унинг асосий ўлчовлари, завод берган тартиб рақами, тайёрловчи завод, тайёрланган ва ўрнатилган йили, сўнгти текширувдан ўтгани, шунингдек, тайинланган текширувдан ўтиш муддати);

ҳалокат тоифаси ва тавсифи ҳақида маълумотлар;

нобуд бўлган маҳсулотлар (натура ифодасида ва сўм ҳисобида), ҳалокат натижасида етказилган зарар (сўм ҳисобида).

Бахтсиз ҳодисанинг шарт-шароитлари

Бахтсиз ҳодиса юз беришигacha нималар бўлгани, меҳнат жараёни қандай кечгани, бу жараёнга ким бошчилик қилганини кўрсатиш, жабрланувчи (жабрланувчилар) ва бахтсиз ҳодисага алоқадор бўлган бошқа шахсларнинг хатти-ҳаракатларини тавсифлаш, воқеалар изчилигини баён қилиш, жароҳатланишга сабаб бўлган хавфли (заарли) ишлаб чиқариш омили, машина, асбоб ёки ускунани кўрсатиш зарур.

Бахтсиз ҳодиса сабаблари

Бахтсиз ҳодисанинг асосий техник ва ташкилий сабабларини кўрсатиш, меҳнат қонунчилиги, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари, лавозим йўриқномалари, ишларни бехатар олиб бориш бўйича меъёр ва йўриқномаларнинг аниқ қайси талаблари бузилганлигини (тегишли моддалар, бандларга ҳавола қилинган ҳолда), шунингдек, давлат андозалари бузилганини баён қилиш, қайси хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омили белгиланган меъёр ва даражалардан ошиб кетганлигини кўрсатиш керак.

Бахтсиз ҳодиса сабабларини, аниқланган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари бузилишларини бартараф этиш чора-тадбирлари

Комиссия таклиф этган чора-тадбирлар қўйидагилардан иборат бўлиши керак:

бахтсиз ҳодисали ҳалокат оқибатларини йўқотиш чоралари;

бахтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш ва яна шундай ҳодиса юз берининг олдини олиш чоралари;

улар илова қилинаётган шаклдаги жадвал ёки матнда чора-тадбирлар мазмунни, бажариш муддати ва масъул шахслар қўрсатилган ҳолда баён қилиниши мумкин.

| | | |
|----------------|-----------------|---------------------|
| Чора-тадбирлар | Бажариш муддати | Бажарилишига масъул |
|----------------|-----------------|---------------------|

Комиссиянинг меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари бузилишига йўл қўйган шахслар тўғрисидаги хуносаси

Бу бўлимда хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлеклари бахтсиз ҳодиса (бахтсиз ҳодисали ҳалокат) га олиб келган жавобгар шахслар номини қўрсатиш, улар риоя қилмаган, белгиланган тартибда тасдиқланган қонунчилик, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қоидалар ва меъёрий хужжатлар, лавозим йўриқномалари ва бошқа меъёрий хужжатлар моддалари, бандлари қўрсатилиши керак. Текшириш комиссияси томонидан жавобгар шахсларга нисбатан жазо чоралари юзасидан таклифлар қилинади. Таклиф этилган жазо чоралари жиноий жавобгарликдан (вужудга келган тақдирда) озод қилмайди. Махсус текшириш далолатномасида комиссия аъзолари жабрланувчи(лар) ёки уларнинг оила аъзолари билан учрашганлари, моддий ёрдам қўрсатиш ва ижтимоий тусдаги масалаларни жойида кўриб чиқканлари, мавжуд қонунчиликка мувофиқ уларнинг қонуний хуқуқларини тушунтириб берганлари ёзилиши керак.

Комиссия раиси _____

(Ф.И.Ш., сана, имзо)

Комиссия аъзолари _____

(Ф.И.Ш., сана, имзо)

**(Бош) давлат меҳнат техника назоратчисининг
ХУЛОСАСИ**

19 ____ йил «____» ____ соат ____ минутдаги

(жабрланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

(жабрланувчининг лавозими ёки касби, корхона, юқори турувчи хўжалик

органи, вазирлик, хўжалик бошқаруви органи номи, жабрланувчининг лавозими ёки касби)

Комиссия томонидан _____ йилдан _____ йилгача ўтказилган махсус текшириш материаллари асосида қуидаги хulosага келдим, яъни

Бундан кейин (бош) давлат меҳнат техника назоратчisi махсус текшириш олиб борган комиссиянинг қандай хulosалари билан келиша олмаслигини қуидагиларга мувофиқ асослаб беради:

комиссия сўроқ қилмаган ёхуд ўзининг дастлабки кўрсатмасига ўзгартириш киритмоқчи бўлган баҳтсиз ҳодиса гувоҳларидан олинган қўшимча тушунтиришлар;

жабрланувчига етказилган жароҳатлар тавсифи, ўлими сабаблари тўғрисида тиббий хulosса;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қоидалар ва меъёрий хужжатларнинг қайси талабларига амал қилинмагани учун баҳтсиз ҳодиса юз беришига шароит яратилганлиги;

бошқа эксперт гурухларининг хulosаси;

мазкур баҳтсиз ҳодисага алоқаси бўлган бошқа хужжатлар.

Асослаб берганидан сўнг (бош) давлат меҳнат техника назоратчisi махсус текшириш далолатномасининг қайси бўлими (бўлимлари) ушбу баҳтсиз ҳодисага алоқаси бўлган қўшимча ахборот (хужжатлар) ҳисобга олинмаган ҳолда баён этилган деб ҳисобласа, шу бўлим (бўлимлар)ни ифодалаб бериши керак.

(Бош) давлат меҳнат техника назоратчisi хulosаси, зарур ҳолларда Н-1 шаклидаги далолатнома мазмунини баҳтсиз ҳодисани қўшимча текшириш

натижасида белгиланган маълумотларга мувофиқлаштириб, қайта тузиш тўғрисида иш берувчига қўйилган талаб билан тугатилади.

Хулоса (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси бланкасида тузилади ва ушбу Низомнинг III бўлими **8-бандида** кўрсатилган инстанцияларга юборилади.

Назорат саволлари

11. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисани текшириш қайси хужжат асосида қандай амалга оширилади?
12. Баҳтсиз ҳодисалар ва касб қасалликлардан ходимларни мажбурий давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказиш қайси хужжат асосида қандай амалга оширилади?
13. Ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган заарнинг ўрнини юридик шахс қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда қоплаш.
14. Қандай баҳтсиз ҳодисалар ишлаб чиқаришга оид деб текширилади ва ҳисобга олинади?
15. Иш куни давомида жабрланувчи ҳақида ҳабар берилмаган ҳолларда баҳтсиз ҳодисалар қандай текширилади ва ҳисобга олинади?
16. Ташкилотларда ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ўқувчи ва талабаларга оид содир бўладиган баҳтсиз ҳодисалар ким томонидан текширилади ва ҳисобга олинади?
17. Ўриндошлиқ асосида ишлайдиган шахслар билан содир бўладиган баҳтсиз ҳодисалар ким томонидан текширилади ва ҳисобга олинади?
18. Бир худудда бир неча ташкилотлар томонидан қурилиш ишлари олиб борилаётган ҳолларда содир бўладиган баҳтсиз ҳодисалар ким томонидан текширилади ва ҳисобга олинади?
19. Ташкилот худудида автотранспорт хайдовчиси айби билан содир этиладиган баҳтсиз ҳодисалар ким томонидан текширилади ва ҳисобга олинади?
20. Қандай баҳтсиз ҳодисалар маҳсус текширувдан ўтказилади ва ҳисобга олинади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири) 2016 йил 22 сентябрь, ЎРҚ-410-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.
3. “Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида” Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг.
4. “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш” Коидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарори.
5. X.Рахимова, А.Аъзамов, Т.Турсунов. Меҳнатни муҳофаза қилиш.Т. – “Ўзбекистон” -2003.
6. F.Ёрматов ва бошқалар Мехнатни муҳофаза қилиш: Дарслик - Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2002 - 345 б.
7. Friend, Mark A.Fundamentals of occupational safety and health Mark A. Friend and James P.Kohn. Government Institutes. An imprint of.The Scarecrow Press, Inc. Lanham, Maryland • Toronto • Plymouth, UK-2007.—4th ed.

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот:Мехнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш ва билимларни синаш бўйича хужжатларни расмийлаштириш тартиби.

Машғулотнинг мақсади. Ишловчиларни касбий танланиши, ишларни бажаришда касбий ва психофизиологик яроқлигини ўрнатувчи кўзда тутилган амалдаги норматив ҳукуқий хужжатларга мувофиқлигини ўрганиш.

Мехнат хавфсизлиги бўйича юқори талаблар кўйилган касб ва ишлар турини хавфсиз усул ва услубиятларига ўқитиш, ташкилот иш берувчиси тасдиқлаган ва ташкилотнинг касаба уюшмаси билан келишилган шу ташкилотнинг ўзига хос программалари асосида олиб бориш керак.

Мехнат хавфсизлиги бўйича юқори талаблар кўйилган ишларни бажаришга, ёши 18 ёшдан кам бўлмаган, касбий малакага эга, ишларни хатарсиз бажариш бўйича ўқитилган ва ишларни бажариш ҳукуқига эга имтиҳон топширган шахсларга рухсат берилади. “Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхати” (рўйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль). Хавфсизлик техникаси бўйича ўтказиладиган инструктажларнинг мақсади, вазифаси, турларининг ўтказилиш вақти ва тартибини ўрганиш ҳамда уларни хужжатлаштириш бўйича амалий кўнилмалар ҳосил қилиш.

Машғулот режаси

Хавфсизлик техникаси бўйича инструктажларнинг мақсади ва вазифаси.

Хавфсизлик техникаси бўйича инструктажларнинг турлари, мазмуни ва хужжатлаштириш тартиби.

Топшириқ. Хавфсизлик техникаси бўйича инструктажларнинг тури, таркиби ва мазмуни билан танишинг. Уларни ўтказиш бўйича юритилиши лозим бўлган журнал (1-4 илова)ларни тўлдиринг.

Назарий қисм

Хавфсизлик техникаси бўйича инструктажларнинг мақсади ва вазифаси.

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва саноат корхоналарида касб касалликлари ва жароҳатланишга олиб келадиган омилларни бутунлай йўқотиш саноат корхоналари раҳбарлари олдига қўйилган асосий вазифа ҳисобланади.

Ҳозирги замон фан ва техникасининг ўсиши янгидан янги технология ва машина-механизмларнинг жорий этилиши, ишлаб чиқаришда ишлаётган ҳар бир ходимнинг юқори малакали, техника қонунларини тушунадиган ва унга амал қиласиган бўлишларини талаб қиласиди. Ҳозирги вақтда ишчилар хавфсизлигини таъминлаш борасида қанчадан-қанча тавсияномалар, қоида ва нормалар ишлаб чиқилган бўлишига қарамасдан саноат корхоналарида баҳтсиз ҳодисаларнинг бутунлай йўқолиб кетишини таъминловчи шароит мавжуд эмас.

Бундан ташқари саноат корхоналарининг хилма-хиллиги, ҳаттоқи маълум бир корхонада ҳам иш шароити бир-бирига ўхшаш иккита цехни топиш амри маҳол эканлиги, умумий саноат корхоналари хавфсизлигини таъминловчи, тартибга солинган рецепт ишлаб чиқариш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ҳар бир саноат корхонаси ўзи учун меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган инструктажлар системаси ташкил қилинган ва бу системалар ишчиларнинг хавфсизлигини таъминловчи иш усулларини ўргатиш билан ишчининг меҳнат хавфсизлигини сақлаш чоратадбирларини ҳам ўз ичига олади.

Инструктажларни асосан икки гурӯҳга бўлиб қараш мумкин:

- 1) кириш инструктажи;
- 2) иш жойидаги инструктаж.

Иш жойидаги инструктаж ўз навбатида қўйидагиларга бўлинади:

- бирламчи инструктаж;
- даврий инструктаж;
- навбатдан ташқари инструктаж;
- мақсадли инструктаж.

Саноат корхоналарининг ҳаммасида иш категорияси ва хавфли даражаси қандай бўлишига қарамай барча ишчи ва хизматчилар иш даври, мутахассислиги ва малакасидан қатъий назар инструктаждан ўтишлари шарт.

Кириш инструктажи. Ишга янги кираётганлар учун ўтказилади. Бу инструктажнинг асосий мақсади ишга кираётган кишини меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси тўғрисида маълумот бериш, уни саноат корхонаси майдонлари ва цехларидаги тартиб-қоидалардан хабардор қилишдир. Кириш инструктажи яхши жиҳозланган ва қўргазмали қуроллар ўрнатилган меҳнатни муҳофаза қилиш хонасида, хавфсизлик техникаси инженери томонидан ўтказилади.

Кириш инструктажи вақтида ишга кираётган ишчи қўйидаги ҳолатлар билан таништирилиши шарт: Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш қонуниятлари асослари, саноат корхонасида йўлга қўйилган ички тартиб қоидалари, саноат корхонаси майдонида ва цехларида ўзини тутиш қоидалари, саноат корхонасидаги хавфсизлик техникасининг умумий талаблари, иш жойини ташкил қилиш, ишчига топширилган машина ва механизmlарни сарамжон ва озода сақлаш қоидалари, маҳсус иш шароитини ташкил қилинган айрим цех ва бўлимлар билан таништириш, баҳтсиз ҳодисаларни олдини олиш қоидаларини тушунтириш, бунда асосий диққат эътиборни ҳар хил эритувчилар, кислоталар, енгил алангаланувчи суюқликлар, сиқилган ҳаво, электр токи ҳавфи мавжуд бўлган цехларга қаратиш керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоида, нормаларининг бузилиши натижасида вужудга келган баҳтсиз ҳодисалар ҳақида маълумотлар берилиши керак. Баҳтсиз ҳодиса рўй берганда ўзини қандай тутиш ҳақида тушунча берилади, алкоголли ичимликлар баҳтсиз ҳодисага олиб келиши ҳақида айтиб ўтилиши шарт. Маҳсус кийим бош, маҳсус оёқ кийими ва шахсий муҳофаза воситаларидан фойдаланиш қоидалари, санитар-гигиена шароитларига эътибор бериш, санитар майший хоналардан фойдаланиш тартиби, баҳтсиз ҳодиса рўй берганда, баҳтсиз ҳодисага учраган кишига врач келгунга қадар ёрдам кўрсатиш усувлари ҳақида маълумот берилади.

Кириш инструктажи ўтказилганлиги ҳақида кириш инструктажи журналига қайд қилинади. (1-илова).

Иш жойидаги инструктаж:

Бирламчи инструктаж. Ишга янги кирган, бир ишдан иккинчи ишга ўтказилган, бир машинадан иккинчи машинага, бир участкадан иккинчи участкага ўтказилган, агар бу ўтказишилар вақтинча бўлишидан қатъий назар иш жойидаги инструктаждан ўтказилиши шарт.

Бирламчи инструктажда қуйидагилар тушунтирилиши керак: ишчининг доимий ишлаш жойи, цехдаги технологик жараён ва хавфли участкалар, ишчининг доимий ишлаши зарур бўлган машинанинг ёки станокнинг тузилиши, машинанинг хавфли жойлари, муҳофаза қурилмалари ва бошқа сақловчи воситалар, уларнинг вазифаси ва улардан фойдаланиш қоидалари. Ишга тайёрланиш қоидалари, станокнинг созланганлигини текшириш, юргизиш ўчириш асбобларининг ишлаши, станокнинг ерга уланганлиги, ёрдамчи ва асосий қуролларнинг мавжудлиги. Шахсий муҳофаза аслаҳаларининг вазифалари ва улардан фойдаланиш қоидалари, иш кийимлари, маҳсус кийимлар, оёқ кийимлари ва бош кийимларга қўйиладиган талаблар.

Иш жойини ташкил қилиш бунда материал ва тайёр маҳсулотларни жойлаштириш, иш жойларини ифлос ва кераксиз нарсалар билан тўлиб кетишига йўл қўймаслик, йўллар, ўтиш жойлари ва иш жойларини тўсиб қўймаслик.

Транспорт воситалари, кўтариш кранлари ва механизmlарни ишлатиш қоидалари ва бошқа ёрдамчи воситалардан фойдаланиш тартиблари.

Бахтсиз ҳодисалар келиб чиқиши мумкин бўлган иш усулларини қўллашни тақиқлаш ва касб касалликларига олиб келиши мумкин бўлган саноат заарли моддалари ҳақида тушунча бериш ва улардан сақланиш усулларини кўрсатиш.

Инструктаж ўтказаётганда аввало одатдаги иш шароитида ишчи ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида маълумот берилади. Лекин саноат корхоналарида баъзи бир ҳаддан ташқари ҳолатлар ҳам юз бериб қолиши мумкин. Масалан авария, ёнғин ва бошқа ҳолларда ишчи ўзини қандай тутиши, тез ҳаракат қилиши муҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун мана шундай ҳолатларда қандай ҳаракат қилиш кераклиги ҳақида ҳам маълумот берилиши керак.

Иш жойидаги инструктажни мастер ёки бригадир ўтказади.

Даврий инструктаж. Бу инструктажни ўтказиши вақтини фабрика, завод касаба уюшмаси комитетлари билан келишган ҳолда, саноат корхонасининг раҳбари белгилайди. Бу инструктажнинг мазмуни бирламчи инструктаж мазмуни билан бир хил. Инструктажнинг кириш инструктажи сингари ҳамма ишчилар иш стажи, малакаси, разрядидан қатъий назар ўтказилиши шарт.

Навбатдан ташқари инструктаж. Бу инструктаж технологик жараённинг ўзгариши, янги машина ва станоклар киритилиши ва янги материаллардан фойдаланиш натижасида иш шароитининг ўзгариши сабабли ишчиларнинг хавфсизлигини сақлаш учун билимлари етишмаслиги сезилганда ўтказилиши мумкин.

Бундан ташқари бу инструктаж баъзи бир ишчилар хавфли иш усулларидан фойдаланаётганлиги сезилса, меҳнат интизоми ёки хавфсизлик техникаси қоидалари бузилса ёки ишчи ишлаётган жойидан бирор-бир сабаб билан (масалан касаллик, таътил) узилиш рўй берса, шунингдек иш жойларида касб касалларни ва бахтсиз ҳодисалар юз берса ўтказилиши мумкин.

Шу саноат корхонасига ўхшаш корхонада авария сабабли бахтсиз ҳодиса рўй берганлиги ҳақида хабар эшитилгандан кейин ҳам, навбатдан ташқари инструктаж ўтказилади.

Мақсадли инструктаж. Мақсадли инструктаж бир марталик иш бажариш яъни ишчининг вазифасига кирмайдиган (юк ортиш, тушириш, территорияни тозалаш, корхона территориясидан ташқаридаги ишлар), ҳамда аварияни олдини олиш, табиий оғатларни бартараф этиш ва наряд-допуск билан бажариладиган хавфли ишлар учун иш бошлишдан олдин ўтказилади. Бу инструктаж ўтказилганлиги ҳақидаги маълумот наряд-допускка ёзиб қўйилади. Иш жойидаги инструктаж ўтказилганлиги ҳақида иш жойидаги инструктаж журналига қайд қилинади. (2-илова).

1-и л о в а

Кириш инструктажини рўйхатга олиш журнали шакли

Титул варақ

Ташкилот/Организация

**МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ БЎЙИЧА КИРИШ
ИНСТРУКТАЖИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ РЕГИСТРАЦИИ
ВВОДНОГО ИНСТРУКТАЖА ПО ОХРАНЕ ТРУДА**

Бошланди « » 20 й.
Начато

Кейинги вараги

| Инструктажни ўтказиш санаси | Инструкта ждан ўтувчининг фамилияси, исми, отасининг исми | Касби, лавозими | Инструктаждан ўтувчини йўналтирила ётган ишлаб чиқариш бўлинмасини нг номи направляется инструктируемый | Инструктаж ўтказувчины фамилияси, исми, отаси исмининг бош харфлари | Инструктаж дан ўтувчини | Инструктаж ўтказувчи ини | Имзоси |
|-----------------------------|---|-----------------|---|---|-------------------------|--------------------------|--------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |

| | | | | | | |
|--|--|--|--|--|--|--|
| | | | | | | |
| | | | | | | |

2-и л о в а

Титул вараг

Иш жойидаги инструктажни рўйхатга олиш журнали шакли

Ташкилот/Предприятие

ИШ ЖОЙИДАГИ ИНСТРУКТАЖНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ЖУРНАЛИ

(таркибий бўлинманинг номи)

Бошланди « » 20 й.
Начато

Кейинги вараги

ходимларнинг

(таркибий бўлинманинг номи)

РЎЙХАТИ

| Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари | Касби, лавозими | Инструктаж ёзилган саҳифанинг рақами | Эслатма |
|--|-----------------|---|---------|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |

Кейинги вараги

Фамилияси, исми, отасининг исми

Касби (лавозими)

| Инструктажнинг тури, сабаби, ўтказилиш санаси | Инструктаж бериш мавзуси (инструктажни ўтказишдаги масалалар) | Инструктаждан ўтувчининг | Инструктажни ўтказувчининг | Инструктажни ўтказувчининг фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари, лавозими | | | | | |
|---|---|--------------------------|----------------------------|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Имзоси | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |

Назорат саволлари

1. Хавфсизлик техникаси бўйича инструктажлар ўтишдан мақсад нима?
2. Инструктажлар қандай турларга бўлинади?
3. Кириш инструктажининг мазмунин нимадан иборат?
4. Иш жойидаги инструктаж ким томонидан ва қаерда ўтказилади?
5. Вақти-вақти билан ўтказиладиган инструктаж ўтказиш вақтини белгилашда қандай омиллар асос қилиб олинади?
6. Навбатдан ташқари инструктаж қандай ҳолатларда ўтказилади?
7. Мақсадли инструктаж қандай ҳолларда ўтказилади?
8. Барча турдаги инструктажлар учун нечта журнал юритилади?

Фойдаланилган адабиётлар ва ахборот ресурслари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни (янги тахрири) 2016 йил 22 сентябрь, ЎРҚ-410-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси.
3. “Мехнат муҳофазаси бўйича ўқишиларни ташкил қилиш ва билимларни

4. Г.Ёрматов ва бошқалар Мехнатни муҳофаза қилиш: Дарслик - Тошкент,
Ўзбекистон нашриёти, 2002 - 345 б.
5. Руководство по охране труда на предприятиях Юнусов Б.Х., Парсегова Л.Т.
и др. - Издательство «Фарғона», 2004 – 332 с.
6. ГОСТ 12.0.004-90 Межгосударственный стандарт “Организация обучения
безопасности труда”.

2-амалий машғулот: Мехнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиши тартиби.

Машғулотнинг мақсади. Мехнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларнинг вазифаси, таркиби ва мазмуни билан танишиш ҳамда уларни тузиш бўйича амалий кўнималар ҳосил қилиш.

Ташкилот раҳбари ҳамма ишловчиларни меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномалар билан таъминлаши керак. Мехнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни мазмуни, ишлаб чиқиши тартиби, келишуви, тасдиқлаш ва қайта кўриб чиқиши “Мехнат муҳофазаси бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиши тўғрисида”ги Низомига биноан бажарилади (рўйхат рақами 870, 2000 йил 7 январь).

Машғулот режаси

- I. Умумий қоидалар
- II. Йўриқномаларнинг тузилиши ва мазмуни
- III. Йўриқномаларни ишлаб чиқиши, келишиши ва тасдиқлаш тартиби
- IV. Йўриқномаларни расмийлаштириш тартиби
- V. Йўриқномаларни текшириш ва қайта кўриб чиқиши
- VI. Йўриқномаларни рўйхатдан ўтказиш, кўпайтириш ва ҳисобга олиш

Топшириқ. Ихтиёрий танланган касб ёки иш тури учун меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқнома тузиш.

I. Умумий қоидалар

1. Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқнома ходимлар учун норматив хужжат бўлиб ишлаб чиқариш биноларда, ташкилот худудида, қурилиш майдончаларда ҳамда ишлар ва хизмат мажбуриятлари бажариладиган бошқа жойларда ходимлар учун хавфсизлик талабларини белгилайди.

2. Йўриқномалар намунавий (тармоқ) (кейинги ўринларда Намунавий йўриқномалар деб юритилади) ва ташкилот, участка ва муайян иш ўринлари ходимлари учун йўриқномалар (кейинги ўринларда Йўриқнома деб юритилади) бўлиши мумкин.

3. Йўриқномалар муайян касблар (электр пайвандчилар, дастгоҳчилар, чилангандар, электрсозловчилар, фаррошлар, лаборантлар, сут соғувчилар ва бошқалар) ҳамда муайян иш турлари учун (баландликдаги ишлар, ўрнатиш, созла, таъмирлаш ишлари, синовлар ўтказиш ва бошқалар) ишлаб чиқилиши мумкин.

Йўриқномалар портлатиш ишлари, юк кўтарувчи машина, қозонхоналар, босим остида ишлайдиган идишлар, электр қурилмалар ва ускуналарга хизмат кўрсатувчи ходимларга, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари тармоқлараро ва тармоқ норматив хужжатларда, Давлат назорати органлари томонидан тасдиқланган маҳсус қоидаларда, меъёр ва йўриқномаларда белгиланган бошқа ходимлар учун ҳам ишлаб чиқилиши лозим.

4. Йўриқномаларга фақат ходимлар ўзи бажарадиган ишлар ҳамда меҳнат хавфсизлигига тегишли бўлган талаблар киритилиши лозим.

5. Намунавий йўриқномалар Ўзбекистон Республикасининг меҳнат, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилиги, меҳнат хавфсизлиги стандартлари, тармоқлараро ва тармоқ меъёрлари ва қойдалари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бошқа норматив, норматив-техник ва ташкилий-услубий хужжатларига мос ҳолда ишлаб чиқилади. Уларда айрим корхоналарнинг маълум бир шароитлари ҳисобга олинмайди.

Намунавий йўриқномаларнинг амал қилиш муддати тегишли меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларнинг амал қилиш муддати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

6. Ходимлар учун йўриқномалар мазкур низом, намунавий йўриқномалар, ушбу корхонада ишлатиладиган асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчиларнинг фойдаланиш ва таъмирлаш хужжатларида кўрсатилган хавфсизлик талаблари, шунингдек муайян ишлаб чиқариш шароитларини ҳисобга олган ҳолда корхоналарнинг технологик хужжатлари асосида ишлаб чиқилади.

Намунавий йўриқномалар бўлмаганда ходимлар учун йўриқномалар юқорида кўрсатилган хужжатлар асосида мазкур корхонанинг ўзига ҳос шароитлари ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Йўриқномада юқорида кўрсатилган хужжатларнинг талабига зид бўлган қоидалар бўлмаслиги лозим.

7. Ходимлар учун йўриқномалар талаблари мажбурийдир. Мазкур талабларни бажармаслик ишлаб чиқариш интизомининг бузилиши деб ҳисобланади.

8. Ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ўрганиш корхона раҳбари (иш берувчи) томонидан таъминланади.

Ходимлар томонидан йўриқномаларнинг бажарилиши устидан доимий назорат иш берувчига, корхона, муассаса, ташкилот (кейинги ўринларда – ташкилот деб юритилади), унинг таркибий бўлинмалари, цех, участка раҳбарларига, усталар, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматига (бўлим, бюро, инженер) ва бригадирларга юклатилади.

II. Йўриқномаларнинг тузилиши ва мазмуни

9. Ҳар бир йўриқноманинг номи ва рақами белгиланиши керак. Йўриқноманинг номида қайси касб ёки ишнинг тури учун у мўлжалланган.

Ходимлар учун йўриқномалар, масалан “Газпайвандчи учун меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномаси”, “Баландликда ишларни бажариш учун меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномаси” деб номланиши мумкин.

10. Йўриқноманинг матни ўз номига эга бўлган бобларга (бўлимларга) бўлиниши керак. Боблар (бўлимлар) бандлардан иборат бўлади. Зарур бўлган ҳолларда бандлар кичик бандларга бўлиниши мумкин.

11. Йўриқноманинг талаблари технологик жараённинг кетма-кетлигига мувофиқ ва ушбу иш бажариладиган шароитларни ҳисобга олган ҳолда баён этилиши керак.

12. Ходимлар учун йўриқнома қўйидаги бўлимлардан иборат бўлиши лозим:

умумий хавфсизлик талаблари;

иш бошлидан олдин хавсизлик талаблари;

иш вақтидаги хавфсизлик талаблари;

фавқулодда вазиятларда (авария ҳолатларда) хавфсизлик талаблари;

иш якунида хавфсизлик талаблари.

Изоҳ: Ҳурурият бўлган ҳолларда йўриқномаларга қўшимча бўлимлар киритилиши мумкин. Масалан, намунавий йўриқномаларда республиканинг меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг тегишли қоидалари, қонун чиқарувчи органларнинг кўрсатмалари, мазкур намунавий йўриқнома асосида ишлаб чиқиладиган ходимлар учун йўриқномаларда хавфсизлик талабларини баён этишининг услубий хусусиятларини ифода қиласидиган “Кириш” бўлими қўзда тутилиши мумкин. Мазкур бўлимда йўникномани ишлаб чиқишида ҳисобга олинадиган норматив хужжатларга ҳаввалар, хужжатлар рўйхати ва ўз кучини йўқотган хужжатлар рўйхати берилиши мумкин.

13. Йўриқноманинг “Умумий хавсизлик талаблари” бўлимида қўйидагилар:

шахсларга касби бўйича ёки тегишли ишни бажаришга мустақил ишлаши учун руҳсат бериш шароитлари (ёши, жинси, соғлигининг ҳолати, йўл-йўриқдан ўтиши ва бошқалар);

чекиши ва алкоголь ичимликларини ичиши тақиқлаш, ички меҳнат қоидаларига риоя қилиш зарурлиги тўғрисида огоҳлантириш;

ходимга таъсир этадиган хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларнинг таснифи;

мехнат тартиби (режими), овқатланиш ва дам олиш учун танаффуслар, иш вақтнинг (сменанинг) чеклаш (зарур бўлганда) талаблари;

мазкур касб учун берилиши зарур бўлган давлат, тармоқ, республика стандартлари ёки улар учун техник шартлар белгиланган маҳсус кийим, маҳсус пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари;

ёнғин ва портлаш хавфсизлигини таъминловчи талаблар;

шикастланиш ҳодисалар ва ускуналар, мосламалар ва асбобларнинг носозлиги ҳақида иш берувчини огоҳлантириш тартиби;

зарур бўлган биринчи (тиббий ёрдамгача) ёрдамни кўрсатиш бўйича кўрсатмалар;

иш вақтида ходим ходим бўёиши ва риоя этиши зарур бўлган шахсий гигиена қоидалари;

йўриқномани бузганлиги учун ходимнинг жавобгарлиги.

14. “Иш бошлидан олдин хавсизлик талаблари” бўлими қуидагилардан:

иш жойини, шахсий ҳимоя воситаларни тайёрлаш тартиби;

ускуналар, мосламалар ва асбоблар, тўсиқлар, сигнализация, ҳимоялаш (блоклаш) ва бошқа қурилмаларни, ерга уланган ҳимоя симларини, шамоллатиш, маҳаллий ёритиш ва бошқаларни ишга яроқлилигини текшириш тартиби;

хом ашё (ярим маҳсулотларни) мавжудлиги ва ҳолатини текшириш тартиби;

узлуксиз шароитдани ишларда сменани қабул қилиш тартиби;

ишлаб чиқариш санитария талабларидан иборат бўлиши лозим.

15. “Иш вақтидаги хавсизлик талаблари” бўлими қуидагилардан:

Ишларни хавфсиз бажариш услублари ва усуллари, технологик ускуналар, мосламалар ва асбоблардан фойдаланиш тартиби;

хом ашёлар (ярим маҳсулот, бошланғич материаллар, ярим тайёр материаллар), ёрдамчи материаллар ва тайёр маҳсулот билан хавсиз ишлашга кўйиладиган талаблар;

траспорт воситаларни, тара ва юк кўтарувчи механизмларни хавфсиз инлатиш қоидалари;

иш ўринларда хавфсизликни таъминлаш кўрсатмалари;

нормал технологик режимдан чиқиб кетиш (оғишининг) асосий турларива уларни бартараф этиш услублари;

авария ҳолатларини олдини олишга қаратилган ҳаракатлар;

носозликларни хавфсиз бартараф этиш ва профилактика ишларни ўтказиш бўйича кўрсатмалар;

ходимларнинг ҳимоя воситалардан фойдаланишга бўлган талаблардан иборат бўлиши керак.

16. “Фавқулодда вазиятларда (авария ҳолатларда) хавфсизлик талаблари” бўлимига куйидагилардан:

авариялар содир бўлганда ва баҳтсиз ҳодисаларга олиб келадиган ҳолатлардаги ҳаракатлар;

шикастланиш, заҳарланиш ва тўсатдан касалликдан жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича ҳаракатлар бўйича талаблар киритилиши лозим.

17. “Иш якунида хавсизлик талаблари” бўлимига куйидагилар:

ускуналарни, мосламаларни, машина, механизмларни ва аппаратураларни хавфсиз ўчириш, тўхтатиш, қисмларга ажратиш, тозалаш ва мойлаш тартиби, узлуксиз шароитда ишлагандан смена бўйича топшириш тартиби;

иш жойини топшириш тартиби;

ишлаб чиқариш чиқиндиларини тозалаш тартиби;

ишлаб чиқариш санитария ва шахсий гигиенана риоя қилиш талаблари;

иш вақтида аниқланган барча камчиликлар ва носозликлар ҳақида раҳбариятни огоҳлантириш тартиби;

химоя воситалардан давомилий фойдаланиш бўйича кўрсатмалар (сақлаш, тозалаш, тиклаш, утилизация қилиш).

III. Йўриқномаларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби

18. Касблар ва ишларнинг айрим турлари бўйича ходимлар учун йўриқномалар бош технолог, бош механик, бош энергетик, бош металлург, меҳнат ҳақи ва меҳнатни ташкил қилиш хизмати ҳамда бошқа бўлинмалар бошлиқлари иштирокида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати (меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати бўлмаган такдирда, “Меҳнтни муҳофазақилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ ушбу вазифалар юклатилган корхона раҳбари) томонидан тузилган рўйхатга мувофиқ ишалб чиқилади.

Рўйхат корхонада Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари Классификатори ва Ишлар ва ишчи касбларнинг ягона тариф-малака таснифига мувофиқ тасдиқланган штатлар жадвалига мувофиқ ишлаб чиқилади.

Рўйхат бош инженер томонидан тасдиқланади ва корхонанинг барча тузулмавий бўлинмаларга (хизматларга) юборилади.

19. Ходимлар учун янги йўриқномалар корхона раҳбарининг буйруғи ва фармойишига мувофиқ ишлаб чиқилади.

20. Йўриқномалар ходимлар учун цех, участкалар, бўлимлар, лабораториялар ва корхонанинг бошқа тегишли бўлинмалари бошлиқлари бошлиқлари томонидан ишлаб чиқилади.

Барча ходимларни йўриқномалар билан таъминлаш бўйича бўлинма раҳбарлари жавобгардир.

21. Корхонада ходимлар учун йўриқномаларни ишлаб чиқилишини бошқариш бош инженер ёки унинг ўринбосарига (қишлоқ хўжалиги тармогининг бош мутахассисларига) юклатилади.

22. Зарур ҳолларда корхона раҳбарияти маълум бир бўлинма ходимларига йўриқномаларни ишлаб чиқиш учун бошқа ташкилотлар ёки бўлинмалар мутахассисларини жалб қилиши мумкин.

23. Иш берувчи (корхона раҳбарияти) ходимларнинг йўриқномаларини ўз вақтида текшириш, қайта қўриб чиқиш ва ишлаб чиқилиши устидан доимий назоратни амалга ошириши лозим, ишлаб чиқарувчиларга услугий ёрдам кўрсатиши, уларга керакли бўлган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича намунавий йўриқномаларни, Меҳнат хавфсизлиги стандартлар тизимишинг стандартларини, шунингдек бошқа норматив ва норматив-техник хужжатларни олишга ёрдам бериши керак.

24. Намунавий йўриқномалар вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар, бирлашмаларнинг тузулмавий ташкилотлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати томонидан ишлаб чиқилади ва ташкилот ходимлари учун йўриқномаларни ишлаб чиқиш учун йўналтирилади.

Намунавий низомларни ходимлар учун йўриқнома сифатида фойдаланишда уларни расмийлаштириш, келишиш ва тасдиқлаш зарур, мазкур низомнинг 31 ва 32-бандларида белгиланган тартибда, зарур ҳолларда корхонанинг маълум бир шароитлари бўйича намунавий йўриқномалар тасдиқланганидаг кейин амалиётга тадбиқ қилинган норматив хужжатларнинг талаблари ҳисобга олинган ҳолда қўшимчалар киритилиши мумкин.

25. Ходимларга йўриқномаларни ишлаб чиқиш учун қўйидаги зарур бўлган тайёргарлик ишларни амалга ошириш лозим:

технологик жараённи ўрганиш, унинг нормал фаолияти ҳамда оптимал режимдан оғиши давомида юзага келиши мумкин бўлган хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омилларини аниқлаш ва улардан ҳимоя воситалар ва тадбирларни белгилаш;

ишлатиладиган ускуна, мослама ва асбобларнинг хавфсизлик талабларига мослигини белгилаш;

йўриқномаларни ишлаб чиқишида ишлатиладиган материалларни танлаб олиш (5-бандда келтирилган хужжатлар, шунингдек тегишли техник адабиётлар, ўкув қўлланмалар ва бошқалар);

тегишли ишларни бажаришда фойдаланиладиган ҳимоя воситаларнинг конструктив хусусиятлари ва самарадорлигини ўрганиш;

тармоқ корхоналарида авария ҳолатларини ва баҳтсиз ҳодисалар тўғрисида вазирлик (идораларнинг) буйруқлари, фармойишлари ва маълумот хатларини ўрганиш;

корхонада мазкур касб (иш тури) бўйича авария ҳолатларини, ишлаб чиқаришда жароҳтланиш ва касб касалликлари ҳолатларини таҳлил қилиш;

йўриқномага киритилиши лозим бўлган ишнинг хавфсиз усуллари ва услубларини белгилаш, уларнинг кетма-кетлигини, шунингдек техник ва ташкилий талабларни белгилаш лозим.

26. Йўриқномаларга киритиладиган норматив хужжатларнинг талаблари айнан маълум бир иш ўрнига ва ходимнинг амалдаги меҳнат шароитларига тегишли бўлиши лозим.

Аниқлаштириш талаб этилмайдиган норматив хужжатларнинг талаблари йўриқномаган ўзгартирилмаган ҳолда киритилади.

27. Фойдаланишга топширилаётган янги ишлаб чиқаришларда ходимлар учун вақтинчалик йўриқномалар ишлаб чиқилиши мумкин. Вақтинчалик йўриқномалар технологик жараёнларни (ишларни) ва ишлатилаётган ускуналарнинг хавфсиз ишлатилишини таъминлаши лозим. Ходимлар учун вақтинчалик йўриқномалар ишлаб чиқилишига ҳам доимий йўриқномаларга бўлган талаблар белгиланади. Кўрсатилган ишлаб чиқаришларни фойдаланишга қабул қилиш кунига қадар вантинчалик йўриқномалар ҳам касблар бўйича ҳам ишлар тури бўйича ишлаб чиқилиши лозим.

28. Ходимлар учун йўриқномаларнинг лойиҳаси меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати, касаба уюшмаси, ёнғинга қарши курашиш бўлими, корхонанинг тиббий хизматига кўриб чиқиш учун йўлланилади.

29. Лойиҳани кўриб чиқиш жараёнида олинган таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилади ва ходимлар учун йўриқноманинг якуний лойиҳаси ишлаб чиқилади.

30. Ходимлар учун йўриқномаларнинг якуний лойиҳаси масъул ишлаб чиқарувчи ёки корхона раҳбарининг фармойишига мувофиқ йўриқномаларни

ишилаб чиқиши учун жавобгар бўлган бўлим бошлиғи томонидан имзоланиши керак.

31. Йўриқномаларнинг якуний лойиҳасини тасдиқлашдан аввал меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати, хизмат бўлмаган тақдирда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати функцияларини бажариш вазифаси юклатилган раҳбарга ҳамда зарур бўлган ҳолларда тегишли хизмтлар, ташкилотлар ва мансабдор шахслари билан келишиш лозим.

32. Йўриқномаларнинг якуний лойиҳаси бўйича келишув жараёни тугаганидан сўнг уч нусҳада, улардан бири биринчи нусҳаси бўлган ҳолда тасдиқланади.

33. Ходимлар учун йўриқнома корхона раҳбари (иш берувчи) ёки бош мухандис томонидан тасдиқланади.

Намунаий йўриқнома меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг раҳбари ёки

Типовая инструкция утверждается руководителем службы охраны труда или ответственным за вопросы охраны труда заместителем руководителя министерства, ведомства, корпорации, концерна, ассоциации, объединения после согласования с соответствующими профсоюзами.

34. Ходимлар учун йўриқнома тасдиқланган кундан бошлаб амалга тадбиқ қилинади.

Тегишли технологик жараённи амалга тадбиқ қилиш (ишилаб чиқариш бошланиши) ёки янги ускуналарни ишга туширишдан аввал ходимларни тегишли тайёргарликдан ўтгазилганидан сўнг йўриқнома амалга тадбиқ қилиниши керак.

IV. Йўриқномаларни расмийлаштириш тартиби

35. Йўриқнома матни қиска, аниқ ва ҳил талқинларга йўл қўймаслиги керак.

36. Ходимлар учун йўриқномаларда бирон бир норматив хужжатларга ҳаволалар бўлмаслиги лозим, ушбу корхонада ишлайдиган ходимлар учун бошқа йўриқномаларга ҳаволалар бундан мустасно.

Кўрсатилган норматив хужжатларнинг талаблари ходимлар учун йўриқномаларни ишлаб чиқарувчилар томонидан ҳисобга олиниши керак.

Зарур бўлганда, ушбу хужжатларнинг талаблари ходимлар учун йўриқномаларда матн ёки изоҳда кўрсатилиши лозим.

37. Йўриқномаларда келтирилган тушунчалар қабул қилинган республиканинг меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш қонунчилиги, “Меҳнат хавфсизлиги стандартлар тизими. Терминлар ва тушунчалар” ва бошқа Меҳнат хавфсизлиги стандартлар тизими стандартларига мос бўлиши лозим.

Кўрсатилган хужжатларда белгиланмаган тушунчаларни қўллашда йўриқномаларнинг матнида уларнинг таърифлари ва тушунтиришлари берилиши лозим.

38. Йўриқномаларда сўзлашув иборалари, шунингдек техницизм ва професионализмлар қўлланмаслиги лозим.

39. Йўриқномаларнинг матнида талабларни тақиқловчи шаклида баён этишдан қочиш лозим, керак бўлганда нима сабабдан тақиқланганлиги ҳақида тушунтиришлар берилиши лозим.

40. Йўриқномаларда белгиланган талаблар ходимлар томонидан барчаси бир ҳир бажарилиши кераклиги сабали, йўриқномаларда талабларнинг алоҳида маъносини таъкидлайдиган сўзлар ишлатилмаслиги лозим (масалан, “қатъий”, “айнан”, “мажбурий”, “сўзсиз” ва бошқалар).

41. Кўргазмали бўлиши учун алоҳида талабларнинг маъноси расм, фотосуратлар, диаграммалар ёки чизмалар билан қўрстилиши мумкин.

42. Йўриқномаларнинг матнида сўзлар ҳарифли қисқартиришлар (аббревиатура) билан алмаштирилиши мумкин, қисқартиришлар матнда биринчи мартда ишлатилганда тўлиқ тушунтиришлар берилган шарти билан.

43. Агар ишнинг хавфсиз бажарилиши маълум бир меъёрлар билан белгиланган бўлса, унла улар йўриқномада кўрсатилиши керак (бўшлиқлар ҳажми, масофа ва бошқалар).

44. Йўриқномаларнинг ҳар бир бандида битта тугалланган норматив кўрсатма бўлиши керак.

45. Йўриқномалар ҳажми ва мазмунига қараб алоҳида бўлимлар ва кичик бандлардан иборат бўлиши мумкин:

бўлимлар рим рақамлари билан рақамланган бўлиши керак, барча бўлинмаларнинг кичик бандлари сонли рақамланиши араб рақамлари билан амалга оширилади;

матнга иловалар сонли рақамланиши доимий равишда номи билан белгиланади (1-сонли илова, 2-сонли илова ва бошқалар);

жадваллар ҳам сонли рақамланиши доимий равишда номи билан белгиланиши лозим (Жадвал 1, Жадвал 2 ва бошқалар).

46. Йўриқномаларнинг сарлавҳа сахифаси (титул вараги), биринчи ва охирги сахифалари мазкур низомнинг 1, 2 ва 3-иловаларга мувофиқ расмийлаштирилиши лозим.

V. Йўриқномаларни текшириш ва қайта кўриб чиқиш

47. Мехнатн муҳофаза қилиш соҳасида замонавий талабларга мос бўлишини таъминлаш учун йўриқномалар вақти-вақти билан текширилиши керак. Бунда йўриқномаларни қайта кўриб чиқилиши ва уларга ўзgartиришлар киритилиши зарурлиги аниқланади.

48. Ходимлар учун йўриқномаларни текшириш ва қайта кўриб чиқишни ишлаб чиқувчи бўлинма томонидан амалга оширилади.

Йўриқномаларни ўз вақтида текширилиши ва қайта кўриб чиқилиши учун ушбу ташкилотлар раҳбарлари ва ишлаб чиқарувчи бўлинмалар жавобгардир.

49. Ходимлар учун йўриқномаларни текшириш ишлари меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тармоқлараро ва тармоқ норматив ва норматив-техник хужжатларда белгиланган муддатларда, аммо 5 йилда бир мартадан кам бўлган ҳолда, хавфлилиги юқори бўлган касбларда ёки ишларни бажараётган ходимлар учун йўриқномалар 3 йилда бир маротабан кам бўлмаган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Агар кўрсатилган муддатларда корхонада ишлаётган ходимларнинг меҳнат шароитлари ўзгармаган бўлса, касаба уюшмаси қўмитаси ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил билан келишилган ҳолда ва корхона бўйича қабул

қилинган буйруққа (фармойиши билан) мувофиқ ходимлар учун йўриқномалар амал қилиш муддати кейинги давр учун узайтирилади, у ҳақида йўриқноманинг биринчи варагига тегишли ёзув киритилади (“қайта кўриб чиқилди” деб штамп, йўриқномани қайта кўриб чиқиш учун масъул ходимнинг имзоси ва сана қўйилади).

Агар белгиланган муддатларда вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концерн, уюшма ва бирлашмалар корхоналарида ходимларнинг иш ўринларида меҳнат шароитлари ўзгармаган бўлса, тегишли касаба уюшмалари билан келишилган ҳолда буйруқ (кўрсатма) билан намунавий йўриқномаларнинг амал қилиш муддати намунавий йўриқноманинг аслисининг сарлавҳа сахифасида тегишли ёзув қиритган ҳолда узайтирилади.

50. Намунавий йўриқномалар белгиланган муддат тугагунга қадар қайта кўриб чиқилиши лозим:

республиканинг меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилиги қайта кўриб чиқилганда, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича янги амалга киритилганда ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалдаги тармоқлараро норматив ва норматив-техник хужжатлар қайта кўриб чиқилганда;

ваколатли органлар, юқори турувчи ташкилотлар, касаба уюшмалари ташкилотлари ва давлат назорати органларининг кўрсатмаларига мувофиқ;

янги техника ва технологиялар жорий қилинганда.

51. Ходимлар учун йўриқномалар қўйидаги ҳолларда муддати тугагунга қадар қайта кўриб чиқилиши лозим:

мазкур низомнинг 50-бандида келтирилган талабларга мувофиқ;

намунавий йўриқномалар қайта кўриб чиқилганда;

авария ёки ходимлар шикастланиш ҳалатлари юзага келиши сабабли йўриқномаларни қайта кўриб чиқиш зарурияти пайдо бўлганда;

технологик жараён ёки меҳнат шароитлари ўзгарганда, шунингдек янги турдаги ускуналар, материаллар, аппаратура, мосламалар ва асбоблардан фойдаланганда.

Иккинчи ҳолатда йўриқномаларни қайта кўриб чиқилиши ўзгаришлар киритилишидан олдин амалга оширилиши керак.

52. Қайта кўриб чиқилга йўриқномаларни имзоларни расмийлаштириш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби, янги ишлаб чиқилган йўриқномаларнинг тартиби ва ушбу Низомнинг IV-бўлимда назарда тутилган талабларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

VI. Йўриқномаларни рўйхатдан ўтказиш, кўпайтириш ва ҳисобга олиш

53. Тасдиқланган йўриқномалар корхонанинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати томонидан Йўриқномаларни рўйхатга олиш журналида (4-илова), мазкур Низом ва юқори турувчи ташкилот томонидан белгиланган тартибга мувофиқ қайд этилади. Ушбу тартиб бўлмаган тақдирда, у иш берувчи (корхона раҳбари) томонидан белгиланади.

54. Намунавий йўриқномаларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш ходимлар учун йўриқномалар билан бир ҳил (4 ва 5-иловалар) тартибда амалга оширилади, уларни сақлаш тартиби иш берувчи томонидан белгиланади.

55. Рўйхатга олинган йўриқномалар керакли миқдордаги нусхаларда кўпайтирилади (нашр этилади). Намунавий йўриқномаларни кўпайтириш (нашр этиш) вазирлик (идора) томонидан, ходимлар учун йўриқномалар эса – иш берувчи (корхона маъмурияти) томонидан кўпайтирилади (нашр этилади).

56. Йўриқномаларни кўпайтириш (нашр этиш) асл нусхасига мослиги таъминланган ҳолда ҳар қандай усуlda амалга оширилиши мумкин.

57. Намунавий йўриқномалар алоҳида тўмламлар ёки китоб шаклида кўпайтирилиши (нашр этилиши) мумкин.

Ходимлар учун – қўлларга тарқатиш учун китоб, тўпламлар ёки бир тарафли вараклар (иш ўринларда ёки ишлаб чиқариш участкаларда осиб қўйиш учун) шаклида кўпайтирилиши (нашр этилиши) мумкин.

58. Йўриқномалар билан ходимлар, манфаатдор бўлинмалар (хизматлар бошлиқлари ва корхонанинг касаба уюшмаси кўмитаси таъминланиши лозим.

Йўриқномаларнинг жойлашуви улар билан танишишнинг соддалиги ва қулайлигини таъминлаш зуурлигини ҳисобга олган ҳолда бўлинма (хизмат) раҳбари томонидан белгиланади:

ходимлар учун йўриқномаларни корхонанинг бўлинма (хизматлар) раҳбарларига меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати томонидан Йўриқномаларни тарқатиш журналига (5-сонли илова) қайд этилгандан кейин тарқатилади;

корхонанинг бўлинмалар (хизматлар) раҳбарларида бўлинмада (хизматда) барча қасблар ва ишлар бўйича амалдаги йўриқномаларнинг бир тўплами, шунингдек корхонанинг бош инженери томонидн тасдиқланган йўриқномаларнинг рўйхати доимий равишда сақланиши лозим;

ҳар бир участка бошлиғида (устада, прорабда ва бошқалар) ушбу участкада банд бўлган барча қасблар ва ишлар тури бўйича амалдаги йўриқномаларнинг бир тўплами бўлиши керак;

ходимлар учун йўриқномалар ўрганиш учун биринчи йўл-йўриқдан ўтиш вақтида йўл-йўриқдан ўтиш шахсий карточкасига имзо қўйилган ҳоллда уларнинг қўлларига берилиши мумкин ёки иш ўринларда ёхуд участкаларда осиб қўйилиши керак, ёки ходим учун қулай бўлган маълум бир жойда сақланиши лозим.

3 - амалий машғулот: Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби.

Машғулотнинг мақсади. Ишлаб чиқаришда содир бўлган баҳтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тартибларини ўрганиш, Н-1 шаклдаги далолатномани тўлдириш бўйича амалий кўникма ҳосил қилиш.

Машғулот режаси:

1. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиблари.
2. Н-1 шаклдаги далолатномани тўлдириш тартиби.
3. Баҳтсиз ҳодисаларни маҳсус текшириш.

Топшириқ. Ихтиёрий танланган қасб ва жароҳатланиш тури учун Н-1 шаклдаги далолатномани тўлдиринг.

Назарий қисм

Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишларини текшириш ва ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997-йил 6-июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш” түғрисидаги низоми асосида олиб борилади.

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчиликнинг барча шаклларидағи корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек, меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган айрим фуқароларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда юз берган ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олишнинг ягона тартибини белгилайди.

Мазкур Низом:

ишлаб чиқаришда ишлаётган даврида суд ҳукми бўйича жазони ўтаётган фуқароларга;

иш берувчиларга;

пудрат ва топшириқларга кўра фуқаролик-хуқуқий контрактлар бўйича ишларни бажараётган шахсларга;

табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларни бартараф этишда қатнашаётган фуқароларга;

агар маҳсус давлатлараро битимда ўзгача ҳол кўрсатилмаган бўлса, ёлланиб ишлаётган чет эл фуқароларига;

қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ бўлмаган ўзга ишларни бажариш учун корхонага юборилган ҳарбий хизматчиларга, шу жумладан, муқобил хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга;

корхонада ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган талабалар ва ўқувчиларга ҳам татбиқ этилади.

2. Корхона ҳудудида ва унинг ташқарисида меҳнат вазифаларини бажараётганда (шунингдек хизмат сафарларида) юз берган жароҳатланиш,

захарланиш, иссиқлик таъсири, портлаш, фалокатлар, иморатлар, иншоотлар ва конструкциялар бузилиши, куииш, музлаш, қизиш, электр токи ва яшин уриши, хайвонлар, ҳашаротлар ва судралиб юрувчилар томонидан, террористик ҳаракатлар натижасида шикастланишлар, шунингдек табиий оғатлар (зилзилалар, ўпирилишлар, сув тошқинлари, тўфонлар ва бошқалар) туфайли саломатликнинг бошқа хил шикастланишлари;

ўз функционал вазифаларини бажариш юзасидан, шунингдек аварияларнинг, одамлар ҳалок бўлишининг олдини олиш ва корхонанинг мулкини сақлаш мақсадида, иш берувчи топшириқ бермаган бўлса ҳам, корхона манфаатларини кўзлаб қандайдир хатти-ҳаракатларни амалга ошираётгандаги;

ходим хизмат сафарида бўлган ёки ўз функционал вазифаларини бажариш вақтида — йўл-транспорт ҳодисасидаги, темир йўл, ҳаво йўлларидаги, дengiz ва дарё транспортидаги, электр транспортидаги ҳодиса натижасидаги;

иш берувчи томонидан буйруқ билан махсус ажратилган уйдан ишга ва/ёки ишдан уйга ходимларни ташиш учун мўлжалланган транспортда, шунингдек ушбу мақсадлар учун шартнома (буюртма)га мувофиқ ўзга ташкилот транспортида ишга кетаётган ёки ишдан қайтаётгандаги;

иш вақтида шахсий транспортда, уни хизматга оид сафарлар учун ишлатишга рухсат берилганлик ҳақида иш берувчининг ёзма буйруги мавжуд бўлгандаги;

иш берувчининг топширигини бажариш учун транспортда ёки пиёда ҳаракатланаётганда, шунингдек меҳнат фаолияти хизмат кўрсатиш обьектлари орасида юриш билан боғлиқ ходимлар билан иш вақтида транспортда ёки пиёда кетаётгандаги;

тадбирларнинг ўтказилиши ёки ишлар бажарилиши жойидан қатъи назар, шанбалик (якшанбалик), фуқаро мудофааси бўйича ўқув машғулотлари, кўнгилли ёнгин муҳофазаси мусобақалари ўтказилаётгандаги, қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этилгандаги, иш берувчининг ёзма фармойиши бўйича корхона томонидан оталиқ ёрдами кўрсатилаётгандаги;

ички ишлар органларининг маълумотлари асосида — иш вақтида меҳнат вазифаларини бажараётганда бошқа шахс томонидан тан жароҳати етказилгандаги;

сменали дам олишда бўлган ходим билан транспорт воситасидаги вахта шаҳарчаси ҳудудидаги ёки ижарага олинган хонадаги (кузатиб борувчи, рефрижератор бригадаси ходими, сменали ҳайдовчи, денгиз ва дарё кемалари ходимлари, шунингдек, вахта-экспедиция усулида ишлаётганлар ва бошқалар) баҳтсиз ҳодисалар текширилади ва ҳисобга олинади.

3. Табиий ўлим, ўзини ўзи ўлдириш, жабрланувчининг ўз саломатлигига қасдан шикаст етказиши, шунингдек, жабрланувчининг жиноят содир қилиш чоғида шикастланиши ҳолатлари (суд-тиббий экспертиза хulosаси ёки тергов органларининг маълумотларига кўра) текширилмайди ва ҳисобга олинмайди.

4. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса натижасида ходимнинг меҳнат қобилияти камида бир кунга йўқотилса ёки тиббий хulosага мувофиқ енгилроқ бошқа ишга ўтиши зарур бўлса, Н-1 шаклидаги далолатнома билан расмийлаштирилади ([1-илова](#)).

Иш берувчи текшириш тутаганидан сўнг 3 суткадан кечиктирмай жабрланувчига ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсга давлат тилида ёки бошқа мақбул тилда расмийлаштирилган баҳтсиз ҳодиса тўғрисидаги Н-1 шаклидаги далолатномани бериши керак.

5. Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни тўғри ва ўз вақтида текшириш ҳамда ҳисобга олиш, Н-1 шаклидаги далолатномани тузиш, баҳтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун жавобгардир.

6. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни тўғри ва ўз вақтида текшириш ва ҳисобга олишни, шунингдек, баҳтсиз ҳодиса келиб чиқиши сабабларини бартараф этишга оид чора-тадбирларнинг бажарилишини корхонанинг юқори турувчи хўжалик органи, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи, давлат меҳнат техника назоратчиси, Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ва

«Ўзэнергоназорат» агентликлари органлари назоратдаги тегишли объектларда назорат қиласи.

7. Иш берувчи Н-1 шаклидаги далолатномани тузишдан бош тортса, жабрланувчи ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс Н-1 шаклидаги далолатнома мазмунидан норози бўлса, жабрланувчи ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс корхона касаба уюшмаси қўмитасига ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органига мурожаат қиласи.

Касаба уюшмаси қўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органи 10 кун муддат ичидаги бахтсиз ҳодисанинг келиб чиқиши сабабларини ўрганиб чиқади, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари, меҳнат хавфсизлиги андозалари бузилишини аниқлайди, зарур деб ҳисобласа, иш берувчидан Н-1 шаклидаги далолатномани тузишни ёки қайта тузишни талаб қиласи. Иш берувчи бу талабларни бажармаса, корхона касаба уюшмаси қўмитаси ёки бошқа вакиллик органи, шунингдек жабрланувчи ёки бошқа манфаатдор шахс давлат меҳнат техника назоратчисига мурожаат қиласи.

8. Н-1 шаклидаги далолатнома тузилмаганлиги ёки нотўғри тузилганлиги аниқланган ҳолларда давлат меҳнат техника назоратчиси иш берувчидан Н-1 шаклидаги далолатномани тузишни ёки бошқатдан тузишни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Иш берувчи давлат меҳнат техника назоратчиси хулосасини бажаришга мажбурдир.

9. Иш берувчи билан давлат меҳнат техника назоратчиси ўртасидаги англашилмовчиликни бош давлат меҳнат техника назоратчиси ҳал қиласи.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишларини текшириш ва ҳисобга олиш тартиби.

1. Ишлаб чиқаришдаги ҳар бир бахтсиз ҳодиса ҳақида жабрланувчи ёки гувоҳ дарҳол бўлинма (цех) раҳбарига хабар бериши керак, у эса:

жабрланувчига зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатиши ва уни тиббий-санитария қисмига ёки бошқа даволаш муассасасига етказишни ташкил этиши;

текшириш комиссияси иш бошланишига қадар иш жойидаги вазиятни ва жиҳозлар ҳолатини ҳодиса юз берган дақиқада қандай бўлса, шундайлигича

(агар бу атрофдаги ходимлар ҳаёти, саломатлигига таҳлика солмаётган бўлса ва ҳалокатга олиб келмаса) сақлаб қолиши;

дарҳол ҳодиса тўғрисида иш берувчига ва касаба уюшмасига ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органига хабар қилиш.

2. Корхона тиббий-санитария қисми (шифохона, поликлиника) бир сутка ичида ёрдам сўраб мурожаат қилган ходимлар, шу жумладан, хизмат сафаридаги ва корхона ишлаб чиқариш объектларида иш бажараётган хорижий ташкилот ходимлари билан юз берган ҳар бир баҳтсиз ҳодиса ҳақида иш берувчига ва касаба уюшмасига ёки ходимларининг бошқа вакиллик органига хабар беради.

3. Иш берувчининг буйруғига кўра иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси вакиллари ёки ходимларининг бошқа вакиллик органи таркибида комиссия тузилади.

Ишлаб чиқаришдаги меҳнат хавфсизлигига бевосита жавоб берувчи раҳбар баҳтсиз ҳодисани текширишда иштирок этмайди.

Комиссия:

уч сутка ичида баҳтсиз ҳодисани текшириб чиқиши, гувоҳлар ва меҳнат муҳофазаси қоидалари, меҳнат хавфсизлиги андозаларини бузишга йўл қўйган шахсларни аниқлаб сўроқ қилиши, имкони бўлса, жабрланувчидан тушунтириш хати олиши;

баҳтсиз ҳодиса сабабларини йўқотиш чора-тадбирлари кўрсатилган Н-1 шаклидаги далолатномани уч нусхада тузиши ва имзо чекиб, уларни тасдиқлаш учун иш берувчига бериши керак.

4. Иш берувчи ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисани келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш чораларини кўради ва текшириш тамом бўлгандан сўнг уч сутка давомида тасдиқланган Н-1 шаклидаги далолатномаларни:

жабрланувчига ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсга, текшириш материаллари билан бирга корхона меҳнатни муҳофaza қилиш хизмати раҳбари (муҳандиси, мутахассиси)га, давлат меҳнат техника назоратчисига юборади.

Н-1 шаклидаги далолатнома билан расмийлаштирилган бахтсиз ҳодисалар корхона томонидан ҳисобга олинади ва дафтарда қайд қилинади ([2-илова](#)).

Иш берувчи Н-1 шаклидаги далолатнома нусхаларини, касаба уюшмаси қўмитасига ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органларига, Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ёки «Ўзэнергоназорат» агентликлари органи вакилига, агар бахтсиз ҳодиса назоратдаги тегишли корхоналар (объектлар)да юз берган бўлса, юқори турувчи хўжалик органига, тегишли вазирлик (хўжалик бошқаруви органлари)га ҳам уларнинг талабларига мувофиқ юбориши шарт.

Мазкур бўлимнинг [7](#), [10](#), [11](#), [12](#) ва [13-бандларида](#) кўрсатилган ҳолларда Н-1 шаклидаги далолатнома тўрт нусхада тузилади ва тасдиқланади. Мехнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари (муҳандиси, мутахассиси)га текшириш материаллари билан юборилган Н-1 шаклидаги далолатнома 45 йил давомида сақланиши лозим. Бошқа жойларга юборилган Н-1 шаклидаги далолатномалар ва унинг нусхалари эҳтиёж йўқолгунча сақланади.

5. Агар корхона қайта ташкил этилса Н-1 шаклидаги далолатнома ҳукуқий ворисга корхонанинг бошқа қимматли қоғозларини топшириш тартибида берилади. Агар корхона тугатилса Н-1 шаклидаги далолатнома корхонанинг юқори турувчи хўжалик органига берилади. Агар корхонада юқори турувчи хўжалик органи бўлмаса, унда Н-1 шаклидаги далолатнома, туман (шахар) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимига берилади.

6. Жабрланувчи ёки гувоҳлар иш вақти давомида иш берувчига хабар бермаганлиги ёки иш қобилияти дарҳол йўқолмаганлиги тўғрисидаги бахтсиз ҳодисалар жабрланувчининг ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахснинг аризасига, шунингдек, (бош) давлат меҳнат техника назоратчисининг талабига биноан ариза берилган ёки кўрсатма олинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида текширилади. Н-1 шаклидаги далолатномани тузиш масаласи бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги ариза ҳар томонлама, барча шарт-шароитлар, гувоҳларнинг

кўрсатмалари ва бошқа далиллар ҳисобга олинган ҳолда текширилганидан сўнг ҳал этилади.

7. Бошқа ташкилот томонидан ўша ташкилот топширигини бажариш учун ёки хизмат вазифасини адо этиш учун мазкур корхонага жўнатилган ходим билан юз берган баҳтсиз ҳодиса шу баҳтсиз ҳодиса юз берган корхона иш берувчиси томонидан тузилган комиссия томонидан жабрланувчи ишлайдиган ташкилот вакили иштирокида текширилади.

Н-1 шаклидаги далолатноманинг 3-бандида ходимни йўллаган ташкилот номи кўрсатилади. Баҳтсиз ҳодиса жабрланувчи қайси ташкилот ходими бўлса ўша ташкилот томонидан ҳисобга олинади.

Баҳтсиз ҳодиса юз берган корхона Н-1 шаклидаги далолатноманинг бир нусхасини баҳтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш учун ўзида олиб қолади, қолган 3 та тасдиқланган нусхасини жабрланувчи ходими бўлган ташкилотга, ҳисобга олиш, сақлаш ва [4-бандда](#) кўрсатиб ўтилган манзилларга жўнатиш учун юборади.

8. Иш берувчининг ёзма фармойиши билан вақтинча бошқа ташкилотга ишга ўтказилган ёхуд ўриндошлик бўйича ишлаётган ходим билан баҳтсиз ҳодиса юз берса баҳтсиз ҳодиса содир бўлган ташкилот томонидан текширилади ва ҳисобга олинади.

9. Бошқа корхонанинг ажратилган участкасида иш олиб бораётган корхона ходими билан баҳтсиз ҳодиса юз берса, у иш олиб бораётган корхона томонидан текширилади ва ҳисобга олинади.

10. Ҳарбий қисм билан корхона ўртасидаги шартнома, битим бўйича халқ хўжалиги объектларига ишга жалб қилинган ва унинг маъмурий-техник ходими бошчилигида иш олиб бораётган ҳарбий қурилиш отряди (қисми) шахсий состави билан юз берган баҳтсиз ҳодиса иш берувчи томонидан ҳарбий қурилиш отряди (қисми) қўмондонлиги иштирокида текширилади. Баҳтсиз ҳодиса корхона томонидан ҳисобга олинади.

Ҳарбийлаштирилган кон ва газ қутқарувчилари қисмлари шахсий состави билан юз берган баҳтсиз ҳодиса иш берувчи томонидан Ўзбекистон

Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ёки «Ўзэнергоназорат» агентликлари органи вакили иштирокида текширилади.

11. Корхонадаги мөхнаттага жалб қилиниб, ишни унинг маъмурий-техник ходими бошчилигига бажараётган ахлоқ тузатиш-мөхнат муассаси (АТММ)да, даволаш-мөхнат ва тарбия-мөхнат профилакториялари (ДМП ва ТМП)да сақланаётган шахслар билан бахтсиз ҳодиса юз берса, у АТММ, ДМП ва ТМП вакили иштирокида иш берувчи томонидан текширилади. Бахтсиз ҳодиса корхона томонидан ҳисобга олинади.

АТММ, ДМП ва ТМПларда хўжалик ишларини бажараётган шахс билан, шунингдек, ўзининг ишлаб чиқаришида бахтсиз ҳодиса юз берса, у Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги белгилаган тартибда текширилади ва ҳисобга олинади.

12. Автокорхона ёки бошқа корхона томонидан тузилган йиғма автоколонна таркибида қишлоқ хўжалиги ишларига юборилган автомобиль ҳайдовчиси билан юз берган бахтсиз ҳодиса шу корхона томонидан текширилади ва ҳисобга олинади. Текширишда ходимни юборган корхона вакили қатнашади.

13. Корхона ходими раҳбарлигига ишлаб чиқариш амалиёти ўтаётган ёки иш бажараётган ўқувчилар, талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодиса корхона томонидан таълим муассасаси вакили билан биргаликда текширилади ва корхона томонидан ҳисобга олинади.

Корхона томонидан ишлаб чиқариш амалиёти учун ажратилган участкада ўқитувчилари раҳбарлигига ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ёки иш бажараётган ўқувчилар, талабалар билан юз берган бахтсиз ҳодисалар таълим муассасалари томонидан корхона вакили билан биргаликда текширилади ва таълим муассасаси томонидан ҳисобга олинади.

14. Мазкур бўлимнинг [10](#), [11](#), [12](#) ва [13-банларида](#) кўрсатилган холларда, тасдиқланган Н-1 шаклидаги далолатноманинг бир нусхаси жабрланувчининг доимий иш, хизмат ёки ўқиши жойига юборилади.

Бахтсиз ҳодисаларни махсус текшириш

1. Қўйидаги бахтсиз ҳодисалар махсус текширилади:

бир вақтнинг ўзида икки ва ундан зиёд ходимлар билан саломатликка етказилган заарнинг оғирлиги даражасидан қатъи назар, юз берган гурухий баҳтсиз ҳодисалар;

ўлим билан тугаган баҳтсиз ҳодисалар;

оқибати оғир баҳтсиз ҳодисалар.

2. Гурухий ўлим билан тугаган ва оқибати оғир баҳтсиз ҳодиса тўғрисида иш берувчи дарҳол схемага биноан ([3-илова](#)) қуидагиларга хабар бериши керак:

давлат меҳнат техника назоратчисига;

юқори турувчи хўжалик органига;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, вилоят (Тошкент шаҳар) меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига;

баҳтсиз ҳодиса юз берган жойдаги ҳудудий ички ишлар органига;

баҳтсиз ҳодисага учраган ходимни юборган ташкилотга;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига;

Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг маҳаллий органига ва «Ўзэнергоназорат» агентлигининг ҳудудий органига, агар баҳтсиз ҳодиса назорати остидаги корхона (объект)да юз берган бўлса;

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурталовчига.

3. Гурухий, ўлим билан тугаган ва оқибати оғир баҳтсиз ҳодисани вилоят Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоят (Тошкент шаҳар) меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси буйруғига асосан қуидаги таркибдаги комиссия маҳсус текширади:

раис — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят (Тошкент шаҳар) (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси ёки Ўзбекистон Республикаси

«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси вакили ёхуд «Ўзэнергоназорат» агентлиги вакили назорати остидаги корхона (объект) ;

аъзолар — юқори турувчи хўжалик органи вакили, иш берувчи, II бўлимнинг [7](#), [10](#), [11](#), [12](#) ва [13-кичик бандларида](#) кўзда тутилган ҳолларда жабрланувчининг асосий иш жойи касаба уюшмаси қўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органи раиси ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчининг вакили.

Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ёки «Ўзэнергоназорат» агентликлари органи назорати остидаги корхона (объект)ларда юз берган гурӯхий ўлим билан тугаган ва оқибати оғир баҳтсиз ҳодисани тегишли Давлат меҳнат техника назорати билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ёки «Ўзэнергоназорат» агентликлари республика ёки маҳаллий органлари буйруғи асосида тузилган комиссия, юқори турувчи хўжалик органи вакили иштирокида текширади. Комиссия раиси қилиб шу орган вакили тайинланади. Комиссия таркибига (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси киради.

Гурӯхий, ўлим билан тугаган ва оқибати оғир баҳтсиз ҳодисалар юз берганида иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларининг бошқа вакиллик органи вакиллари таркибида иш берувчининг буйруғи билан ташкил этилган комиссия томонидан Н-1 шаклидаги далолатнома комиссия томонидан маҳсус текшириш далолатномаси тузилгандан сўнг бир сутка ичida комиссия хulosаларига мувофиқ расмийлаштирилади.

Икки — тўрт кишининг ўлими билан тугаган баҳтсиз ҳодисаларни маҳсус текшириш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги буйруғига асосан қўйидаги таркибдаги комиссия томонидан олиб борилади:

раис — Ўзбекистон Республикаси (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси;

аъзолар — юқори турувчи хўжалик органи раҳбарларидан бири, иш берувчи, касаба уюшмаси қўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органи раиси.

Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ёки «Ўзэнергоназорат» агентликлари органи назорати остида бўлган корхона (объект)даги шунга ўхшаш баҳтсиз ҳодиса Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Мехнатни муҳофаза қилиш бошқармаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ёки «Ўзэнергоназорат» агентликлари органининг буйруғи асосида тузилган комиссия томонидан юқори турувчи хўжалик органи раҳбари иштирокида текширилади. Комиссия раиси қилиб, Ўзбекистон Республикаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ёки «Ўзэнергоназорат» агентликлари органининг раҳбарларидан бири тайинланади. Ўзбекистон Республикаси (бош) давлат меҳнат техника назоратчиси комиссия таркибида киради.

Беш ва ундан зиёд киши ўлган баҳтсиз ҳодисалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида тузилган комиссия томонидан текширилади.

4. Махсус текшириш комиссияси 15 кун мобайнида баҳтсиз ҳодисани текшириб чиқади, корхона (бўлинма, цех)даги меҳнатни муҳофаза қилиш аҳволини, агар зарур бўлса, тармоқнинг бошқа корхоналарида ҳам текширишни ташкил этади, махсус текшириш далолатномасини тузади ([4-илюва](#)) ҳамда III бўлимнинг [7-бандида](#) кўзда тутилган бошқа ҳужжатларни расмийлаштиради.

| | ... | | | |
| | ... | | | |
| | ... | | | |
| 2. | Кўшимча: | | | |
| | ... | | | |
| | ... | | | |
| | ... | | | |

3. 3. Иш жойи ЯТҲВ билан таъминланганлик талабларига жавоб _____.

(беради, бермайди)

IV. КАФОЛАТ ВА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР

4. 1. Заарли ва (ёки) хавфли шароитларда ишлаш учун имтиёз ва компенсациялар

| T/P | Преференциялар турлари | Хақиқатда мавжудлиги (ҳа, йўқ) | Мехнат шароитларини баҳолаш натижаси бўйича: | |
|-----|-----------------------------------|--------------------------------|--|------|
| | | | ўрнаташ зарурлиги (ҳа, йўқ) | асос |
| 1. | Йиллик қўшимча тўланадиган таътил | | | |
| 2. | Иш вақтининг давомийлиги | | | |
| 3. | Даволаш-профилактика, овқатланиш | | | |
| | | | | |

4. 2. Имтиёзли пенсия таъминотига ҳуқуқнинг _____ мавжудлиги (агар «ҳа» бўлса — асослаб берилсин).

4. 3. Тиббий кўрикдан ўтказиш зарурати _____ мавжудлиги (агар «ҳа» бўлса — асослаб берилсин).

V. АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИННИГ ХУЛОСАСИ

Мехнат шароитлари комплекс баҳолаш бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига

(мос келади, мос келмайди)

**Аттестация
комиссияси раиси**

(лавозим)

(имзо)

(Ф. И. О.)

(сана)

**Аттестация комиссияси
аъзолари:**

(лавозим)

(имзо)

(Ф. И. О.)

(сана)

**Баҳоланган меҳнат шароитлари
натижалари билан танишдим**

(лавозим)

(имзо)

(Ф. И. О.)

(сана)

**Меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлганлик
учун йиллик қўшимча таътилларнинг
ДАВОМИЙЛИГИ**

| Омиллар | Меҳнат шароитлари класслари | | | | | | |
|--|-----------------------------|----------------------------|---------------------|---------------------|---------------------|-----------------------|-----------------------|
| | 1 класс мақбул | 2 класс йўл қўйилган | 3 класс зарабли | | | | 4 класс хавфли |
| | | | 3.1 1- даражা | 3.2 2- даражा | 3.3 3- даражা | 3.4 4- даражা | |
| Қўшимча таътилнинг давомийлиги, кунлар ҳисобида | 0 | 0 | 3 | 4 — 6 кунгача | 7 — 12 кунгача | 13 — 18 кунгача | 19 — 24 кунгача |

**Имтиёзли пенсия таъминотига ҳуқуқни
БАҲОЛАШ**

| Рўйхатлар | Меҳнат шароитлари класслари |
|---|-----------------------------------|
| Талаб қилинадиган умумий ва маҳсус иш стажи бўлганда, ёшидан қатъи назар, пенсияга чиқиш ҳуқукини берувчи ишлаб чиқаришлар, | 4 |

| | |
|---|-----|
| муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг 1-РЎЙХАТИ | |
| Талаб қилинадиган умумий ва маҳсус иш стажи бўлганда умумий белгиланган ёшдан 10 йил олдин пенсияга чиқиш хуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 2-РЎЙХАТИ | 3.4 |
| Талаб қилинадиган умумий ва маҳсус иш стажи бўлганда умумий белгиланган ёшдан 5 йил олдин пенсияга чиқиш хуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-РЎЙХАТИ | 3.3 |

| | | | | |
|-----------------------|--|----------|--|----------|
| Корхонанинг номи | | | | |
| Юқори турувчи корхона | | | | |
| Юридик манзили | | | | |
| Асосий маҳсулот тури | | | | |
| СТИР | | ИФ УТ | | МХ БТ |

**ИШ ЎРИНЛАРИНИ МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ ЮЗАСИДАН
АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ
НАТИЖАЛАРИНИНГ ЙИҒМА ҚАЙДНОМАСИ**

| Номи | Аттестациядан ўтган иш ўринлари сони, жами | Улардан: | | | | | | | | | | | |
|----------------------------|--|--------------------------------------|---|---|---|---|---|---|---|----------|------------------------|--|--|
| | | Меҳнат шароитлари и класслари бўйича | | | | шикастлаш хавфлилиги и класслари бўйича | | | ЯТҲВ билан таъминланганлик талабларига мослигининг баҳоси | | | Меҳнат шароитларининг 3 ва 4 класслари билан ва /ёки «ЯТҲВ билан таъминланганлик ка мос келмайди» деб баҳолангандари | |
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 1 | 2 | 3 | мос | мос эмас | ЯТҲВ кўзда тутилмагани | | |
| Корхона бўйича жами | | | | | | | | | | | | | |
| Иш ўринлари, бирлик | | | | | | | | | | | | | |
| Мазкур иш ўринларида банд | | | | | | | | | | | | | |

| | | | | | | | | | |
|---|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
| бўлган ходимлар, нафар | | | | | | | | | |
| Шу жумладан аёллар | | | | | | | | | |
| <i>(таркибий бўлинманинг номи кўрсатилади)</i> | | | | | | | | | |
| Иш ўринлари, бирлик | | | | | | | | | |
| Мазкур иш ўринларида банд бўлган ходимлар, нафар | | | | | | | | | |
| Шу жумладан аёллар | | | | | | | | | |

Аттестация комиссияси раиси

_____ (лавозим)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (сана)

Аттестация комиссияси аъзолари:

_____ (лавозим)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (сана)

_____ (лавозим)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (сана)

_____ (лавозим)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (сана)

| | |
|------------------------------|----------------------------|
| Корхонанинг номи | |
| Юқори турувчи корхона | |
| Юридик манзили | |
| Асосий маҳсулот тури | |
| СТИР | ИФУТ МХБТ |

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Корхона раҳбари

ЛАВОЗИМИНИНГ НОМИ

(имзоси, фамилияси,
исми, отасининг исми)

20__йил «___»

| | | | |
|-----------------------------|------|------|--|
| Корхонанинг номи | | | |
| Юқори турувчи корхона | | | |
| Юридик манзили | | | |
| Асосий маҳсулот тури | | | |
| СТИР | ИФУТ | МХБТ | |

Меҳнат шароитларини меҳнат муҳофазаси меъёрлари, қоидалари ва
йўриқномалари талабларига мослаштириш бўйича
ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

| | | | | | | | |
|---|-----------------------|-----------------------------------|-----------------------------|---|-----------------------------|---|--|
| Иш ўрнини нг номи | Тадбир лар номи | Амалга ошириш механизм и | Молияла штириш манбай | Тадби рни амалг а ошири ши учун масъу л | Ижро этиш мудда ти | Тадбирни амалга ошириш учун жалб этиладига н бўлинмал ар | Амалга оширилганл ик тўғрисида белги |
| (таркибий бўлинма номи кўрсатиласди) | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |

Аттестация комиссияси
раиси

(лавозим)

(имзо)

(Ф. И. О.)

(сана)

Аттестация комиссияси аъзолари:

| | | | |
|-----------|--------|------------|--------|
| _____ | _____ | _____ | _____ |
| (лавозим) | (имзо) | (Ф. И. О.) | (сана) |
| _____ | _____ | _____ | _____ |
| (лавозим) | (имзо) | (Ф. И. О.) | (сана) |
| _____ | _____ | _____ | _____ |
| (лавозим) | (имзо) | (Ф. И. О.) | (сана) |

Ўзбекистон Республикаси Герби

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги

ДАВЛАТ ЭКСПЕРТИЗАСИ ХУЛОСАСИ

XX№00000000

20__йил «__» _____ ш.

Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш материаллари асосида қуидагилар аниқланди:

1. Иш ўринлари меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказилган корхона тўғрисида маълумотлар:

| | | | |
|---|------|------|--|
| Корхонанинг номи | | | |
| Юқори турувчи корхона | | | |
| Юридик манзили | | | |
| СТИР | ИФУТ | МХБТ | |
| Аттестациядан ўтказилган иш ўринлари сони | | | |

2. Аттестациядан ўтказувчи ташкилот тўғрисида маълумотлар:

| | |
|----------------|--|
| Ташкилот номи | |
| Юридик манзили | |

| | |
|--|-----------|
| Синов лабораториясининг аккредитация аттестатининг рақами ва санаси | |
| СТИР | ИФУТ МХБТ |

3. Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш давомида мазкур иш бўйича амалдаги нормалар ва нормативлардан четга чиқилмаган.

4. Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш бўйича ишлар Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ амалга оширилган.

Давлат меҳнат инспекцияси
бошлиғи(Қорақалпоғистон Республикаси
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош
бошқармалари бошлиғи)

М.Ў.

(имзо)

Ф. И. О.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Корхона раҳбари
лавозимининг номи

(имзо, фамилияси, исми, отасининг исми)
20 ____ йил «____» _____

Аттестация комиссияси якуний (оралиқ-якуний) мажлисининг ПРОТОКОЛИ

20 ____ йил «____» _____ ш.

| | | | |
|--------------------------|------|------|--|
| Корхонанинг номи | | | |
| Юқори турувчи корхона | | | |
| Юридик манзили | | | |
| Асосий маҳсулот тури | | | |
| СТИР | ИФУТ | МХБТ | |

20 ____ йил «____» _____ даги ____ -сон буйруққа мувофиқ аттестация комиссияси 20 ____ йил «____» _____ дан 20 ____ йил «____» _____ гача иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказишни амалга оширди.

Аттестациядан ўтказиш

(корхона раҳбари лавозимининг номи, Ф.И.О.)

томонидан 20__ йил

«__» _____ да тасдиқланган меҳнат шароитлари юзасидан аттестациядан ўтказиладиган иш ўринлари рўйхати асосида амалга оширилди. Аттестация натижалари куйидагиларда ўз аксини топган: меҳнат шароитлари хариталари (ўлчаш баёнлари билан бирга); иш ўринларини меҳнат шароитлари юзасидан аттестациядан ўтказиш натижаларининг йиғма қайдномаси; иш ўринларини меҳнат шароитлари юзасидан аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича белгиланган меҳнат шароитлари класслари ҳамда шу муносабат билан ходимлар учун белгиланиши лозим бўлган кафолатлар ва преференцияларнинг йиғма жадвали.

Аттестациядан ўтказиш натижалари бўйича Меҳнат шароитларини меҳнат муҳофазаси нормалари, қоидалари ва инструкциялари талабларига мослаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб ва касаба уюшмаси билан келишилиб,

(корхона раҳбари лавозимининг номи, Ф.И.О.)

томонидан 20__ йил «__» _____ да

тасдиқланди.

Аттестациядан ўтказиш материаллари давлат экспертизасидан ўтди, улар бўйича 20__ йил «__» _____ даги __-сон хулоса олинди.

Аттестациядан ўтказиш натижаларини қўриб чиқиб, аттестация комиссияси қарор қилди:

1. Аттестациядан ўтказиш бўйича ишлар якунланган деб ҳисоблансин.
2. ...
3. ...

Аттестация комиссияси раиси

—
(лавозим)

—
(имзо)

—
(Ф. И. О.)

—
(сана)

Аттестация комиссияси аъзолари:

—
(лавозим)

—
(имзо)

—
(Ф. И. О.)

—
(сана)

—
(лавозим)

—
(имзо)

—
(Ф. И. О.)

—
(сана)

(лавозим)

(имзо)

(Ф. И. О.)

(сана)

5-амалий машғулот. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш Қоидалари

Машғулотнинг мақсади. Ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчи ўз фуқаролик жавобгарлигини ушбу Қоидада белгиланган шартлар асосида ва тартибда сұғурталаш шарт шароитларини ўрганиш.

Машғулот режаси:

1. Умумий қоидалар.
2. Мажбурий сұғурта қилиш шартномасини тузиш, ўзгартериш ва унинг амал қилишини муддатидан олдин тўхтатиш тартиби.
3. Сұғурта суммаси, сұғурта мукофоти ва мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта мукофотини тўлаш тартиби.
4. Мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта ҳодисаларини кўриб чиқиши тартиби.
5. Етказилган зарар миқдорини белгилаш ва мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта товонини тўлаш тартиби.

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидалар иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш (кейинги ўринларда мажбурий сұғурта қилиш деб аталади) тартибини белгилайди.
2. Ушбу Қоидаларда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

аннуитент — ўзига нисбатан аннуитетлар шартномаси тузилган ва жорий тўловлар тарзида сугурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс;

наф оловчи — ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда сугурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс;

қоплов суммаси — аннуитетлар шартномаси муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда аннуитетлар шартномаси бўйича сугурталовчига тўланадиган пул маблағлари суммаси;

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш шартномаси (кейинги ўринларда мажбурий сугурта қилиш шартномаси деб аталади) — сугурталовчи унинг бўйича сугурта ҳодисаси вужудга келганда келишилган тўлов (сугурта мукофоти) юзасидан иш берувчига ва (ёки) жабрланганга ёхуд наф оловчига меҳнатда майиб бўлганлиги, касб касаллигига чалиниши ёки унинг меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланганлиги муносабати билан ходимнинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини сугурта суммаси доирасида қоплаш мажбуриятини оладиган сугурта шартномаси;

аннуитетлар шартномаси — сугурталовчи унга кўра аннуитетлар шартномаси бўйича аннуитетлар шартномасида келишилган тўловни (сугурта мукофотини) бир йилдан кўп муддатга жорий тўловлар тарзида сугурта суммаси доирасида сугурта товонини тўлашни амалга ошириш мажбуриятини оладиган сугурта шартномаси;

ишлиб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса — ходимнинг у меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ўз вазифаларини иш берувчининг худудида ҳам, ундан ташқарида ҳам бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруриятини келтириб чиқарган, унинг касбга оид меҳнат қобилиятиви вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

касб қасаллиги — ходимнинг унга ишлаб чиқаришнинг заарли ёки хавфли омили таъсири натижаси бўлган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали қасаллиги;

жабрланувчи — ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлик ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, қасб қасаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан соғлигига зарар етказилган, суғурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган ходим;

ходим — иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлаётган жисмоний шахс;

иш берувчи — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахс билан меҳнат шартномаси (контракт) тузган юридик ёки жисмоний шахс;

суғурта мукофоти — иш берувчининг мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилиш ёки аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига мажбурий суғурталаш шартномасига ёки аннуитетлар шартномасига мувофиқ тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;

мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта пули — суғурталовчи мажбурий суғурта қилиш шартномаси доирасида жабрланувчига (наф оловчига) етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини оладиган сумма;

аннуитетлар шартномаси бўйича суғурта пули — жабрланувчига (наф оловчига) бир йилдан кўп муддатга жорий тўловлар тарзида суғурта товонини тўлашни назарда тутадиган етказилган зарарнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган миқдори;

суғурта полиси — мажбурий суғурта қилишнинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи белгиланган намунадаги ҳужжат;

мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси — иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши даврида ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлик ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, қасб қасаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш

берувчининг фуқаролик жавобгарлиги вужудга келганлиги белгиланган тартибда тасдиқланган факт;

аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурта ҳодисаси — аннуитетнинг аннуитетлар шартномаси амал қиласидаги даврда жорий тўлов тарзида сұғурта товонини амалга ошириш санасигача яшashi;

иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурталовчи — умумий сұғурта қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурталовчи — ҳаётни сұғурта қилиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражаси — касбга оид меҳнат қобилиятининг ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса юз бергунига қадар бўлган, фоизларда ифодаланган, тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси томонидан аниқланадиган пасайиши;

меҳнатда майиб бўлиш — ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса оқибатида вақтинча ёки турғун йўқотиши.

3. Иш берувчи у давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ёки иш берувчилар — жисмоний шахслар учун меҳнат шартномаси (контракти) тузилган санадан бошлаб 15 иш кунидан кечикмай меҳнатда шикастланиш, касб касаллиги ёки унинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш бўйича ўз фуқаролик жавобгарлигини сұғурта қилиши шарт.

Иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини сұғурта қилиш мажбурияти ушбу Қоидаларга мувофиқ «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-банди **иккинчи қисми** қоидалари амалга киритилган кундан бошлаб кучга киради.

4. Меҳнатда шикастланиш, касб касаллиги ёки унинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда

шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш бўйича ўз фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлган тақдирдаги иш берувчининг мулкий манфаатлари мажбурий сұғурта қилиш объекти ҳисобланади.

5. Иш берувчи, мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурталовчи (кейинги ўринларда сұғурталовчи деб аталади), аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурталовчи, жабрланувчи ва наф олувчи мажбурий сұғурта қилиш субъектлари ҳисобланади.

6. Иш берувчи ушбу Қоидалар асосида сұғурталовчи билан мажбурий сұғурта қилиш шартномасини тузади, унга мувофиқ сұғурта ҳодисаси вужудга келган даврда иш берувчига ва (ёки) жабрланувчига ёхуд наф олувчига ходимнинг меҳнатда шикастланиши, касб касаллиги ёки унинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлайди.

Етказилган зарарни қоплаш бир йилдан кўп муддатга тўловни назарда тутган ҳолларда иш берувчи мазкур Қоидаларга мувофиқ аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурталовчи билан аннуитетлар шартномасини тузади, унга кўра аннуитетга жорий тўловлар тарзида сұғурта товонини тўлови амалга оширилади.

7. Сұғурта ҳодисаси муносабати билан жабрланувчига (наф олувчига) етказилган маънавий зарар мажбурий сұғурта қилиш бўйича қопланмайди.

8. Мажбурий сұғурта қилиш шартномаси ва мажбурий сұғурта қилиш полиси, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда, аннуитетлар шартномаси ва аннуитетлар шартномаси бўйича полис мажбурий сұғурта қилишнинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади.

2. Мажбурий сұғурта қилиш шартномасини тузиш, ўзгартириш ва унинг амал қилишини муддатидан олдин тўхтатиш тартиби

9. Мажбурий сұғурта қилиш шартномаси оммавий ҳисобланади ва иш берувчи ҳамда сұғурта қилувчи ўртасида ушбу Қоидаларга **1-иловага** мувофиқ

шакл бўйича бир йил муддатга тузилади. Агар иш берувчи ўз фаолиятини бир йилдан кам муддатда амалга оширса, у ҳолда мажбурий сұғурта қилиш шартномаси иш берувчи фаолиятни амалга ошириш муддатига тузилади.

10. Иш берувчи мажбурий сұғурта қилишни амалга оширадиган сұғурталовчини ва аннуитет шартномаси бўйича сұғурталовчини танлаш ҳуқуқига эга.

11. Сұғурталовчи ўзига ёзма ариза билан мурожаат қилган ва ушбу Қоидаларга мувофиқ ҳужжатларни тақдим этган иш берувчига мажбурий сұғурта қилиш шартномасини тузишни рад этишга ҳақли эмас.

12. Мажбурий сұғурта қилиш шартномасини тузиш учун иш берувчи сұғурталовчига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) ушбу Қоидаларга **2-иловага** мувофиқ шакл бўйича мажбурий сұғурта қилиш шартномасини тузиш тўғрисидаги ариза;

б) иш берувчи — жисмоний шахс паспортининг ёки унинг шахсини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатининг нусхаси (фотосурати ва рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги охирги ёзув мавжуд бўлган бетлари);

в) иш берувчининг (юридик шахслар учун) давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси.

Иш берувчи сұғурталовчига тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгар хисобланади.

13. Мажбурий сұғурта қилиш полиси иш берувчига сұғурталовчининг ҳисоб рақамларига мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта мукофоти келиб тушган кундан кейинги уч иш кунидан кечикмай берилади.

Сұғурта полиси бланкаси қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат хисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганликнинг камида 3 даражасига эга бўлиши керак. Сұғурта полиси бланкаси сұғурталовчининг (аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурталовчининг) буюртмаси бўйича, босмахона усулида «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида ушбу Қоидаларга **3** ва **8-иловаларга** биноан намуналарга мувофиқ тайёрланади.

14. Суғурта полиси йўқолган тақдирда иш берувчи унинг дубликатини олиш хуқуқига эга.

Дубликат суғурталовчи томонидан иш берувчи мурожаат қилган ва у дубликатни тайёрлаш харажатларини иш берувчи мурожаат қилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг кўпи билан 10 фоизи миқдорида тўлаган кундан бошлаб икки кун муддатда берилади.

15. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси амал қиласиган даврда иш берувчи ёзма шаклда ва ушбу Қоидаларда назарда тутилган муддатларда суғурталовчига мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида хабар қилиш шарт.

16. Иш берувчидан мажбурий суғурта қилиш шартномасини тақдим этилган маълумотлардаги ўзгаришлар тўғрисида ариза олинганда суғурталовчи, зарурат бўлганда, мажбурий суғурта қилиш шартномасига қўшимча битимни тузади ва суғурта полисини қайтадан расмийлаштиради.

17. Мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари у амал қиласиган даврда ўзгарган тақдирда суғурта мукофоти миқдорига ўзгарган шартларга мувофиқ ҳолда ўзгартириш киритилади. Бунда томонларнинг суғурта мукофотининг ўзаро ҳисоб-китобларига тааллуқли бўлган мажбуриятлари мажбурий суғурта қилиш шартномасига қўшимча битим тузилган санадан бошлаб 3 иш кунидан кечикмай бажарилиши керак.

18. Агар иш берувчи мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари ёки ушбу Қоидаларнинг **17-бандида** назарда тутилган ҳолларда мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича қўшимча суғурта мукофоти тўлашга қарши бўлса, у ҳолда суғурталовчи мажбурий суғурта қилиш шартномасининг бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир. Бунда мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича тўланган суғурта мукофоти қайтариб берилмайди.

19. Мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиши қўйидаги ҳолларда муддатидан олдин тўхтатилади:

- а) иш берувчи — юридик шахс тугатилганда ёки қайта ташкил этилганда;
- б) иш берувчи — жисмоний шахс вафот этганда;

в) мажбурий сұғурта қилиш шартномаси суд қарорига күра ҳақиқий әмас деб әттироф этилганда.

Мажбурий сұғурта қилиш шартномасининг амал қилиши қонун хужжатларида назарда тутилған бошқа ҳолатларда ҳам муддатидан олдин түхтатилиши мумкин.

20. Мажбурий сұғурта қилиш шартномасининг амал қилиши муддатидан олдин түхтатилған тақдирда сұғурта мукофотининг бир қисми тұланған сұғурта товони суммасига ва мазкур шартнома амал қилишининг күнлар ҳисобидаги қолған муддатига мутаносиб равишда қайтариб берилади. Бунда мажбурий сұғурта қилиш шартномасининг амал қилиши ушбу Қоидалар 19-бандининг «а», «б» ва «в» **кичик бандларида** күрсатилғанлардан бошқа асосларга күра муддатидан олдин түхтатилған тақдирда сұғурталовчи сұғурта мукофотининг қайтариб берилаётган қисмидан ушбу шартнома бүйича исботланадиган харажатларнинг сұғурта мукофотининг 25 фоизидан күп бўлмаган миқдордаги суммасини чегириб қолиши мумкин.

3. Сұғурта суммаси, сұғурта мукофоти ва мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта мукофотини тұлаш тартиби

21. Мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта суммаси қўйидаги миқдорда белгиланади:

мажбурий сұғурта қилиш шартномаси тузилған санадаги ҳолатга кўра фаолиятини бир йилдан ортиқ амалга ошириб келаётган иш берувчи учун — мажбурий шартнома тузилған ойдан олдинги ўн икки ой учун иш берувчи барча ходимларининг бир йиллик иш ҳақи миқдорида;

ўз фаолиятини янгитдан амалга ошираётган иш берувчи учун — мажбурий сұғурта қилиш шартномаси тузилған ойдан кейинги ўн икки ой учун иш берувчи барча ходимларининг бир йиллик иш ҳақи миқдорида. Бунда йиллик иш ҳақи биринчи ойдаги иш ҳақи миқдорини ўн иккига кўпайтириш орқали ҳисоблаб чиқарилади;

фаолиятини бир йилдан кам бўлган муддатга амалга оширувчи иш берувчи учун — иш берувчи барча ходимларининг иш берувчининг мазкур фаолияти амалга ошириладиган муддатдаги иш ҳақи миқдорида.

22. Мажбурий сұғурта қилиш шартномасининг амал қилиш муддати давомида йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда, сұғурта пули ва сұғурта мукофоти қисмига ушбу шартномага ёзма равишда қўшимча келишув тузиш орқали ўзгартиришлар киритилади. Бунда мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта мукофотини қайта ҳисоб-китоб қилиш мазкур шартнома тузилган санада амалда бўлган сұғурта тарифи бўйича, қолган сұғурта даври ва сұғурта пулига мутаносиб равишда амалга оширилади.

23. Мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта мукофоти миқдори ушбу Қоидаларга [9-иловага](#) мувофиқ сұғурта тарифларига биноан ҳисоблаб чиқарилади.

Сұғурта тарифларининг мажбурий сұғурта қилиш шартномаси амал қиласидан муддат мобайнида ўзгариши иш берувчи томонидан тўлов вақтида амалда бўлган сұғурта тарифлари бўйича тўланган сұғурта мукофотининг ўзгаришига олиб келмайди.

24. Мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта мукофотини ҳисоблаш сұғурталовчи томонидан, мажбурий сұғурта қилиш шартномаси тузиш тўғрисидаги аризада иш берувчи кўрсатган маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

25. Мажбурий сұғурта қилиш шартномаси тузилгандан кейин мажбурий сұғурта қилиш шартномаси тузиш тўғрисидаги аризада иш берувчининг нотўғри ва (ёки) хато маълумотлар кўрсатганлиги аниqlанган тақдирда сұғурта мукофоти миқдори сұғурта тарифларига ва мажбурий сұғурта қилиш шартномаси тузилган вақтда амалда бўлган иш берувчи фаолият турларининг хавфлилик даражаси тавсифига мувофиқлаштирилиши керак.

26. Мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта мукофоти иш берувчи томонидан, мажбурий сұғурта қилиш шартномаси тузилган санадан бошлаб беш иш кун мобайнида бир йўла тўланади.

Суғурта мукофоти нақд пул билан тўланган тақдирда суғурталовчи (унинг филиали ёки суғурта агенти) томонидан пул маблағлари қабул қилиб олинган сана тўлов санаси ҳисобланади. Суғурта мукофоти нақд пулсиз тўланган тақдирда пул маблағларининг суғурталовчи (унинг филиали ёки суғурта агенти) ҳисоб рақамига тушган санаси суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

Иш берувчининг ҳисоб рақамидаги пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини тўлаш иш берувчининг ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлик бўлган кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларига мўлжалланган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

27. Агар суғурталовчи мажбурий суғурта қилиш шартномасининг амал қилиш даврида суғурта товонини тўлаган бўлса, мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта пули тўланган суғурта товони суммаси миқдорига камайтирилади. Бунда иш берувчи тўланган суғурта товони суммасига ҳамда мажбурий суғурта қилиш шартномасининг қолган амал қилиш муддатига мутаносиб равишда суғурта мукофотини етти иш куни мобайнида қўшимча равишда тўлаши шарт.

Мажбурий суғурта қилиш шартномаси томонларининг ҳуқуқлари ва
мажбуриятлари

28. Иш берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:
суғурталовчидан мажбурий суғурта қилиш шартномасининг шартларини тушунтириб беришни талаб қилиш;

суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

йиллик иш ҳақи миқдори камайган тақдирда, суғурта мукофотининг йиллик иш ҳақи миқдорининг камайишига ва мажбурий суғурта қилиш шартномасининг тугалланмаган даврига мутаносиб қисмини олиш.

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

29. Иш берувчи:

мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича ва айрим ҳолларда аннуитетлар шартномаси бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда сұғурта мукофотини тўлаши;

йиллик иш ҳақи миқдори ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда сұғурталовчига ёзма шаклда хабар қилиши;

иш берувчи томонидан амалга оширилаётган фаолият турларининг хавфлилиқ даражаси ўзгарган пайтдан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда сұғурталовчига ёзма шаклда билдириши ва зарур бўлган ҳолларда, қўшимча ҳисоблаб чиқарилган сұғурта мукофотини тўлаши;

ходимларни мажбурий сұғурта қилиш шартномаси шартлари билан таништириши, шу жумладан, мазкур шартнома бўйича томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

сұғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни жабрланувчи ёки наф оловчи ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қилган санадан эътиборан икки иш куни мобайнида тақдим этиши;

ишлиб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса юз берганлиги ўзига маълум бўлган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда сұғурталовчига ёзма шаклда билдириши;

Иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

30. Сұғурталовчи қўйидаги хуқуқларга эга:

ишлиб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этиш ва зарур бўлган ҳолларда тегишли экспертларни жалб этиш;

ишлиб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисага доир ахборотни текшириш;

сұғурта мукофотини аниқлаш учун сұғурта хавфини баҳолаш;

ишлиб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар бериш.

Сұғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

31. Суғурталовчи:

мажбурий суғурта қилиш шартномаси шартлари билан иш берувчини таништириши, шу жумладан, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган, иш берувчи ва (ёки) жабрланувчи ёхуд наф оловчи тўғрисидаги маълумотларнинг маҳфийлигини таъминлаши;

суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, иш берувчи суғурта товонини тўлаш учун мурожаат этганидан кейин ўн беш иш кунидан кечиктирмай бу ҳақда иш берувчига рад этиш сабабларини далиллар билан асослантирган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиши;

ушбу Қоидаларнинг [34-бандида](#) назарда тутилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан эътиборан ўн иш кунидан кечиктирмай қарор қабул қилиши ва суғурта товонини тўлаши;

ўзи алмаштирилган тақдирда бу ҳақда иш берувчига дарҳол ёзма шаклда хабар бериши шарт.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

32. Жабрланувчи қуидаги ҳуқуқларга эга:

иш берувчига ёки суғурталовчига ёхуд аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчига суғурта товонини тўлаш ҳақида ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурта товони олиш;

мажбурий суғурта қилиш шартномасининг ёки аннуитетлар шартномасининг шартлари тўғрисида иш берувчидан ёки суғурталовчиdan ёхуд аннуитетлар шартномаси бўйича суғурталовчидан бепул ахборот олиш;

ишлиб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисани текширишда зарурият бўлганда, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи вакилларини ёхуд ўзининг ишончли шахсини жалб этган ҳолда белгиланган тартибда иштирок этиш;

иш берувчидан сұғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бүйича сұғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни олиш.

33. Наф олувчи қуидаги хуқуқларга эга:

сұғурта товонини олиш ҳақидаги талаб билан иш берувчига ёки сұғурталовчига мурожаат этиш;

қонун хужжатларида белгиланған шартлар асосида ва тартибда сұғурталовчи ва (ёки) аннуитетлар шартномаси бүйича сұғурталовчидан сұғурта товонини олиш;

иш берувчиdan, сұғурталовчидан мажбурий сұғурта қилиш шартномасининг шартлари түғрисида ҳамда аннуитетлар шартномаси бүйича сұғурталовчидан аннуитетлар шартномаси шартлари ҳақида бепул ахборот олиш;

ходим ўз меҳнат вазифаларини бажараётганда вафот этганлиги ҳақида иш берувчига хабар қилиш;

ишлиб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисани текширишда белгиланған тартибда иштирок этиш, зарур бўлган ҳолларда касаба уюшмаси вакилларини ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи вакилларини ёхуд ўзининг ишончли шахсини жалб этган ҳолда иштирок этиш;

иш берувчидан сұғурталовчи ва аннуитетлар шартномаси бүйича сұғурталовчи ҳақидаги барча зарур маълумотларни олиш.

4. Мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бүйича сұғурта ҳодисаларини кўриб чиқиши тартиби

34. Иш берувчи ишлиб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисани текшириш якунларига кўра сұғурталовчига сұғурта товони талабидан иборат бўлган ёзма шаклдаги ариза билан мурожаат қиласи (ушбу Қоидаларга [4-илова](#)), унга қуийдагилар илова қилинади:

иш берувчининг ишлиб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса оқибатларига кўра етказилган заарнинг ўрнини қоплаш түғрисида ушбу Қоидаларга [5](#) ёки [5-1-илловаларга](#) мувофиқ шакл бүйича буйруғининг нусхаси;

ходимнинг ёки наф олувчининг етказилган заарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаби кўрсатилган, иш берувчининг номига ёзилган аризасининг нусхаси;

суғурта ҳодисаси юз бергунига қадар ходим олган ўртacha ойлик ёки йиллик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;

мехнат шартномасининг (контрактнинг) нусхаси;

касб касаллигида — ходимнинг касб касаллиги тўғрисидаги тиббий хулоса;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса содир бўлганлигини ва ходим учун унинг оқибатини тасдиқловчи ҳужжатлар (ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани маҳсус текшириш далолатномаси, тиббий-мехнат экспертиза комиссиясининг хулоаси, низолар юзага келган ҳолларда эса — суднинг қарори).

Ходим вафот этган тақдирда ходимнинг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси ва наф олувчининг заарнинг ўрни қопланишига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилинади.

Ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилиш тақиқланади.

35. Ҳужжатларни қабул қилиб олган суғурталовчи иш берувчига тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхатини ва улар қабул қилиб олинган санани кўрсатган ҳолда маълумотнома бериши шарт.

36. Суғурталовчи тегишли сўровнома бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан, судлардан, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ва бошқа ташкилотлардан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса билан боғлиқ ҳужжатларни ва хулосаларни олишга, шунингдек жабрланувчига ёхуд наф олувчига етказилган заарнинг сабабларини, ҳолатини ва миқдорини мустақил равишда аниқлашга ҳақлидир.

37. Суғурталовчи ушбу Қоидаларнинг **34-бандда** кўрсатилган барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган санадан бошлаб ўн иш кунидан кечикмай суғурта

ҳодисасини тан олиш тўғрисида қарор қабул қилиши ва сұғурта товонини тўлаши шарт.

38. Сұғурта ҳодисасини тан олиш ва сұғурта товони миқдорини аниқлаш сұғурталовчи томонидан, иш берувчи тақдим этган ҳужжатларни ўрганиш, шунингдек ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисани текшириш учун жалб этилган эксперктарнинг тегишли хуносалари асосида амалга оширилади.

39. Сұғурта ҳодисаси тан олинганда ва сұғурта товони суммаси белгиланганда сұғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома тузилади, у ҳар қайси томон учун бир нусхадан — икки нусхада, сұғурталовчи ва иш берувчи томонидан имзоланади.

Сұғурта товонини бир йилдан кўп муддат учун тўлаш зарур бўлганда сұғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома сұғурта товонини бир йилдан кўп муддат учун асосли равишда ҳисоблаш учун иш берувчи томонидан танланган аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурталовчи иштироқида тузилади. Сұғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома ҳар қайси томон учун бир нусхадан — уч нусхада, сұғурталовчи, иш берувчи ва аннуитетлар шартномаси бўйича сұғурталовчи томонидан имзоланади.

40. Сұғурталовчи томонидан сұғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда бу ҳақда иш берувчига унинг сұғурта товонини тўлаш талабидан иборат бўлган ариза билан ёзма мурожаатидан кейин ўн беш иш кунидан кечикмай рад этиш асослари кўрсатилган ҳолда хабар қилинган бўлиши керак.

5. Етказилган зарар миқдорини белгилаш ва мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича сұғурта товонини тўлаш тартиби

41. Ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлик ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарнинг ўринини қоплаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Мажбурий сұғурта қилиш бүйича сұғурта товони етказилған заар миқдорида, лекин сұғурта пули миқдоридан күп бўлмаган миқдорда тўланади.

42. Агар сұғурта ҳодисаси натижасида иш берувчидан бир нафардан кўп ходим олдида жавобгарлик пайдо бўлса ва у сұғурта пулидан ортиқ бўлса мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бүйича сұғурта товони ҳар бир жабрланувчига ёхуд наф олувчига унинг етказилған заар умумий миқоридаги улушкига мутаносиб равища, лекин мажбурий сұғурта шартномаси бўйича сұғурта пулидан кўп бўлмаган миқдорда тўланади.

43. Мажбурий сұғурта қилиш бўйича сұғурта товони:

жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўлов ёки касб касаллиги аниқлангунга қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланадиган ҳар ойлик тўлов;

мархумнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқоридаги, унинг ўзига ва қарамоғида бўлган, лекин етказилған заарнинг ўрни қопланишига ҳақли бўлмаган, меҳнатга қобилиятили шахсларга тўғри келадиган улуш чегириб ташланган ҳолдаги ҳар ойлик тўлов;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда жабрланувчига ёки наф олувчига бир йўла бериладиган нафақа тўлови;

ходим вафот этган тақдирда мажбурий сұғурта қилиш шартномасида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги дағн этиш харажатлари;

иш берувчининг қўшимча харажатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация қилиш тарзида амалга оширилади.

44. Қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори оширилган тақдирда, ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига заар етказилганлиги муносабати билан заарнинг ўрнини қоплашнинг белгиланган суммаси меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг оширилишига мутаносиб равища кўпайтирилади. Бунда заар ўрнини қоплашнинг кўпайтирилган

суммаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда иш берувчи томонидан кўшимча тарзда тўланади.

45. Агар мажбурий сугурта қилиш шартномасининг амал қилиш муддати тугагандан кейин, кўрсатилган шартнома амал қилган даврда рўй берган сугурта ҳодисаси оқибатида аниқланган заар миқдори белгиланган тартибда қайта кўриб чиқилса, у ҳолда бундай заарни қоплаш бўйича мажбурият иш берувчи зиммасида бўлади.

46. Мажбурий сугурта қилиш шартномаси бўйича сугурта товони, агар етказилган заарнинг ўрнини қоплаш бир йилгача муддат учун тўловни назарда тутса, сугурталовчи томонидан жабрланувчига ёки наф олувчига тўланади. Бунда иш берувчининг талабига кўра сугурталовчи унга сугурта товони тўланганини тасдиқловчи тўлов хужжатлари нусхасини тақдим этиши шарт.

47. Сугурталовчининг жабрланувчига ёки наф олувчига мажбурий сугурта қилиш шартномаси бўйича сугурта товонини тўлаш мажбуриятлари юридик шахс — иш берувчи тугатилганда, жисмоний шахс — иш берувчи вафот этганда ёки ушбу шартнома амал қилган даврда жабрланувчи ва иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатлари тўхтатилган ҳолларда сақланиб қолади.

48. Мажбурий сугурта қилиш шартномасининг иш берувчининг ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг соғлифи ёмонлашганлиги ёхуд вафот этганлиги туфайли келиб чиқкан кўшимча харажатларининг компенсация қилинишига доир қисми бўйича сугурта товони иш берувчига, у шундай харажатларни амалга оширганлигини тасдиқлайдиган хужжатлар асосида тўланади.

49. Агар етказилган заарнинг ўрнини қоплаш бир йилдан ортиқ муддат учун тўловни назарда тутса, мажбурий сугурта қилиш шартномаси бўйича сугурта товони сугурталовчи томонидан иш берувчига тўланади. Бунда иш берувчи ушбу Қоидаларнинг **52-бандига** мувофиқ аннуитетлар шартномасини тузиши ва мажбурий сугурта қилиш шартномаси бўйича олинган сугурта товонидан фақат аннуитетлар шартномаси бўйича сугурта мукофотини тўлаш

учун фойдаланиши шарт. Агар иш берувчининг мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича олган сұғурта товони суммаси аннуитетлар шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган сұғурта мукофоти миқдоридан кам бўлса, у ҳолда фарқ иш берувчи ҳисобидан қўшимча равишда тўланиши керак.

50. Иш берувчидаги фарқни қўшимча равишда тўлаш учун маблағлар етарли бўлмаган тақдирда аннуитетлар шартномаси мажбурий сұғурта қилиш шартномаси бўйича олинган сұғурта товони пулига мутаносиб бўлган муддатга тузилади. Бунда иш берувчи қонун хужжатларида белгиланган тартибда жабрланувчига ёхуд наф оловчига зарарнинг тегишли қисмини тўлаш бўйича жавобгарликни зиммасига олади.

51. Сұғурта товонини ўтказиш бўйича харажатлар сұгурталовчининг ҳисобидан амалга оширилади.

1-илова

**Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий сұғурта қилиш
ШАРТНОМАСИ**

-сон

_____ шаҳри

20__ йил «__» _____

Кейинги ўринларда «Иш берувчи» деб аталадиган _____

(иш берувчининг номи)

асосида ҳаракат қиладиган

(хужжатнинг номи)

_____, бир томондан

(Ф.И.О., лавозими)

ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 200__ йил _____
да берилган _____ -сон лицензия асосида ҳаракат қиладиган, кейинги

ўринларда «Суғурталовчи» деб аталадиган _____

(суғурталовчининг номи)

асосида ҳаракат қиладиган

(хужжатнинг номи

(Ф.И.О., лавозими)

орқали, иккинчи томондан, ушбу шартномани қуидагилар тўғрисида
туздилар

1. Шартноманинг предмети

1. Суғурталовчи ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Махкамасининг 2009 йил _____ даги _____-сон қарори билан
тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта
қилиш қоидаларига мувофиқ сугурта ҳодисаси юз берган тақдирда иш
берувчига, жабрланувчига ёхуд наф олувчига меҳнатда олган майиблиги, касб
касаллиги ёки ходимнинг ушбу шартнома амал қиладиган даврда меҳнат
вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда
шикарстланиши муносабати билан ходимнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган
зарарни тўлаш мажбуриятини олади.

2. Суғурта пули ва суғурта мукофоти

2. Суғурта пули ушбу шартнома бўйича _____ сўмни,

(суммаси рақамлар ва ёзув билан)

